

Илмий-адабий тафаккур ва услуб

Монографияда ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида мунаққиднинг илмий-бадiiй тафаккури масаласи услуб назарияси билан боғлиқликда тадқиқ этилган. Тадқиқотда бу муаммоларни ҳал этишда йирик навоийшунос олим, етук адабиётшунос, зукко танқидчи Иброҳим Ҳаққул ижоди асос қилиб олинган. Олимнинг мумтоз адабиёт тарихи, XX аср ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён тадқиқига бағишланган асарлари таҳлили орқали мунаққид услубининг ўзига хослиги ёш олиманинг янги қарашларга бой илмий мулоҳазалари асосида ўрганилган.



Қодирова Насима Саидбурҳоновна Бухоро давлат университетида фаолият юритиб келмоқда. Ёш олиманинг 50га яқин илмий-назарий, илмий-услубий мақолалари, рисола ва услубий қўлланмалари чоп этилган бўлиб, ҳозирда докторлик диссертацияси устида изланмоқда.



Globe
EDIT

Илмий-адабий тафаккур ва услуб

Насима Кодирова

Globe
EDIT



Насима Кодирова

Илмий-адабий тафаккур ва услуб

муаммолари

Насима Кодирова

Илмий-адабий тафаккур ва услуб

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

Насима Кодирова

Илмий-адабий тафаккур ва услуб
муаммолари

FOR AUTHOR USE ONLY

GlobeEdit

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

str. A.Russo 15, of. 61, Chisinau-2068, Republic of Moldova Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-0-62710-0

Copyright © Насима Кодирова

Copyright © 2021 Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

FOR AUTHOR USE ONLY

ҚОДИРОВА НАСИМА

ИЛМИЙ - АДАБИЙ ТАФАККУР ВА УСЛУБ

МУАММОЛАРИ

2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА НАСИМА САИДБУРХОНОВНА

ИЛМИЙ - АДАБИЙ ТАФАККУР ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ
(И.Ҳаққул ижоди мисолида)

Монография Бухоро давлат университети илмий-техник кенгашининг 2021 йил, ноябрдаги 2-мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилган.



Мазкур монографияда ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида мунаққиднинг илмий-бадний тафаккури масаласи услуб назарияси билан боғлиқликда тадқиқ этилган. Тадқиқотда бу муаммоларни ҳал этишда йирик навоийшунос олим, етук адабиётшунос, зукко танқидчи Иброҳим Ҳаққул ижоди асос қилиб олинган. Олимнинг мумтоз адабиёт тарихи, XX аср ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён тадқиқига бағишланган асарлари таҳлили орқали мунаққид услубининг ўзига хослиги ёш олиманинг янги қарашларга бой илмий мулоҳазалари асосида ўрганилган.

Монографиядан адабиётшунослар, тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

Ахмедова Шоира Нематовна, филология
фанлари доктори, профессор,

Тақризчилар:

профессор Д.Салоҳий
профессор Г.Халлиева

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида илм-фан тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган адабий жараёнларни, уни тадқиқ этувчи адабиётшунослар ижоди ва услубини ўрганиш адабий-эстетик категория сифатида доимий эътиборни тортиб келмоқда. Айниқса, адабиётшунос услуби муаммосининг илмий-назарий жиҳатлари, уни юзага келтирувчи давр, ижодий муҳит, истеъдод, маҳорат каби омиллар, тадқиқотнинг структураси, турли таҳлиллардан фойдаланиш сингари унсурларни, услуб ва ижодий индивидуаллик масалаларини тадқиқ этиш адабиётшунослик назарияси тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ижодкор дунёқарашининг илмий-адабий тафаккур синтезидан иборат ўзига хослиги, таҳлил ва талқин тамойиллари, ижодкор шахси ва руҳиятига яқинлик, адабий матнга холис ёндашиш, турли методлардан фойдаланиш каби индивидуал жиҳатларни тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг мукамал тарихини яратишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, адабиётшунос услубининг, бадиий матн шарҳи ва талқинларининг ўзига хослиги, асардаги энг муҳим ғояларни очиб бериш йўллари, усуллари, адабий танқид жанрларини ривожлантиришдаги маҳорати, давр адабий жараёнини акс эттирган асарларининг лингвопоэтик хусусиятларини ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётшунослигида олим ва танқидчилар ижодини тадқиқ этиш, улар маҳоратининг янги қирраларини умумидабий жараён билан боғлаб, муайян тарихий аспектда холис ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Зеро, «Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак»¹. Шу нуқтаи назардан, Алишер Навоий ижодини китобхонга тушунтириш, шоир ижодида етакчи бўлган ғояларни китобхонга

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хйёбонининг очилишида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил 21 май. <http://db.natlib.uz/ru/editions/22251>

сингдириш, кичик жанрлар тахлили орқали уни китобхонга яқинлаштириш, шоир ижодидан сараланган парчалар насрий баёнини яратиш, янгича шарҳ ва талқинлар, ғазал ва рубойларда қўлланилган тимсоллар моҳиятини очишдаги маҳорат муаммоларини адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ижоди мисолида тадқиқ этиш, унинг услубига хос илмий-назарий хусусиятларни умумлаштириш зарурати мавжуд.

Жаҳон адабиётшунослигида И. Каллус, Ж. Корби, Г.Л. Люсенте, Ж.М. Робинсон, Х.Н. Гудмен, Л.Б. Хун, Ч. Адем, Э. Доғанай кабиларнинг илмий изланишлари услуб ва шахсият муаммолари тадқиқига қаратилганлиги билан алоҳида эътирофга лойиқ².

Рус адабиётшунослигида эса бу борада А.Н. Соколов, В.В. Виноградов, Л.И. Тимофеев, В.М. Жирмунский, Б.В. Томашевский, А.И. Николаев, М.Б. Храпченко, Б.Ф. Егоров, Т.Н. Бреева каби олимларнинг ижодкор ва мунаққид услуби тадқиқига доир мақсадли тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли³.

Ўзбек адабиётшунослигида ёзувчи услуби, адабиётшунос олим ва танқидчилар фаолиятини тадқиқ этиш, жумладан, Иброҳим Ҳаққул ижодий фаолиятининг турли қирраларини ёритиш борасида М. Султонова,

² Ivan Callus, James Corby, Gloria Lauri - Lucente. *Style in Theory: Between Literature and Philosophy*. Bloomsbury Publishing: USA, 2012. – 288 p.; Jenefer M. Robinson. *Style and Personality in the Literary Work*. The Philosophical Review, Vol. 94, – № 2 (Apr., 1985), – P. 227-247; Nelson Goodman. *The Status of Style*. Critical Inquiry. Vol.1, – № 4 (Jun., 1975), – P. 799-811; Ли Бен Хун. Проблема художественного образа в литературной критике В.Г.Белинского: Автореф. дисс.канд. филол. наук. – Москва, 1999. – 125 с. [Электронный ресурс] Режим доступа: <https://www.disscat.com/content/problema-khudozhestvennogo-obraza-v-literaturnoi-kritike-v-g-belinskogo>; Çalikan Adem. Üslûp ve üslûpblm üzerine – 4: üslûp ve üslûpblm siniflandirmaları // Uluslararası Sosyal Ara tirmalar Dergisi. Cilt:8 Sayı:38. 2015. – Б. 44-87.; Элиф Доғанай. Prof.dr.Ibrahim Hakul'un Nevaiye kaytis – 2 adli kitabındaki tasavvuf temali Nevaiy siirlerinin tahlil problemi hakkında. Моҳиятта муҳаббат. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 186-208.

³ Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва: Искусство, 1968. – 224 с.; Виноградов В. В. Проблема авторства и теория стилей /В. В. Виноградов. Москва: Художественная литература, 1961. – 614 с.; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стистика. – Ленинград: Наука, 1977. – 408 с.; Томашевский Б.В. Стистика и стихосложение. Курс лекций. – Ленинград: Учпедгиз, 1959. – 525 с.; Николаев А. И. Основы литературоведения: учебное пособие для студентов филологических специальностей. Понятие художественного стиля – Иваново: Листос, 2011. [Электронный ресурс] Режим доступа: <https://www.listos.biz/филология/николаев-а-и-основы-литературоведения/понятие-художественного-стиля/>; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Художественная литература, 1977. – 446 с.; Егоров Б.Ф. О мастерстве литературной критики: Жанры. Композиция. Стил. 2019. – 231 с. [Электронный ресурс] Режим доступа: <https://urait.ru/bcode/422737>; Бреева Т.Н. Литературно - критическая деятельность М.А. Волошина. Автореф. дисс....канд.филол.наук. – Казань. 1996. [Электронный ресурс] Режим доступа: <https://www.disscat.com/content/literaturno-kriticheskaya-deyatelnost-m-voloshina>.

С. Мамажонов, Ў. Шокиров, М. Қўшжонов, Б. Назаров, О.Шарафиддинов, Р. Вохидов, А. Расулов, А. Ҳайитметов, Н. Каримов, Т. Мирзаев, О. Сафаров, Б. Тўхлиев, Ш.Ахмедова, Э. Очилов, З. Қувоновларнинг ишлари диққатга сазовор⁴. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган бир қатор ўзбек, турк, рус ва инглиз адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотда адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг услубига ҳос хусусиятлар ва маҳорат масаласи яхлит ҳолда тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади услуб ва илмий-адабий тафаккур муаммосини Иброҳим Ҳаққул ижоди мисолида тадқиқ этишдан иборат. Шу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ўз олдидан қўйдик:

адабиётшуносликда услубга доир назарий қарашларни ёритиш, услубни юзага келтирувчи омиллар, давр, ижодий муҳит, истеъдод, маҳорат ва уни намоён этувчи тадқиқотнинг структураси, турли таҳлиллардан фойдаланиш каби унсурларни аниқлаш; таҳлил асносида илмий-адабий тафаккур, услуб ва ижодий индивидуаллик масаласини ёритиш, олимнинг навоийшуносликдаги шарҳ ва талқинларини текшириш орқали унинг маҳорати, шаклий-усулий изланишларни, услубига доир жиҳатларни очиқ бериш; адабиётшунос тадқиқотларининг поэтик хусусиятларини текшириш ва унинг ўзбек адабиётшунослигида тугган ўрнини белгилаш, услубининг ўзига ҳос жиҳатларини аниқлаш орқали услубга ҳос илмий-назарий хусусиятларни умумлаштиришдан иборат.

⁴ Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Тошкент: Фан, 1973. – 136 б.; Мамажонов С. Теранлик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 189 б.; Шокиров Ў., Иззат Султон. Адабий портрет. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – 112 б.; Қўшжонов М. Қалб ва кифо. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 224 б.; Назаров Б. Олим маданияти. Ижодий портрет. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 86 б.; Шарафиддинов О. Ёзувчилик излаб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 170 б.; Вохидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси. – Самарқанд: Зарафшон, 1997. – 80 б.; Расулов А. Истеъдод ва эътиқот. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 207 б.; Ҳайитметов А. Иброҳим Ҳаққул // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999 йил 4 -сон; Каримов Н. Иброҳим Ҳаққул феномени / Моҳиятга муҳаббат. – Тошкент: Тафаккур, – 2019. – Б. 17-26; Мирзаев Т. Қўнғил хазинаси. Сўзбоши / И.Ҳаққул. Эътиқод ва ижод. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 3-7; Сафаров О. Сўзни жаҳон бағрида дурдона билган мунаққид / Филология ва усулий масалалари. – Бухоро, 2010. – Б. 24 - 30; Очилов Э. Устоз сабоқлари / Мушоҳада ёғдуси. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 3-12; Ахмедова Ш., Қодирова Н. Ёниқ қалб ҳарорати. – Бухоро: Дурдона, 2012. – 64 б.; Қувонов З. Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2020. – 169 б.

I БОБ. АДАБИЁТШУНОСЛИКДА УСЛУБ ВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ ТАФАККУР ИНДИВИДУАЛЛИГИ МАСАЛАСИ

Адабиётшунос услуби муаммосининг ўрганилиши

Услуб масаласи фаннинг барча соҳаларига тааллуқли бўлиб, бугунги кунда жаҳон илм-фанида турли нуқтаи назардан тадқиқ этилмоқда. Илмий билиш услуби, илмий тафаккур услуби каби тушунчалар фалсафа, санъат, социология, табиий фанлар, филологияга доир тадқиқотларда тез-тез тилга олинмоқда. Бу каби соҳаларда услуб тушунчасининг умумий ҳолда қўлланилиши унинг муҳим хусусиятларидан бири илмий фикрлаш қобилияти билан изоҳланади.

Бугунги кунда олимлар услубни “голографик” тушунча сифатида изоҳлайдилар⁵. Замонавий илм-фанда кенг тарқалган голограмманинг метафорасини шундай изоҳлаш мумкин: Уч ўлчовли бўлган голограммада нарсанинг ҳар бир нуқтасидан қайтган нурлар бутун нарса ҳақида маълум бир тушунчани беради. Лазер нурлари бир қисмга қаратилса ҳам фақат ўша қисм ҳақида эмас, балки хира кўринишда бўлса-да, объектнинг тўлиқ тасвирини кўрамыз. Парча қанчалик катта бўлса, тасвир тиниклашиб, кичик бўлса, хиралашиб боради. Голограмманинг бу хусусияти услуб назариясида қўлланилганда матннинг кичик бир бўлаги ҳам муаллифнинг услуби, давр услуби, миллий услуб каби бир қатор маълумотларни ўз ичига олиши назарда тутилади. Услуб матннинг минимал майдонларида намоён бўлишни бошлайди. Бундан кўринадики, танқидчи ёки адабиётшунос олим услубини белгилашда унинг барча асарларини қамраб олиш шарт эмас, балки ғазал шарҳига бағишланган битта мақола ёки эссе, ёки тақриз таҳлили орқали ҳам унинг услуби борасида маълум хулосаларни чиқариш мумкин.

Жаҳон адабиётшунослигида мунаққид услуби ва индивидуаллиги масаласи Б. Бурсов, В. И. Баранов, А. Г. Бочаров, Ю. И. Суровцев, Р. Барт,

⁵ Николаев А. И. Основы литературоведения: учебное пособие для студентов филологических специальностей. Понятие художественного стиля – Иваново: ЛИСТОС, 2011. <https://www.listos.biz/филология/николаев-а-и-основы-литературоведения/понятие-художественного-стиля/>

Б.Ф. Егоров, Эйдинова В., Егоров П.А.⁶ каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Ўзбек адабиётшунослигида Ў.Ўтаев, И. Ғафуров, А. Исмоилов, Б.Назаров, А.Расулов, У.Ҳамдам, М.Қўчқорова, Н.Мирзаалиева, Э.Очилов, З.Қувонов сингари олимларнинг тадқиқотларида муайян давр адабиётшунослигидаги услубий изланишлар ва муайян адабиётшунос ва мунаққидлар услубига хос баъзи хусусиятлар очиб берилган⁷. Аммо адабиётшунос олим, мунаққиднинг илмий-эстетик тафаккури ва услуби муаммоси яхлит ҳолда тадқиқ этилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Шу боис танқидчи услуби муаммосини ёзувчи услуби билан қиёслаш асносида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Услуб – санъаткорнинг бошқалардан ажратиб турувчи бир қатор жиҳатларининг йиғиндиси сифатида юзага чиқиб, унинг шахсиятини акс эттирувчи ғоявий-эстетик хусусиятлар умумлашмасидир.

Таникли француз олими Ж.Л. Леклерк де Бюффон иборасига кўра “Услуб – бу шахс”⁸. Бюффон ушбу ибораси орқали услубда инсоннинг сўзи, хулқ-атвори, кийими, ўзини тутиши акс этишини назарда тутди. Адабиётшуносликда эса услубга нисбатан ушбу таъриф парадоксал равишда жуда тор ва жуда кенгдир.

Тор маънода мунаққид услубида нафақат муаллиф, балки миллат ва давр руҳи ҳам намоён бўлади. Шу билан бирга у жуда кенг, чунки услубда

⁶ Бурсов Б. Мастерство Чернышевского критика. – Ленинград, Советский писатель, 1956. – 338 с.; Баранов В. И., Бочаров А. Г., Суворов Ю. И. Литературно-художественная критика / В. И. Баранов, А. Г. Бочаров и др. – Москва, Высшая школа, 1982. – 207 с.; Барт Р. Критика и истина // Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – Москва, Прогресс, 1989. – 319 с.; Егоров Б. Ф. О мастерстве литературной критики: Жанры, Композиция. Стил. – Москва, 2019. – 231 с.; Эйдинова В. Стил художника: Концепции стили в литературной критике 20-х гг. – Москва, Художественная литература, 1991. – 284 с.; Ли бен Хун. Проблема художественного образа в литературной критике В.Г.Белинского: Автореф. дисс...канд. филол.наук. – Москва, 1999.; Бреева Т.Н. Литературно-критическая деятельность М.А. Волошина: Автореф. дисс...канд. филол.наук. – Казань, 1996.

⁷ Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 152 б.; Ғафуров И., Исмоилов А. Дил кўзгусидаги қиёфа. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 136 б.; Назаров Б. Танқидчи шахси ва ижодий ўзига ҳослик. Ўзбек тили ва адабиёти. 2008/6-сон.; Расулов А. Услуб – истеъдод портрети. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2013. – 35 б.; Ҳамдам У. Мунаққид масъулияти. Ўзбек тили ва адабиёти. 2012/5-сон.; Назаров Б. Давр ва мунаққид. Ўзбек тили ва адабиёти. 2012/6-сон.; Қўчқорова М. Истеъдод қирралари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2014/3-сон.; Мирзаалиева Н. У. Нормативнинг адабий портрет яратиш маҳорати. Ўзбек тили ва адабиёти. 2014/5-сон.; Очилов Э. Наъмиддин Комилов – навоийшунос. Ўзбек тили ва адабиёти. 2017/1-сон.

⁸ Жорж Луи Леклерк де Бюффон. Франция академиясига кириш нутқи. <http://www.infoliolib.info/philos/buffon/buffon.html>

муаллифнинг ўзлиги, ўз оламига нисбатан анча кам нарса намоён бўлиши мумкин. Масалан, лирика тадқиқи билан шуғулланувчи адабиётшунос баъзан эпик асарлар ҳақида, публицистикада ҳам ёзиши мумкин. Ва унда олимнинг лирика тадқиқотчиси сифатидаги хусусиятлари намоён бўлмаслиги мумкин.

Хоҳ тор бўлсин, хоҳ кенг, услубда доимо муаллифга доир нимадир намоён бўлади. Шу сабаб услубни умумий кўринишда ҳар қандай мазмуннинг намоён бўлиш усули сифатида белгилаш мумкин.

Услуб таҳлилида асосан икки хил мезон кўзда тутилади. Биринчиси, лингвистик, иккинчиси эса умумий эстетикага мувофиқ. Биринчи ҳолатда услуб – ёзиш манераси⁹, усуллар системасининг кўп ёки кам англанишидир. Аслида, “услуб” сўзининг бугунги кундаги маъноси тарихан метонимия асосида юзага келган. Грецияда (грекча –стилос, латинчада “стилус”), кейинчалик Римда ёзиш учун мўлжалланган чўп – қаламни услуб деб атаганлар. Чўпнинг охириги қисмида хато ёзилганларни ўчириш учун резина қисми бўлган. Шундан хатолар устида ишлаш, ёмон ёзилганларни ўчириш мақсадида қўлланилувчи “услубни айлантириш” деган ибора келиб чиққан. Шу сабаб, бугунги кунда “ўз қаламига эга мунаққид”, “қалами ўткир” каби ифодаларни “ўз услубига эга бўлиш” маъносида ишлатиш мумкин. Шу тариқа услуб тушунчаси, ёзишнинг ўзига хос характерли хусусияти, усуллар тизими сифатида шаклланган. Бу дескриптив (яъни тавсифловчи) ёндашув бўлиб, услуб таҳлилида бир қатор афзалликларга эга бўлса-да, услубни белгилашда фақатгина шунга таяниш етарли эмас.

Кўпчилик назариётчи олимлар услубга “шаклнинг мазмундорлиги” деб қарайдилар¹⁰. Демак, услуб ҳақида сўз борганда, биз нафақат шаклий ўзига

⁹ Николаев А. И. Основы литературоведения: учебное пособие для студентов филологических специальностей. Понятие художественного стиля – Иваново: Листос, 2011. <https://www.listos.biz/филология/николаев-а-и-основы-литературоведения/понятие-художественного-стиля/>

¹⁰ Виноградов В. В. Проблема авторства и теория стилей. – Москва, Художественная литература, 1961. – 614 с.; Виноградов В. В. Язык и стиль русских писателей: от Карамзина до Гоголя. – Москва, Наука, 1990. – 394; Поспелов Г. Н. Проблемы литературного стиля. – Москва, Изд-во МГУ, 1970 – 351 с.; Чичерин А. В. Идеи и стиль. – Москва, Советский писатель, 1968. <https://studfile.net/preview/460761/>; Соколов А. Н. Теория стиля. – Москва, Искусство, 1968. – 224 с.

хосликни, балки ўша ўзига хослик ортида яширинган мазмун мундарижасини ҳам назарда тутамиз.

Услугба ёндашув умумий эстетикага мувофиқлигига тўхталсак, услуб ижтимоий онгининг санъат соҳаси билан алоқадорлиги, уни яратиш гўзаллик қонунларига мувофиқ ижодкорлик эканлигини таъкидлаш жоиз. Услубни тушуниш, авваламбор, матнда намоён бўлган гўзалликни, бадият қонуниятларини ёки бошқача қилиб айтганда, унинг бадий малолхатини ҳис этишни англатади. “Услубнинг қонунийлиги бадиятнинг қонунийлиги, шу билан бирга эстетиканинг қонунийлигидир”¹¹ - деб ёзади услубшунос Н.Соколов.

Рус адабиётшуноси Б.В.Томашевский фикрига кўра, услуб деганда қандайдир ўзига хослик тушунилади. “Бу ўзига хослик бадий тил бўладими, тил воситаларининг ўзига хослиги бўладими ёки кўчма маънода “инсоний хулқ-атвор” хослиги бўладими, барибир ўзига хослик – бу “услуг” сўзи маъносининг биринчи белгиси”¹². Албатта, бу каби ўзига хосликка эга бўлиш ижодкордан билим, истеъдод ва маҳоратни талаб этади. Буни теран англаган В.Г.Белинский “услуг – бу талантнинг, фикрнинг ўзи... услубда бутунича одам: услуб - бу фикрнинг ойдинлиги, сезиларлилиги. Услуг мудом шахсият, характер каби оригинал. Шу сабабли ҳар қандай улкан ёзувчи ўз услубига эга”¹³, - дея услубни белгиловчи кўплаб хусусиятлар йиғиндиси бўлган шахсиятга аҳамият қаратади. А.Н. Соколов услуб ҳақида фикр юритар экан, унинг бир бутун тизим эканлигини, унга таъсир этувчи барча элементлар бир-бири билан яхлит боғланганлигини таъкидлайди¹⁴.

Инглиз назариётчи олимаси Женефер Робинсон ўз тадқиқотларида услубга доир бир қатор назарий фикрларни илгари суради. Жумладан, “Адабий асарда шахсият ва услуб” (Style and Personality in the Literary Work)

¹¹Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва, Искусство, 1968. – С. 38.

¹²Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. Курс лекций. Ленинград, Учпедгиз, 1959. – С. 12.

¹³Белинский В.Г. Полн. соб. соч. Т.8. – Москва, Изд-во АН СССР, 1955. – С. 79. <http://russian-literature.org/tom/416026>

¹⁴Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва, Искусство, 1968. – С. 28.

тадқиқотида бадий асарда услубнинг намоён бўлиши, унинг шахсият билан алоқасига тўхталади, услуб таҳлили шахсият таҳлили эканлиги ва ижодкорнинг доимий сифатлари ҳамда фазилатлари бирлашиб, унинг услубини шакллантириши, маълум қаҳрамонлар воситасида юзага чиқишини таъкидлайди. Женефер Робинсон фикрича, услуб – онг фазилатлари тўпламининг ифодаси. Ижодкор услуби дастлаб ҳаётни қай тарзда қабул қилиши, асарига мавзу ва ғоя, қаҳрамон танлашида кўринади. Буларни юзага чиқарувчи нутқ эса услуб элементларидан бирини ташкил этади¹⁵. Бу фикрлар, албатта, ёзувчи услубига тегишлидир.

Шу қарашлардан келиб чиқиб, мунаққид услубини белгиловчи хусусиятларни қуйидагича белгилаш мумкин: мунаққид услуби ҳаёт акс этган асарни қай тарзда қабул қилиши, таҳлилга олинган асар мавзуси ва муаллиф нияти ҳамда уни амалга ошириш учун қайсидир методни танлашида намоён бўлади. Ёзувчи услуби элементларидан бири сифатида қаралаётган нутқ мунаққид услубини ҳам юзага чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

Яна бир инглиз олими Нелсон Гудман услубга оид тадқиқотларида услубни – имзо сифатида қарайди ва ижодкор услубини белгилашда ташқи омилларни бирламчи деб ҳисоблайди¹⁶. Бунда у асосан, сўз ва ибораларнинг қўлланилишига аҳамият қаратадики, танқидчи услубини белгилашда ҳам сўз ва ибораларнинг қўлланилиши – чунки олимнинг танқидий асари оммага қаратилган бўлади – муҳим ҳисобланади.

Ўзбек адабиётшунослигида ўз услубга эга бўлган ижодкорлар жуда кўп, уларнинг ижодини ўрганиш, услубий хусусиятларини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг ривожланиш тараққиёти, тамойилларини белгилашга ёрдам беради. Шу боис ўзбек адабиётшунослигида ҳам ижодкор услуби, унинг қандай намоён бўлиши ва ўзига хос хусусиятларини ёритувчи бир қатор тадқиқотлар яратилган.

¹⁵Jenefer M. Robinson. Style and Personality in the Literary Work. The Philosophical Review, Vol. 94, No. 2 (Apr., 1985), – P. 240.

¹⁶Nelson Goodman. The Status of Style. Critical Inquiry. Vol. 1, No. 4 (Jun., 1975), – P. 811.

Бу масалага эътибор қаратган илк адабиётшунос олимлардан бири Абдурауф Фитрат адабиётда услубнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини таъкидлар экан, кучсиз ёзувчилар асарларида услуб яққол ўзини кўрсата олмаслигини асослаб беради. “Шоир-ёзғучи санъаткорликда қўтарила борган сойи ўзига махсус услуб ярата бошлайдир”¹⁷ –дея ёрқин услубнинг шаклланишида тажрибанинг, маҳоратнинг ортиб бориши муҳимлигини таъкидлайди.

Ўзбек адабиётшунослигида услуб ҳақида чуқур мулоҳаза юритган олимлардан яна бири И.Султон¹⁸ ёзувчи услубини ғоя, мавзу, образ, композиция, тил, бадийлик, ҳаётий тажриба ва ижод этилаётган давр таъсири сингари масалаларнинг гармоник бирлигида намоён бўлувчи яқинлик, “ўхшашлик”, бирлик, ўзига хослик сифатида талқин этади. Танқидчи услубида ҳам мавзу, композиция, тил, илмийликнинг бадийлик билан синтези, ҳаётий тажриба ва ижод этилаётган давр таъсири сингари масалаларнинг гармоник бирлиги муҳим роль ўйнайди.

Абдукодир Ҳайитметов ҳам “Услуб – ижодий методнинг конкрет ва хилма-хил кўриниши бўлиб, давр ва ҳаёт характери билан яқиндан боғланади, унинг хусусиятларини ёзувчи шахсий темпераменти, ҳаёт тажрибаси, миллий хусусиятлари, бирор адабий йўналишга хос тамойили ва ҳоказолар орқали акс эттиради”¹⁹ –дея, услубни асосан ижодий методга боғлиқ ҳолда тушунади ва уларни бир-биридан ажратмаган ҳолда тадқиқ этиш лозимлигини таъкидлайди. Бу мулоҳазалар ёзувчи услуби билан боғлиқлигини назардан қочирмаслик лозим.

Танқидчи услуби ҳақида гапирганда, биз бир неча мезонларга таянамиз:

1. Матннинг бир қисми таҳлил қилинганлиги;

¹⁷ Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 26.

¹⁸ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 400 б.

¹⁹ Қўчирма. Қуновов З. Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2011 йил, 2-сон. – Б. 162.

2. Ҳар қандай асар бу бутунлик, қанчалик мураккаб бўлмасин, услубий бирлик эканини инобатга олган ҳолда асарни яхлитликда талқин этилиши;

3. Муаллиф услуби — танқидчи дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари ва эстетик афзалликлари билан белгиланадиган индивидуаллик эканлигини ҳисобга олиш;

4. Кўпчилик олимларнинг умумий илмий-эстетик муносабатларини акс эттирувчи йўналиш услуби. Бу таҳлил методини қамраб олади ва мунаққиднинг таҳлил методларидан ўринли ва маҳорат билан фойдаланганлигини таҳлил қилиш вазифасини олдимизга қўяди.

И.Ҳаққулов бадиий матннинг бир қисмини таҳлил қиладими, ҳар бир асарга яхлит бирлик сифатида ёндашадими, эстетика қонуниятларидан келиб чиқиб, турли методлардан фойдаланиб, ўзининг илмий-назарий қарашларини илгари суради. Масалан, Алишер Навоийнинг лирикаси таҳлилига бағишланган “Бир байт таҳлили” рукнида эълон қилинадиган мақолаларида олим ғазалдан танлаб олинадиган бир байт таҳлил майдонига айлантирилади. Ва шу биргина байтнинг чуқур таҳлилида биз олим услубидаги бир қатор жиҳатларни, жумладан, матн қаърига чуқур кириш, тақдим этилаётган ҳар бир мулоҳазанинг теран илмий изохланишини кўрамиз. Ёхуд, “Хамса” талқинига бағишланган мақоласида “Хамса” дostonларининг оптимал таҳлилини амалга оширадики, олимнинг изчил мантиқ асносида иш кўриши, маҳобатли бир асар мағзидан бугунги кун ўқувчиси учун жуда муҳим мулоҳазаларни танлаб, китобхонга ҳавола этиш маҳорати, шунингдек, олим услубига хос бўлган — моҳиятни кўра олиш фазилати ойдинлашади.

Барча катта нарсалар майда нарсалардан тузилганлигини, атом ҳам жуда майда зарралардан иборат эканлигини ҳисобга олсак, танқидчининг услубини ҳам худди шу маънода тушуниш керак. Ирмоқлар тутшиб дарёни ҳосил қилганидек, ана шу майда тасвирлаш воситаларининг ҳаммаси бирлашиб, адабиётшуноснинг услубини ташкил қилади. Ана шунинг учун

ҳам ижодкор-танқидчининг руҳий олами, дунёқараши, ғояси, эстетик идеали унинг фикрлашида, ҳар бир бадиий матнга муносабатида намоён бўлади, десак ҳақиқатга тўғри ёндашган бўламиз.

И.Султоннинг **ёзувчи услубини** ташкил этувчи масалалар ҳақидаги фикрларига таянадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам мақсад, мавзу, композиция, тил, илмий-бадиий тафаккур, ҳаётий тажриба ҳамда объектга олинган асар ва давр таъсири сингари масалаларнинг гармоник бирлигида **мунаққид услуби** намоён бўлади деган хулосага келиш мумкин. Демак, услуб жуда кенг маънодаги муаммоли тушунча бўлиб, танқидчи ижодидаги адабий-илмий, назарий қарашлар бирлиги, унинг дунёқарашини ифодаловчи илмий- эстетик категориядир. Бу – бадиий матннинг таҳлили, мавзунини ифодалаш усули, тил каби компонентлар яратишдаги маҳорати, талантининг мевасидир. “Услуб каби мураккаб тушунчага тасвирий воситаларнинг арифметик йиғиндисини сифатида қарасак, унинг табиатини инкор қилган бўламиз. Шунинг учун тасвирий воситаларнинг родини инкор этмай, услубга бутун ижодий жараёни, унинг таракқиёт дақиқалари билан қамраб олувчи ниҳоятда мураккаб тушунча деб қараш лозим”²⁰.

Дарҳақиқат, услуб ва унга оид категориялар, омиллар, элементлар (жанр, пафос, муаммо, оригиналлик, анъана ва новаторлик, илмий-бадиийликнинг синтези, дунёқараш, танланган метод, адабий мактабга мансублик) масаласи ижодий жараёнининг ажралмас табиати билан бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ёндашиш шакл ва мазмун бирлигига ҳалал бермайди. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, услуб фақат адабиётшуноснинг индивидуал дастхати ёки адабий усуллар йиғиндисини бўлмай, балки жуда кенг мураккаб тушунча эканлиги билинади.

²⁰ Ахмедов.Н.А. Баён қилиш ва индивидуал услуб масаласи. – Мюнхен: Globe, 2020. – Б. 26.

Услубни мураккаб бир тизим эканлигини таъкидлаб, уни шакллантирувчи ва намоён этувчи жиҳатларни рус олими Соколов тасниф асосида кўрсатиб ўтган²¹.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ўз тадқиқотимизда услубни шакллантирувчи ва намоён қилувчи қуйидаги тасниф асосида муаммони ёритишга ҳаракат қиламиз.

1. Услуб омиллари.
2. Услубнинг унсурлари, ташувчилари
3. Услубнинг бадиий қонуният эканлиги.
4. Услубга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш лозимлиги.

Илмий-адабий, эстетик тафаккурга асосланган адабий танқид ўзига хос ижод тури бўлиб, фан ва санъат каби икки соҳанинг бирлашувидан вужудга келади. Тафаккурнинг бу шаклида ижодкор ҳар бир айтаётган фикрининг қайсидир асосга таяниши, илмий далилланиши, илмий хулосалар чиқарилиши жиҳатидан илм-фанга тегишди бўлса, қабул қилинган матннинг ижодкор кўнгил мулкига айланиб, дунёкарашида акс этиб, унинг тафаккур имкониятлари доирасида қайта яратилиши янги санъат асарининг дунёга келишидир. Ҳақиқий санъат асарларининг ҳеч бири бир-бирини такрорламайди, ҳар бири ўзига хос ва ўзгачадир. Шу сабабдан ҳам бир матн устида бир нечта адабиётшунос тадқиқот олиб бориши, унинг янги-янги маъно қирраларини кашф этиши ва китобхонга тақдим этиши мумкин. Бироқ улар бир-биридан қайсидир жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу фарқ, энг аввало, уларнинг услубида намоён бўлади. Адабиётшуносликда услуб масаласи мураккаб назарий муаммолардан бўлгани учун аксарият ҳолларда ижодий метод масаласи билан ёнма-ён тадқиқ этилади. Зеро, бу икки тушунча бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, айнан бир ҳодиса эмас. Рус адабиётшуноси Л.И.Тимофеев бу икки масалани қуйидагича изоҳлайди: “Методда ёзувчини ўзига яқин бошқа ёзувчилар билан боғлайдиган умумий

²¹ Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва: Искусство, 1968. – 221 с.

жиҳатлар кўзга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: унинг шахсий тажрибаси, истеъдоди, нутқ оҳанги ва ҳ.к. намоён бўлади”²². Адабиётшуносликда ҳам худди шундай ҳолат кўзга ташланади. Аммо тадқиқот объекти ва таҳлил методи бир бўлган ҳолатда ҳам адабиётшунослар услуби бир - биридан фарқ қилади. Бу фарқларнинг кўплаб сабаблари бўлиб, қуйидагилар унинг энг муҳимлари ҳисобланади.

Энг аввало, ҳар бир ижодкор илмий тафаккури, савиясининг бир хил эмаслиги. Зеро, ҳар бир олим ўз илмий даражаси, бадиий матнни тушуниш, уқиш ва англаш доирасида таҳлил этади. Иккинчидан, тафовут таҳлил мақсади билан боғлиқ бўлиб, қайсидир олимни бадиият масалалари кўпроқ қизиқтирса, қайсинидир ғоявий масалалар кўпроқ жалб этади, яна кимдир ижодкор лабораториясига диққатини қаратади. Назарийчи олим М.Б.Храпченко “Услуб ҳаётни образли ўзлаштиришнинг ифода усули, китобхонни ишонтириш ва завқлантириш усулидир”²³ - деб таъкидлайди. Олимнинг ёзувчи услуби ҳақидаги ушбу таърифидан адабиётшуносликда танқидчи услубини белгиловчи бир қанча хусусиятларни ойдинлаштириш мумкин. Бу адабиётшунослар ижодида бадиий асарни англаш ва талқин этишнинг ифода услуби, ўқувчини ишонтириш, тил воситаларининг қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

Услуб омиллари. Алоҳида шахсият бу - индивидуаллик. Индивидуал услуб турли шакллар ва воситаларда намоён бўлса-да, унинг хусусиятларини белгиловчи бош омил, **ижодкор мансуб давр ва муҳитдир**. Ижтимоий ҳаёт ижодкор дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ва таъкидлаш керакки, ҳар бир ижодкор ўзи мансуб бўлган давр унинг олдига қандай вазифалар қўяётганига таянади. Ижодкорнинг ўзига хослиги халқ маданияти, адабий мерос, адабий таъсир кабилар билан бевосита боғланади. “Олим ва ижодкор дунёқарашининг шаклланишида, камолотида нима муҳим

²²Тимофеев Л. И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1971. – 411 с.

²³Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Художественная литература, 1977. – С. 98.

ўрин тутади? У туғилиб ўсган жой – маконми, олган таълими-ю оилавий ҳамда адабий муҳитми? Ёхуд у мансуб илмий-адабий анъаналару ундаги туғма қобилият ва бетиним изланишлар самарасими? Менинг назаримда, буларнинг барчаси ўзаро уйғунликда намоён бўлади. Зеро, ижодкор дунёқарашининг шаклланиши ва камолотида юқоридаги ҳар бир омилнинг ўз ўрни, ўз аҳамияти бор.

Иброҳимнинг қадим-қадимдан илм маскани бўлиб келган Бухорода, зиёли хонадонидида туғилиши ҳам бежиз эмасдек, назаримда. У шўролар даврида туғилиб вояга етган бўлса-да, мумтоз адабиётдан яхшигина таълим олди. Уйдагилари, айниқса, бувисидан Навоий, Сўфи Оллоёр ғазаллари, Яссавий ҳикматларини эшитиб улғайди”,²⁴ –деб ёзади академик Т.Мирзаев.

Бу эса, шубҳасиз, бош омил сифатида олим услубига ўз таъсирини ўтказида. И.Ҳаққуловдаги Алишер Навоий, Оғаҳий ёки бугунги адабий жараёндаги бирор бир ижодкор ҳақида батафсил фикр юритиш, мушоҳададаги теранлик ва кенг қўламлилиқ олим туғилиб ўсган муҳитнинг, унинг талант йўналиши ва шахсий характер белгиси деса бўлади. Олим нафақат ёзиш манераси билан, балки ҳаёт тўғрисидаги фикр-мушоҳадалари, ҳис-ҳаяжонлар оламининг турфалиги билан ҳам бошқалардан фарқ қилади. Бадиий матнни идрок қилиш ва таҳлилда, муаяйн хулосалар чиқаришда олимнинг шахсий табиати - характер белгисини ҳисобга олмасдан унинг услуби ҳақида тўғри фикр юритиб бўлмайди.

Мунаққид услубини шакллантирувчи яна бир муҳим омил - **истеъдоддир**. Услубда акс этувчи кўпгина хусусиятлар айнан истеъдод билан боғлиқ. Адабиётшунос Ҳ.Умутов²⁵ В.Г.Белинскийнинг танқидчилик таланти кам учраши ҳақидаги фикрларига асосланиб, “Ҳақиқий танқидчи ҳаётни тадқиқ қилувчи ёзувчи ва айни пайтда, бадиий асар ҳақида ҳукм чиқарувчи мутахассис бўлиши лозим. Бу ниҳоятда қийин ва мураккаб иш”, -деб ёзади. Танқидчининг таланти, истеъдодида Белинский айтган ана шу

²⁴Мирзаев Т. Кўнгил хазинаси. // Китобда: Мохиятга муҳаббат. – Тошкент: Тафаккур. 2019. – Б. 23.

²⁵Умутов Ҳ. Таҳлил санъати. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. – Б. 11.

икки ноёб фазилят бирлашсагина, унинг маҳорати ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бу танқидчидан ҳаётда фаол иштирок этиш, воқелик ва кишилар характеридаги янгиликларни сеза олиш, жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини пухта билиш, бадиий матн таҳлили орқали давр муаммоларини келажак нури билан ёритиш, умуман олганда, назарий ва бадиий савия жиҳатидан етук бўлишни талаб қилади.

Шу ўринда Озод Шарафиддиновнинг Иброҳим Ҳаққулга йўллаган хатида таъкидланган икки нуктага эътиборни қаратишга тўғри келади: Биринчиси – “мутахассисларимизнинг интеллектуал даражасини кўтариш” ва иккинчиси – “истиклол адабиётшунослигини яратиш ва ривожлантириш учун... ижод эркинлиги, тафаккур эркинлиги” га эришмоқ шарт. “Шу мантиқдан Иброҳим Ҳаққул ижодий қиёфасига назар солинса, ҳар иккала шарт ҳам ўзаро уйғунлашган ҳолда унинг ижодкорлик истеъдоди ва салоҳияти асосларини белгилаб келатганлигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Шунданмикин, у хоҳ мумтоз адабиётга, хоҳ ҳозирги адабиётга дахлдор адабий ҳодиса ёки факт бўлишидан қатъий назар, умуминсоний қадрият сифатида халқаро эстетик тафаккур призмасидан ўтказган ҳолда янгича таҳлил ва талқин қилади, ўша ҳодиса ҳақида қутилмаган, лекин том маънода янги ва тоза, хулоса ва умумлашмаларга бой фалсафий – эстетик фикрларини ўртага ташлайди. Тасаввуфий қарашларга алоқадор қирраларини илмий – эстетик мантиққа суянган ҳолда кашф этиш, ўша О.Шарафиддинов таъкидлаган “ижод эркинлиги, фикр эркинлигига” асосланган илмий жасорат эмасми?”-деб ёзади фольклоршунос олим О.Сафаров²⁶.

Ҳақиқатан, илмий-адабий тафаккур ҳам фан, ҳам санъат билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли ижодкордан икки қарра масъулият ва истеъдодни талаб этади. Аввало, маълум асарни ва ундаги ижодкор кўзлаган ғоявий мақсадни тўғри англаш, унинг бадииятини ҳис этишдаги истеъдод бўлса,

²⁶Сафаров О.Сўзни жаҳон баҳрида дурдона билган мунаққид. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам / масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 52.

иккинчиси англагани ва ҳис этганини китобхонга қайта тақдим этишдаги ўзига хослик ва маҳорат жуда муҳимдир.

Услуб, аввало, олимнинг табиати, бадий асарни тушуниши ва қабул қилишига боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун услуб ҳар бир адабиётшунос, танқидчининг индивидуаллигини, маҳоратини белгилловчи энг муҳим, яхлит тизимдир. Хусусий услуб ижодкор иқтидори, интеллектининг ўзига хослиги, таҳлил этаётган матнни қабул қилиши, ҳис этиши, тушуниши ва тушунтиришидаги алоҳидалигини рўёбга чиқаради.

Академик Б.Назаровнинг таъкидлашича, “мунаққид ёки адабиётшунос олим услуби унинг мақола ёки тадқиқотининг тили, жанри, композицияси, воқелик ва бадий асарлардаги “сир”ларнинг аниқланиши, таҳлил методларидан фойдаланиши, пафоси, ҳаёт билан алоқадорлиги, бадий диди, асар баҳонасида ҳаёт ва воқелик, инсон ва келажак ҳақидаги мустақил мушоҳадаларнинг баён қилинишидаги”²⁷ ўзига хосликдан келиб чиқади.

Услубни юзага чиқарувчи муҳим омиллардан яна бири **маҳоратдир**. Чунки ҳар бир танқидчининг маҳорати, аввало, адабиётнинг, адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятларини эгаллашига боғлиқдир. У адабий танқидни илм ва санъатнинг синтези, ўзаро алоқасининг бирлигидан ташкил топган “инсоншунослик” (М.Горький) деб билгандагина ва шу талабга тўлиқ амал қилгандагина ўзининг адабиётни ривожлантириш жараёнидаги муҳим вазифасини ўтай олади. “Ҳар бир танқидчининг талантида ҳаётни тадқиқ қилувчи санъаткорлик фазилати бадий ижод ҳодисалари ҳақида ҳаққоний ҳукм чиқарувчи олимлик хислати жамулжам бўлиши лозим. У “воқеликни англаш” ва ҳаётнинг “ҳамма масалаларига аралашини” соҳасида жамиятнинг бу кунги тараққиёт қонунларини конкрет билиш борасида ёзувчи ва шoirдан, драматург ва публицистдан орқада қолмагандагина ўз хунарининг мукамал соҳиби бўлиши мумкин”²⁸.

²⁷Кўчирма Ш. Ахмедова, Қ.Қаҳрамоновларнинг “Чин олимлик саодати” китобидан олинди. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б. 26.

²⁸Умунов Ҳ. Таҳлил санъати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. – Б. 72.

И.Ҳаққулов бадий матн таҳлиliga киришар экан, салмокли илмий фикрларини ўқувчига етказишда аксарият ҳолларда зерикарли бўладиган академизм усулидан бормайди, ўқувчи ҳузур қилиб ўқийдиган, зерикмайдиган ўзига хос қизиқарли услубий йўналишдан борадики, бу йўналиш И.Ҳаққуловгагина хос бўлган маҳорат қирраларидир. Шунинг учун ҳам мунаққиднинг ўзига хос жозибали ва ҳаққоний фикрлаш тарзини бошқа адабий танқидчилар услуби, таҳлили, талқини билан чалкаштириб ёки алмаштириб бўлмайди. И.Ҳаққулов ўзининг адабий-танқидий фикрларининг салмоғини янада оширишида буюк файласуфлар, тасаввуф намояндалари, жаҳон адабиётининг нодир манбаларига, буюк сўз санъаткорлари ижодига тез-тез мурожаат қилади, уларнинг илмий-назарий фикрларига таяниб иш кўради. Масалан, И.Ҳаққул бадий адабиётда тасаввуф назарияси билан боғлиқ қарашларини далиллашда, шеърни таҳлил ва талқин этишда, бадий ижод қонуниятлари ҳақидаги фикрларни баён этишда Ибн Арабий, Юнус Эмро, Алишер Навоий каби буюкларнинг шу соҳадаги таълимотига суянади.

Услубнинг яна бир омили **ижодкорликдир**. “Ижодкорлик – бу янгича фикрлаш, ифода этишнинг ўзига хослиги ва ижодий кашфиёт қилиш қобилиятига эга бўлиш, бу – турли чегаралардан ташқаридаги ҳолат. Ижодкорлик деганда тажриба, тадқиқ қилиш, тахминлар билан ишлаш, тасаввурлар ва маълумотлардан фойдаланиш орқали ижодий иш тутадиган одамнинг сифати тушунилади”²⁹. Дарҳақиқат, адабий танқид тафаккуридаги янгиланиш ва ўсиш-ўзгаришларда ҳам, энг аввало, ички омил – мунаққид «мен»и, шахсияти, дунёкараши, интуицияси, тафаккур тарзи ва истеъдоди ҳал қилувчи аҳамият касб этадики, булар барчаси бирлашиб, танқидчи услубининг яхлит бир тизимини ташкил этади.

Адабиётшунос услубини таҳлил этиш жараёнида услубни намоён этувчи **унсурларга** диққатни қаратиш лозим. **Олим тили** услубни энг ёрқин намоён

²⁹ Ражесвари Сеха Раман. Тақдир бизга танловдир. “Kitob dunyosi” газетаси. –Тошкент, 2020 йил 18-сон.

этувчи унсурлардан биридир. Ҳар бир олим ижодида сўз ва ифодалар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ижодкор тафаккури ва илмий дунёкарашидан келиб чиққан ҳолда янги-янги маъно қирраларини касб этади. Бу борада ҳар бир адабиётшунос ёхуд мунаққид ўз дастхатига эга бўлмоғи лозим.

Танқидчи бадиий матн таҳлили жараёнида бадиий асар воситасида одам ва олам, ижтимоий борлиқ ва инсоний муносабатлар ҳақида ҳам мулоҳазалар юритади, уларнинг муайян қонуниятларини очишга ҳаракат қилади. Бу имконият адабий танқид услубининг меъёрий илмий қоидаларига бўйсунган тадқиқдан ташқари эркин мушоҳада тарзидаги таҳлил ва талқин шаклида ҳам намоён бўлишига олиб келади. Мазкур ҳолат адабий танқид тилининг ўзига хослигини таъминлайди ва ифода йўсинида илмий тил билан бирга бадиий тил ҳам бирдек иштирок этади. Бу эса, адабий танқидда бадиий ижоддаги каби жанрлар туркумининг пайдо бўлишига, ёзувчи ёки шоир услуби сингари мунаққиднинг индивидуал услуби шаклланишига хизмат қилади.

И.Ҳаққул ижодида илмий ва бадиий тафаккурнинг қоришиқлигини, айрим мақолаларда соф илмий тилдан фойдаланилган бўлса, айримларида бадиий тилнинг жозибасини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, И.Ҳаққуловнинг тил маҳоратини унинг услубини белгиловчи компонентлардан бири сифатида таъкидлаш ўринлики, бу ҳақда учинчи бобда кенгроқ тўхталамиз.

Мунаққид асарларининг композиция ва тили ўзаро боғлиқликда услуб унсури сифатида олим индивидуаллигини белгилашда иштирок этади.

Композиция ва тил ҳар бир асарнинг мазмуни ва моҳиятини очиб беришда ўз вазифасини бажаради. Танқидчи композиция унсурларига мурожаат қилмасдан, фикрларни бир-бирига боғлай ва илмий асослай олмайди, матн таъсир доирасини кенгайтиролмайди, мулоҳазаларини занжирдек бир ипга тизолмайди, қисқаси, илмий-танқидий асар қаддини тиклолмайди. Олим объект қилиб олган асарнинг мазмунига мувофиқ унсурлардан матн моҳиятини янада аниқроқ ифодалашга хизмат қиладиган

энг мувофиқларини танлаб олади. Предметларни, унсурларни танлаб олиш жараёнида олим тасаввурида шу моҳиятни ёрқин ифодаладиган сўзлар пайдо бўлади. Демак, танқидчи ўзининг баён қилиши ва тасвирлаши давомида шу унсурларни, предметларни у ёки бу даражада мувофиқроқ жойлаштириб, ўзи мурожаат қилган манбалардаги фикрларни ҳам баён қилишга маълум даражада жой ажратиб, “воқеаларни тартиб билан, мантиқан тартиблаштириб, қисмларни, эпизодларни жой-жойига қўйиб синтактик-интонацион томондан тартиблаштириб, асарнинг сўз қурилишини шакллантиради”³⁰.

Воқелик ва бадиий асарлардаги “сир”ларнинг аниқланишидаги ўзига хослик яна бир услуб унсури сифатида юзага чиқади. Адабиётшунос ёки танқидчи бадиий матнни ўрганар экан, адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти, орзу-интилишлари ва даврнинг етакчи тамойиллари, руҳини ҳаққоний акс эттириши масаласига диққат қаратади. Масалан, И.Ҳаққулов Алишер Навоийнинг “Важҳи маош учун...” фалсафий мазмундаги китъаси талқинида каноат, нафс, ишққа асирлик, “беҳудлўғ”, “майхўрлик” каби тушунчалар моҳиятини очиб беради. Оқиллик билан фидойилик орасидаги масофани у қадар йироқ деб билмаган олим уни асослаш учун Шамсиддин Табризийнинг “Дунёда жамики нарса инсонга қурбон, фақат инсон ўз-ўзига қурбон” деган сўзларини келтиради ва шундай хулоса қилади: “Ўз-ўзини билган инсон мана шу қурбонликдан қутулиб, дунёга нечун келганлигини тўғри ҳал қилади”³¹. Кўринадики, олим услубида матн қаъридаги барча замонлар учун долзарб бўлган нуқталарга аҳамият қаратиш ва таҳлил орқали китобхонга руҳий озуқа беришга интилиш етакчилик қилади. Шу билан бирга халқ ҳаёти, орзу-интилишлари ва даврнинг етакчи тамойилларини ҳаққоний акс эттириши масаласи услубга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш имконини беради.

³⁰ Поспелов Н.Т. Проблемы литературного стиля. – Москва: Высшая школа, 1970, – С. 29-32.

³¹ Ҳаққулов И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 9.

Услуб унсури сифатида адабиётшуноснинг **таҳлил методларидан фойдаланиш маҳорати** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Услуб адабиётшуноснинг таланти, маданий савияси, ақлий қуввати, ҳаёт тажрибаси, олим сифатидаги ўзига хос хусусиятларини акс эттирар экан, буларни унинг дунёқарашидан, унинг ижодига раҳнамо бўлган методдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди, услуб тушунчаси метод тушунчаси билан боғлиқ, шунинг учун услуб таҳлилисиз методни, методни назарда тутмай услубни тушуниб бўлмайди.

Метод ёзувчи сингари адабиётшунос, танқидчининг ҳам йўлини ёритади, унинг қўлига дастурамал тутати. Ҳаёт воқеалиги тасвирланган бадий матнга қайси томондан ёндошиш кераклигини ўргатади. Ҳаётий воқеа-ҳодисалар акс этган асарлар мағзидан энг муҳимларини вақтида илғаб олишга ёрдам беради. Бадий асарни ҳолисона баҳолай олиш, таҳлиллар орқали чиқарилган хулосалар келажакка тўғри қарай билишни ўргатади. Бадий асардаги ўзига хосликларини очиб бериш, воқеалар, муҳитнинг ўзига хос тасвирига баҳо бериш индивидуал услубнинг муҳим унсурларидан десак ҳақиқатга яқинлашган бўламиз. Чунки машҳур шоир Расул Ҳамзатов “Энг майда нарсада энг улкан нарса ётади, энг улуғ нарса энг содда нарсада”¹ эканлигини таъкидлайдики, бу ёзувчи услуби жуда кўп майда услубий бўлақлардан иборат деган асосга олиб келади.

Илмий-танқидий асарнинг **пафоси** унинг яшовчанлиги ва китобхонлар аудиториясини ўзига тортувчи ҳамда адабиётшунос услубига бевосита таъсир этувчи унсурлардан биридир. Танқидчи ўз мақола, тадқиқотларининг таъсирли бўлиши, халққа етиб бориши тўғрисида ҳам ўйлайди, шунинг учун асарларини халққа, китобхонга мурожаат қилиб туриб ёзади; шу боис уларда мурожаат, баҳс, фикрлашиш, мушоҳада қилиш, суҳбат оҳанги устун, шунинг учун ундов, савол, мурожаат, тасдиқ оҳанглари алмашилиб туради. Олимнинг ҳамма мақоласи эҳтирос билан, баъзилари, адолатсизликка қарши

¹“Шарқ юлдузи”. – Тошкент, 1972, 3 сон, – Б. 149.

хужумкорлик руҳи билан ёзилганлиги асарларидаги пафосни белгилашга хизмат қилади.

Адабиётшунослар услубида бир-бириникига ўхшамайдиган, индивидуалликни намоён этувчи **услуб ташувчиси** – таҳлил этилаётган асар баҳонасида ҳаёт ва воқелик, инсон ва келажак ҳақидаги мустақил мушоҳадаларнинг баён қилинишидир.

Адабий-танқидий асарда, мақолада муаллиф курук, баландпарвоз жумла, сунъий эҳтиросга йўл қўймаслиги, барча фикрларини теран, илмий асосга ва чуқур умумлашмалар, ўткир хулосалар асосига куриши лозим. Таҳлил қилинаётган бадиий матнда халқ руҳи ва унинг интилишлари, орзу-армонлари ҳаққоний ифодаланишига эътибор қаратиши ва бу матнда ижодкорнинг инсон ва унинг келажаги учун қанчалик қайғуришини ёритиб бериши лозим.

Жанр услуб элементи сифатида бошқа унсурлардан фарқ қилади. Чунки у бошқа услуб элементларига нисбатан кенгрок бўлиб, аксарият ҳолатларда қолган элемент ва ташувчилар айнан асар жанрига боғлиқ бўлади. Жанр билан услубнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳақида М.М.Бахтин шундай ёзади: “Қаерда услуб бўлса, ўша ерда жанр ҳам бўлади”³².

“Адабий танқид жанрларининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиётидаги асосий омил – ижтимоий ва эстетик эҳтиёждир. Уларни юзага чиқарувчи омил эса танқидчи маҳоратидир. Воқелик, ҳаёт бадиий адабиётда акс эттирилар экан, адабий танқид олдида унинг ғоявий-тарбиявий ҳамда бадиий- эстетик моҳият ранг - баранг шаклларда очиш, турли мушоҳада йўсини орқали тарғиб этиш зарурати туғилади. Адабий танқиддаги жанрлар ана шу эҳтиёж натижасидир”³³. Шу нуқтаи назардан қаралса, услуб ва жанр ўртасидаги алоқа яққол кўзга ташланади.

³² Бахтин М.М. Собр. соч. – Москва: Русские словари, 1996. – Т.5: Работы 1940-1960 гг. – С.159-206. http://philologos.narod.ru/bakhtin/bakh_genre.htm

³³ Назаров Б., Қахрамонов Қ, Расулов А, Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012. – Б. 351.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётшуносликда илмий-адабий тафаккурнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда мунаққид ва адабиётшунос услуби ўрганилиши зарур бўлган муҳим назарий муаммолардан биридир.

Ёзувчи услуби ҳаётнинг тасвири билан боғлиқ, чунки унинг объекти ҳаёт. Танқидчи услуби эса ҳаёт тасвирланган асарни таҳлил қилишда намоён бўлади, зеро, мунаққиднинг объекти ҳаёт тасвирланган бадиий матндир. Ёзувчи ҳаётдан илҳом олади, танқидчи эса ҳаёт тасвирланган бадиий асардан. Ёзувчининг тили бадиий бўёқларга эга бўлса, танқидчи тили илмий ва бадиийлик синтези асосида шаклланади.

Ёзувчи услуби ёзувчининг ижодий нияти ва унинг бадиий ғояларини, муаллифни бошқалардан ажратиб турадиган ёзиш услубини амалга ошириш воситаси ва усули ҳисобланади. Ёзувчининг услуби унинг дунёни кўриш ва санъатни (асосан бадиий) идрок этиш ва бу ҳаёт қонунларини англаш билан боғлиқ. Танқидчи услуби ҳам унинг ижодий ниятини, ўз олдига қўйган вазифаларни, унинг бошқалардан ажралиб турадиган ёзиш услубини амалга ошириш воситаси ва усули ҳисобланади. Танқидчи услуби ҳам дунёни кўриш ва санъатни (асосан илмий-эстетик) идрок этиш ва эстетика қонунларини англаш билан боғлиқ.

Ўзбек адабиётшунослиги, унинг бир қисми бўлган адабий танқидчилигининг услуб, маҳорат ва ўзига хослик жиҳатидан янги бир босқичга кўтарилишида адабиётшунос олим И.Ҳаққуловнинг ҳам ўзига хос хиссаси бор, шунинг учун ҳам мумтоз адабиёт тарихи, навоийшунослик, XX аср ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён тадқиқи бағишланган олим асарларини ўрганиш зарурати истиклол даврига келиб, янада ёрқин кўринмоқда.

И.Ҳаққул ижодининг йўналишлар тизими. Адабиётшунос мутафаккир, мутахассис, айни вақтда ёзувчи ҳамдир, унинг иши ҳақиқатни излаш ва топишдир. “У шарҳловчигина эмас, талқин этувчи, баҳоловчи ва

ҳукм килувчи ҳамдир; ёзувчи ҳаёт ҳақида ёзади, танкидчи эса ҳаёт ва адабиёт ҳақида ёзади ва шу билан бирга бу соҳаларни чуқурроқ англашда ёзувчига кўмаклашади, шу орқали ёзувчи ва адабиёт савиясини ошириб боради, халқнинг ижтимоий онги ўсишига хизмат қилади”, - деб ёзади Иззат Султон³⁴. Ҳаёти ва ижодини ўрганишни мақсад қилганимиз, Иброҳим Ҳаққул ана шундай жонкуяр олим ва фаол адабиётшуносдир. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танкидининг ривожига муносиб улуш қўшиб, сермахсул ижод этиб, кўплаб монографик тадқиқотлар, илмий-танкидий асарлар, китоблар, мақолалар яратаётган Иброҳим Ҳаққул филология фанлари доктори, профессор сифатида самарали ижод этиб келмоқда.

Иброҳим Чориевич Ҳаққулов Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Талижа қишлоғида, зиёли хонадонда туғилган. Унинг адабиётга қизиқиши оила муҳитидан бошланган, бувисидан Навоий, Сўфи Оллоҳёр ғазаллари, Яссавий ҳикматларини эшитиб улғайган олим ўрта мактабда ҳам аъло баҳолар билан ўқиди. 1970 йилда Бухоро давлат педагогика институти филология факультетини тугатди. “Шофиркон ҳақиқати” туман газетасида фаолият кўрсатди (1970-1972). “Дарё каби ҳамиша уйғок...”, “Қалби дарё шоир”, “Мавлоно Ашраф”, “Шухратли адиб”, “Эъзозли дўстлик”, “Доврукли бахши” каби дастлабки адабий мақолаларини ёзди. 1973 йилдан бошлаб, ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан боғлади. Бу даргоҳда оддий лаборантликдан бўлим мудирлигигача бўлган илмий-ижодий йўлни босиб ўтди. 1975 йилда “Ўзбек мумтоз адабиётида рубоий” мавзуида номзодлик, 1995 йилда “Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараккиёти” мавзуида докторлик диссертацияларини муваффақият билан ҳимоя қилди.

Олимнинг “Ўзбек адабиётида рубоий”, “Увайсий шеърятини” (1982), “Бадий сўз шукуҳи” (1987), “Занжирбанд шер қошида” (1989), “Шеърят-

³⁴ Кўчирма “Ўзбек совет адабий танкиди тарихи” китобидан олинди. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 93.

рухий муносабат”(1989), “Абадиёт фарзандлари”(1990), “Камол эт касбким” (1991), “Тасаввуф ва шеърят” (1991), “Ғазал гулшани” (1991), “Хожа Ориф Мохитобон” (1996), “Ирфон ва идрок” (1998), “Тасаввуф сабоқлари” (2000), “Аҳмад Яссавий” (2001), “Ким нимага таянади?” (2006), “Эътиқод ва ижод”(2007), “Абдулла Қахҳор жасорати” (2007), “Тақдир ва тафаккур” (2007), “Мерос ва моҳият” (2008), “Ижод иқлими” (2009), “Навойига қайтиш” (1,2,3), “Талант – жасорат жавҳари”(2018), “Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт”(2019) каби мумтоз адабиёт тарихи ва замонавий адабиётнинг муҳим масалаларига бағишланган ўттизга яқин китоблари, 400 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари chop этилган. 1997 йил олим Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти билан тақдирланган.

И.Ҳаққуловнинг дастлабки тадқиқотларидан бири “Ўзбек адабиётида рубойи” деб номланган филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация унинг илмга бўлган рағбатини, истеъдодини кўрсата олди дейиш мумкин. Ўзбек адабиётшунослигида рубойи поэтикаси ва тарихини ўрганиш бўйича анча ишлар қилинганига қарамай, олимнинг бу тадқиқоти рубойи назариясини янада чуқурроқ ўрганиш, рубойининг ўзбек адабиётидаги тараққиёт тарихини кенг қамраб олувчи, умумлаштириш характеридаги иш сифатида муҳим аҳамиятга эга. И.Ҳаққулов Ҳ.Зарипов, Ҳ.Ёкубов, А.Ҳайитметов, М.Юнусов, А.Қаюмов, Ё.Исҳоқов, Р.Орзибеков каби олимларнинг бу соҳадаги меҳнатини таъкидлаган ҳолда рубойи поэтикасига оид қатор илмий- назарий янги фикрларни адабиётшуносликка олиб кирди.

Шу тариқа олим ўз изланишлари билан мумтоз адабиётни тадқиқ этувчи мутахассис сифатида адабиётшунослик оламига кириб келди. Академик Бахтиёр Назаров олим ижодига шундай баҳо беради: “Иброҳим Ҳаққулнинг айниқса, мумтоз адабиётимиз муаммоларига бағишланган тадқиқотлари ўзининг ранг-баранглиги, назарий талқинларга бойлиги билан ажралиб туради. Умуман, олимнинг бу борадаги фикр юритиши ва мушоҳада этиш

йўсини ўткир ҳиссиёти билан, чуқур дарди билан, асосан асардаги бирорта дарднинг поэтик намоён бўлиш хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилиниши билан, бадий асар фалсафасининг зоҳир бўлишида санъаткор маҳорати ва шу маҳоратни белгилашдаги бадийят жозибаларини очишга қаратилгани билан ажралиб туради”³⁵. Олим таҳлилларининг теранлиги, ранг-баранглиги ва жозибаси бежизга эмас, албатта. Бу унинг тафаккури ва илмий дунёқарашининг ниҳоятда бойлигида. Шу сабаб у ҳар бир масалага муносабат билдирар экан илмий асосларнинг мустаҳкамлигига алоҳида аҳамият қаратади.

Олим мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуф шеърляти, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ижодига бағишланган тадқиқотлари орқали йирик ва зукко адабиётшунос сифатида танила борди. Олим қайси масалага эътиборини қаратмасин, ижтимоий ҳаёт ва давр эҳтиёжидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан унинг тасаввуф ва адабиёт муносабатлари, ўзбек тасаввуф адабиётига хос бош хусусият ва фазилатларига доир фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Чунки олим бу мавзуга қўл урган пайтда тасаввуфнинг Шарқ халқлари тафаккури такомиллида тутган ўрни масаласи илмда кам ўрганилган эди. И.Ҳаққулов илк бор тасаввуф ва шеърлят муносабатларининг ўзбек адабиётлида намоён бўлиш даражасини тадқиқ этди. “Тасаввуф шеърляти инсоннинг руҳий ҳаёти, юксак ва мураккаб психик ҳолатларини чуқур тадқиқ этган шеърлят” деган хулосага келади. Унинг, айниқса, ўзбек тасаввуф шеърляти тараккиёти, етакчи тамойиллари хусусидаги умумлаштирувчи илмий-назарий фикрлари адабиёт илми тараккиётида муҳим ўрин тутди. Тасаввуф алломалари ижоди тадқиқига тўхталганда, олимнинг яссавийшунослик тараккиётига қўшган улушини таъкидлаш жоиз. Мустақиллик йилларида яссавийшуносликнинг юқори босқичларга кўтарилиши учун амалга оширган ишлари таҳсинга сазовор. Унинг яссавийшуносликдаги тадқиқотлари қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятли:

³⁵ Назаров Б. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Маъсул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 31.

1. Олим Аҳмад Яссавий ҳаёти ва фаолияти борасидаги кўплаб янги илмий далилларни кенг жамоатчиликка тақдим этди.

2. Биринчилардан бўлиб ўзбек адабиётида полифоник тафаккур Аҳмад Яссавийдан бошланиб, Навоий шеъриятида юксак босқичга кўтарилган деган қарашни илгари сурди.

3. Ўзбек адабиётида Ватан ҳақидаги фалсафий фикрлар Аҳмад Яссавий фикрларидан бошланганлигини теран таҳлиллар орқали изоҳлади.

Олим ижоди, унинг ўзига хосликлари борасида гапирганда, кўпчилик адабиётшунослар унинг навоийшуносликка қўшган хиссаси ва тасаввуф адабиётининг билимдони эканлигига алоҳида урғу берадилар. Ҳақиқатан, И.Ҳаққулнинг бу борада олиб борган фаолияти янгича йўналишда эканлиги эътиборга молик. Адабиётшунос Эргаш Очилов олимнинг навоийшунослик фаолияти ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: “Ўз тадқиқотлари орқали Навоий ва замон орасидаги масофани қисқартирди. Иброҳим Ҳаққул мумтоз адабиётни ўқувчи кўнглига сингдириш йўли ва усулини топди – унинг муваффақияти ва китобларининг шухрати шунда.

Бир умр Навоий ижоди билан шуғулланиб келган Иброҳим Ҳаққул умрининг етуклик палласида кутилмаганда “Навоийга қайтиш” туркумида китоблар эълон қила бошлади. Ҳамма ҳайрон:

– Нега энди Навоийга қайтиш?

Бунинг изоҳи оддий: нуктадон олим бизни Навоийга қайтишга, буюк сўз санъаткорининг бепоён бадиий оламини кашф этишга, бетакрор ижод мактабидан ўрганишга, асарлари мазмун-моҳиятини теран кашф этиб, меросини муносиб баҳолашга чорляпти. Чунки биз шу пайтгача Навоий асарларини қандай талкин ва тарғиб қилганимиз, қанақа ёлғонларни тўқиб-бичганимиз, ўзимизнинг кўз илғамас қаричимиз ва маҳдуд қарашларимиз билан бу беқиёс бадиият оламини шундоққина қўл чўзса етадиган кичик ва тор бир хужрага айлантирганимиз сир эмас”³⁶. Ўзбек адабиётшунослигида

³⁶ Очилов Э. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 139.

Алишер Навоийни ўрганиш, таҳлил ва талқин этиш йўналиши доим бўлган. Бироқ Иброҳим Ҳаққул улуғ шоир ижодини халққа яқинлаштирди. Уни осон усулларда, қизиқарли тил орқали тушунтира олди. Китобхон наздида жуда мураккаб бўлган Навоий жумлаларини олим талқинлари орқали енгил ўрганиш, қабул қилиш имкони пайдо бўлди. Талқин ва таҳлиллар содда ва раво бўлиш билан бир қаторда теранлиги билан эътирофга сазовор. Иброҳим Ҳаққулнинг Навоий ижодига доир тадқиқотлари муваффақиятини таъминлашда қуйидаги икки жиҳатнинг ҳам ўрни бор: биринчидан, олим Навоий меросига улкан муҳаббат билан ёндашиб, шоир руҳияти ва қалбига чуқурроқ кириб боришга интилади, иккинчидан, ҳар бир масалага бугунги замон талаби, даврнинг нигоҳи билан қарайди. Натижада Навоий ижодининг барча замон ва маконлар учун долзарб бўлган ўлмас моҳияти кашф этилади, уни ўрганиш халқимиз учун зарурий эҳтиёж эканлиги кўрсатилади.

Бадий сўз санъати тараққиётини адабий алоқа ва ўзаро ҳамкорликсиз тасаввур қилиш қийин. Хусусан, мустақиллик йилларида қардош халқлар адабиётини ўрганиш, таҳлил ва талқин этиш жараёнларида ҳам янги босқич бошланди. И.Ҳаққулов бу борада ҳам самарали ижод қилаётган олимлардан бири. Унинг мақолалари орасида бир қатор бир қатор бошқа миллат адабиёт вакиллариининг ҳам ижоди таҳлил ва талқин этилган. “Асрори Ҳаллож” – Мансур Ҳалложга бағишланган бўлиб, унга Насимийнинг Мансур Ҳаллож ҳақидаги бир байт эпиграф қилиб олинган. Аксарият мақолаларни олим эпиграф билан бошлайди. Бу И.Ҳаққулов услубига хос хусусиятлардан биридир. Мақола аввалида танқидчи маънан кучли шахс қандай бўлиши лозимлиги, ҳаётга мустақил назар билан боқиши лозимлиги, ҳақиқатни излаш ҳақидаги мулҳазаларини билдириб, айнан шу мақсад сабаб тасаввуф юзага келганлигини ўқувчига тушунтиради. Тасаввуфнинг мақсади ва моҳиятини биров англагач, ўқувчига Мансур Ҳалложни танитади. “Ҳалложнинг басират кўзи очик, руҳи ёруғ эди. Зулм ва жаҳолат зулматига кўникишни истамасди у. Инсонни ўлдириш – уни енгил эмаслигини тўла-

тўқис англар, шу боис кўнглида ишқ ва виждон шуъласи барқ урар эди. Унда дор кўрқувидан асар ҳам сезилмас – у озод ориф, маст ошиқ эди”³⁷. Олимнинг ушбу хулосалари тасаввуфни чуқур билиши ва шу оркали Ҳалложни тушунганлиги ҳосиласидир.

Озарбайжон халқининг доврўғдор фарзанди Муҳаммад Фузулийга бағишланган мақолада ҳам турк тасаввуф адабиётининг етук намоёндаси Юнус Эмро ижодидан эпиграф танланганки, у ҳам шакл ҳам мазмун жиҳатидан Фузулий ижодига муштарак. “Фузулийни англаш, у яратган нафосат ва гўзаллик оламига кириш осон иш эмас. Бунинг учун ўткир идрок ва қобилят, алоҳида кунт ва меҳнат зарур...”³⁸ дея олим ўқувчини Фузулий ижодига янада чуқурроқ киришга, ўз устида ишлашга даъват этади.

Шарқ мумтоз адабиётининг етук ижодкори Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий муносабатлари жаҳон адабиётшунослигида ҳам ўзбек адабиётшунослигида ҳам атрофлича ўрганилиб, тадқиқ этилган. Бу борада, айниқса, тожик олими А.Мирзоевнинг “Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий”, рус шарқшуноси Э.Бертельснинг “Навоий ва Жомий” китоблари, эрон олими Али Асғар Ҳикмат, ўзбек адабиётида эса А.Қаюмов, Р.Воҳидов, Д.Салоҳий³⁹ каби олимларнинг тадқиқот ва мақолалари аҳамиятли. Шундай бўлса-да, бу масаланинг ҳали ўрганилмаган, икки даҳо ижодкор шахсиятига доир очилмаган қирралари жуда кўплигини адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг бир қатор мақолаларида Жомий ва Навоий муносабатлари, улар шахсияти ва ижодидаги муштарак жиҳатларини ёритишида кўриш мумкин.

Иброҳим Ҳаққул Жомий ва Навоийни бир-бирига боғлаган ришталар дўстлик, сафдошлик, устозу шогирдлик, издошлик, маънавий-руҳий бирлик кабиларга тўхталади, устоз фаолияти, ижоди, шахсиятига доир жуда кўплаб маълумотлар келтирилади. И.Ҳаққул услубининг ўзига хос жиҳатларидан

³⁷ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 18.

³⁸ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 176.

³⁹ Мирзоев А. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий. – Душанбе, 1965.; Бертельс Э. Навоий ва Жомий. – Самарканд, 2010.; Али Асғар Ҳикмат. Жомий ҳаёти ва асарлари. – Анкара, 1963.; Қаюмов А. Назм ва тафаккур кўёши. – Тошкент, 1992.; Воҳидов Р. Маънавият оламининг порлоқ кўёши. – Бухоро, 2004.; Салоҳий Д. Мутафаккир ва мумтоз шеърят. – Самарканд, 2018.

бири айтилган ҳар бир мулоҳазанинг далилланишидир. Ушбу мақолада ҳам бу яққол кўринади. Чунончи, олим “Хамсат ул-мутаҳҳаййирин” асарига муносабат билдириш орқали Навоий ижоди Жомий шахсини ўрганишнинг муҳим манбаси эканлигини кўрсатиб беради. Жомий ва Навоийни янада яқинлаштирган нақшбандия тариқати, унга Жомийнинг муносабати ҳам олим диққатини тортади. Жомий нақшбандия атамасини илк бор қўллаганини таъкидлаб, уни “тариқат сулукининг ҳам назарийчиси, ҳам амалиётчиси, ҳам тарғиботчи ва обрў-эътиборли пешвоси”⁴⁰ дея таърифлайдики, китобхон Жомий ва Навоий шахсиятидаги муштарақликлар баробарида Жомий ижодини ўрганган олимлар билан, тасаввуф таълимотига доир назарий маълумотлар ва Жомий ҳаётига доир ибратли ривоят ва ҳикоялар билан танишади. Бу каби **кенг қўламлилик хусусияти** И.Ҳаққуловнинг аксарият мақолаларига тегишли эканлигини таъкидлаш ўринли. Бу икки ижодкор шахсияти ҳақида фикр билдирадиган олимдан форс-тожик тилини ҳам пухта билиш талаб этилади. Мақолада келтирилган шеърӣ парчалар шарҳида И.Ҳаққуловнинг бу тилни нақадар пухта билиши яққол кўриниб туради. Абдурахмон Жомий шахсияти ва ижодининг Навоий ижодига таъсири борасида Иброҳим Ҳаққуловнинг бошқа Навоийга бағишланган адабий суҳбатларида, мақолалари, ғазаллари, китъалари таҳлилида ҳам учрайди. Олимнинг теран мушоҳадалари китобхонни икки ижодкор асарлари билан ҳам тўла танишишга даъват этади.

И.Ҳаққулов ўзбек ва бошқа халқлар адабий алоқаларини ривожлантириш борасида сермахсул ижод қилаётган етакчи олим сифатида Эрон, Озарбайжон, Араб мамлакатлари, айниқса, Туркия ижодкорларининг асарларини ўзбек ўқувчисига таҳлил ва талқин қилиш йўналишидаги ишлари диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Ҳаққулов адабий алоқалар ривожига оид ишлари билан янги мулоҳазаларни илгари сурганки, улар китобхон

⁴⁰ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш– 3. –Тошкент: Тафаккур, 2016. – Б.124.

диккатини тортадиган, турли қизиқарли маълумотлар ва воқеий ҳикоялар билан бойитилганлиги жиҳатидан эътиборни тортади ҳамда олим услубининг ўзига хос қирраларини белгилашга ёрдам беради.

Олимнинг адабиётшунос ва адабий танқидчи сифатидаги фаолиятининг энг муҳим қирраларидан бири – унинг тадқиқотларида мумтоз адабиёт вакиллари ижоди ва замонавий адабиётнинг маънавиятимиз тараққиётидаги ўрни ўрганилиши, умумлаштирилиб, теран илмий хулосалар чиқарилишидир.

“Бадиийлик ва образлиликдан фойдаланиш, асосан, баҳоланмаган асарни баҳолаш, оммага мўлжалланганлик, оперативлик адабиётшуносликка эмас, танқидга хос... Таассуротга таяниш, фаҳму фаросат(интуиция) ролининг ортиши, сезгирлик ва фаоллик танқид хусусиятларидандир”⁴¹. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, олимнинг илмий-адабий тафаккури юқоридаги хусусиятларни ўзида жам этганлиги яққол кўринади. Адабиётшунослик йўналишидаги тадқиқотлар кўпинча академик услубда ёзилади. Иброҳим Ҳаққул асарларини ўқиганда эса “тафаккур кучи билан бирга ёниқ қалб ҳароратини ҳам ҳис қилиб турасиз. Зеро, унинг ёзганлари фақат ақл ва билим маҳсули эмас, уларга қалб кўри ва руҳ қуввати ҳам омукта қилиб юборилган... Айни жиҳатдан уни адабиётшуносларнинг шоири, дейиш мумкин”⁴². Ҳақиқатдан ҳам, фикрнинг аниқ ва равшанлиги, гўзал ва ёрқин ифодаланиши олимнинг индивидуал ёзиш услуби ҳар бир мақоласи ва китобида намоён бўлади. Унинг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги муҳокама ва мулоҳазалари, илмий-адабий тафаккури мақоладан-мақолага, китобдан-китобга ўсиб, теранлашиб, юксала бори.

Адабиётшуносликда кўпинча ҳар бир олимнинг ўзи қизиқадиған соҳаси бўлади. Масалан, Ҳомил Ёқубов Ойбек ижоди, Лазиз Қайумов Ҳамза ҳаёти ва ижоди, Иззат Султон реализм масалалари, Матёқуб Қўшжонов наср, Ҳафиз Абдусаматов ҳажвиёт, Комил Яшин ижоднинг умумий масалалари ва

⁴¹ Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Фан, 1987. 2-том. – Б. 98.

⁴² Мирзаев Т., Очилов Э. Истеъдод ва масъуллиқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2009. 27 март, - № 13.

драматургия муаммолари, Салоҳиддин Мамажонов шеърят, Ғафур Ғулом ижоди, Умарали Норматов ҳикоя ва роман, Озод Шарафиддинов ва И.Ғафуров шеърятда маҳорат, А.Абдуғафуров навоийшунослик, Ғ.Каримов Фурқат ва Муқимий ижоди, В.Абдуллаев мумтоз адабиёт масалалари билан кўпроқ шуғулландилар ва ҳоказо. Шу нуқтаи назардан қараганда, И.Ҳаққулов мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуф илмининг билимдони, яссавийшунос ва йирик навоийшуносдир. Шу билан бирга у ҳозирги адабий жараённинг сергак кузатувчиси сифатида Садриддин Айний, Ойбек ва А.Қаҳҳор ҳақида айнийшунос, ойбекшунос ва қаҳҳоршунос олимлар орасида ўз сўзини айта оладиган танқидчилардандир.

Шу жиҳатдан, олимнинг илмий тадқиқотлари доираси ниҳоятда кенглиги кўринади. А.Орипов, Ш.Раҳмон, Ж.Камол, Р.Парфи, У.Азим, М.Аъзам, Х.Даврон каби ўзбек шоирларининг шеърятини юзасидан билдирган фикрлари, кескин танқидий мулоҳазалари бугунги адабий жараён учун ҳам муҳим бўлиб, ўзбек шеърятини ривожда муҳим аҳамият касб этади.

У адабий суҳбат ва обзор мақола жанрларининг етук намуналарини яратган, бадиий асар, айниқса, шеърини асарларнинг нозик таҳлилчиси ҳамдир. Олим қай бир масалага муносабат билдирмасин, унинг нафақат шарқ адабиёти, балки ғарб адабиётининг ҳам билимдони эканлиги сезилади. Унинг ҳар бир адабий муаммони умумжаҳон фалсафий-эстетик мезонлари асосида таҳлил этиши ва асосли хулосалар бера олиши ўзига хос услубини намойён этувчи белгилардан бири ҳисобланади.

Серкирра олим илмий-адабий меросини умумий ҳолда қуйидаги йўналишлар асосида таснифлаш мумкин:

1. Ўзбек мумтоз адабиётига доир изланишлар.
2. Навоийшунослик соҳасига оид тадқиқотлар.
3. Тасаввуф таълимотига доир ишлар.
4. Адабий алоқаларни ривожлантириш йўлидаги изланишлар.
5. Жаҳон адабиётига доир салмоқли мақолалар.

6. Мумтоз асарлар матншунослиги соҳасида олиб борилган тадқиқотлар.

7. XX аср адабиёти ва адабий жараёнга доир, адабий-танкидий қарашлар жамланган тадқиқотлар (суҳбатлар, эсселар, мақолалар, тақризлар).

8. Публицистик мақолалар.

Иброҳим Ҳаққул ижодининг серқирралиги билан бир қаторда илмийлиги, таҳлилларнинг теранлиги, далиллар ва хулосаларнинг аниқлигини таъкидлаш ўринли. Булар олим билим доирасининг ниҳоятда кенглигини кўрсатади. Шу сабаб у насрий, назмий, драматик асарларни ҳам илмий, тарихий, тасаввуфий, фалсафий, диний асарларни ҳам чуқур таҳлил эта олади. Олим ўзбек тили билан бир қаторда рус, форс-тожик, турк, туркман, озарбайжон, уйғур тилидаги адабий-илмий матнларни аслиятда ўқийди ва тадқиқ этади. Ўқиб, ўзлаштирилган матннинг китобхонга етказилиши ҳам ижодкордан маҳоратни талаб этади, асар ўқимишли бўлиши, китобхон қалбига таъсир этиши лозим. “Мени мақолаларингиз ва китобларингиздаги теранлик, мулоҳазадар ҳамда хулосаларнинг чуқур билимга асослангани, фикрдаги, илмий тафаккурдаги дадиллик ва ниҳоят, деярли ҳар бир саҳифадан барқ уриб турадиган самимият ўзига жалб қиларди”⁴³, - дея Озод Шарафиддинов олим ижодининг китобхон кўнглига кириб боришида муҳим бўлган самимиятини синчковлик билан илғаган ва ўринли эътироф этган.

Таҳлилда ижодкор қалбига кириб бориш, у айтмоқчи бўлган ғояга етиб бориб, уни китобхонга бутун назокати билан кўрсатиб бериш адабиётшуноздан катта маҳоратни талаб этади. И.Ҳаққул тадқиқотлари билан танишганда, унинг бу маҳоратни жуда чуқур ўзлаштирганига амин бўлиш мумкин. Шу жиҳатдан адабиётшунос олим Наим Каримовнинг И.Ҳаққул ҳақида айтган қуйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир: “У бадий асарни жарроҳнинг қўллари билан эмас, заргарнинг қўллари билан пайпаслаб, улардаги улуғ ҳикматлар ва улуғ ҳақиқатларни қалб кўзи билан

⁴³ Шарафиддинов О. Фикр эркинлиги – зарур эҳтиёж / Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 286.

ўқийди ва кашф этади”⁴⁴. Мана шу кашф этилган ҳақиқатларни китобхонга етказиш йўллари ва усуллари турлича. Бу борада ҳам олим бир-бирини тақдорламайдиган тадқиқотлар яратганини кўрамиз.

Олим ижодининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири унинг жозибаси, китобхонни ўзига маҳлиё этишидир. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев шундай деган эди: “У шеър ҳақида гапирганда, хусусан, ёзганида ундан ажралолмай маҳлиё бўлиб қоласиз. Чунки, айниқса, мумтоз шеъриятимизнинг энг нозик ва яширин мажозий томонларини ҳам очиб-ечиб ва тушунтириб берадики, шундай олимлар туғилганига шукрона айтасан”⁴⁵. Ҳақиқатан, олим мақола ва тадқиқотларининг сарлавҳасидан тортиб, хулосасигача, бадиий тил воситаларидан тортиб пафосигача ўзига хос.

Ёзувчи ёки шоир меҳнати ва бадиий асари салмоғини китобхон онгига етказиш, уни тўғри баҳолай олиш адабиётшуноскдан билимдонликдан ташқари, дадиллик ва журъатни ҳам талаб қилади. Окни ок, қорани қора деб айтиш осон эмас. Адабиётшунос бўлишнинг қийинлиги ҳам, унинг энг керакли жиҳати ҳам шунда. Аммо чин танқидчи учун фақат журъат, дадил фикр айтишнинг ўзи етарли эмас. Аммо шундай олимлар борки, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдилар. И.Ҳаққул айнан шу тоифага кирувчи мунаққидлардан. “Иброҳим Ҳаққул адабиётга тегишли ҳар бир масалада, у бошқаларга маъқул келадими-йўқми, қатъи назар, ўз қарашларига эга ва бу қарашларда собит мутахассис. Ўзи ҳақ деб билган фикрни ҳар қандай даврада, ҳеч кимни истиҳола қилмай, дадил айта оладиган адабиётшунос”⁴⁶, - дея адабиётшунос Нурбой Жабборов олимнинг бу фазилатларини ўринли таъкидлаган. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, XX асрда илмий фаолият юритган тадқиқотчилар кўпинча сиёсий имкониятлар, ижтимоий талаблар нуктаи назаридан фикр юритганлари

⁴⁴ Каримов Н. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 22.

⁴⁵ Холмирзаев Ш. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 282.

⁴⁶ Нурбой Жаббор. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 26.

кўринади, аммо И.Ҳаққулнинг истиқлолгача бўлган тадқиқотларида ҳам бундай чекланишлар жуда камлиги, олим бу даврда ҳам ўзининг илмий салоҳиятини тўла намоён эта олганлиги яққол кўринади. Масалан, 1987 йилда ёзилган “Эврилиш - ғафлатдан уйғониш” тақризида ёзувчи Ғ.Ҳотамовнинг “Эврилиш” номли эссеси таҳлил қилинган: “Ҳақ сўз қайси шакл ва жанрда айtilган бўлмасин, эрк ва адолатни ёқлайди. Жой ва чегара миқёсидан қатъи назар, ҳақ сўз Ватан қисматига доир сўз... Ҳақиқат руҳи ва дард самимияти билан ёзилган ҳар қандай асар ҳаёт ва адабиёт, инсон тақдири, келажак тўғрисида чуқур ўйларга толдиради”,-деб ёзади мунаққид⁴⁷. Тақризда эссе таҳлили баҳонасида олим айни кунларда ҳам маънавиятга раҳна солаётган қариндош-уруғчилик, коррупция каби иллатларни танқид қилган. “Сен фикрни шахс бил...” деб номланган суҳбатида ҳам олим адабиётга синфий ва партиявий ёндашишнинг зарари катта бўлганлиги ҳақида фикр юритган. Кўринадики, шўро даври адабиёти ва адабий муҳитида ҳам олим ўзининг ҳақ фикрларида собит бўлган.

И.Ҳаққуловнинг мунаққидлик фаолиятига назар ташланганда, унинг талабчанлиги яққол кўзга ташланади. Мазкур асарни атоқли адиб ёзганми, ёки эндигина бадиий адабиёт майдонига кириб келаётган ижодкор қаламига мансубми, булардан қатъий назар, олим улар олдида қаттиқ талаблар қўяди, камчиликларни мурасасизлик билан фош қилиб ташлайди. Мунозарага киришса, даъволарини ҳар томонлама далиллашга киришади, ҳукм-хулосаларининг тўлиқ асосланиш ғамини ейди, ўз устида ҳам чидам билан ишлаб, ўз олдида ҳам юксак талаблар қўяди. Олим наздида Алишер Навоий ижоди адабиёт, санъатининг чўққиси бўлиб, бу санъатга қадам қўйган ижодкор учун унинг ижоди таянч нукта бўлиши, ундан сўзни ҳис қилиш, қўллаш маҳоратини ўзлаштириши лозимлигига ишора қилади.

И.Ҳаққулов самарали тадқиқотлари билан бирга узоқ йиллардан бери Ўзбекистон Республикаси ҒАСи Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт

⁴⁷ Миразиз Аъзам.Ҳаққулов И. Эврилиш –ғафлатдан уйғони // ЎзАС, 1987, 4.09.№ 36.

институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўлимини бошқариб, ташкилотчиликни қўшиб олиб бормоқда. Бугунги кунда кўп жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” монументал тадқиқотини, “Навоий” қомусини яратишдаги фидойилиги, истеъдодли шогирдларни фанга етказиб беришдек заҳматли меҳнати намуна бўларлик.

И.Ҳаққул йиллар мобайнида истеъдодининг янги-янги қирраларини намоён этиб, мақоладан мақолага, тадқиқотдан тадқиқотга ўсиб боровчи илмий изланишлар йўлини босиб ўтди, бу йўл қанчадан- қанча баҳсу мунозараларга тўла бўлмасин, олимнинг илмий-адабий тафаккурининг юксалиб боришига имкон берди, шу боис бир пайтнинг ўзида ҳам мумтоз сўз санъати, тасаввуф шеърияти, замонавий адабиёт масалалари билан шуғулланиб, истеъдодининг янги қирраларини очишга муваффақ бўлди.

Хулоса шуки, танқидчи услуби мавзу, бадиий матн, композиция, тил, илмийлик ва бадиийлик синтези, ҳаётий тажриба ва ижод этилаётган давр таъсири сингари масалаларнинг гармоник бирлигида намоён бўлувчи ўзига хос тизим. Ёзувчининг услуби унинг дунёни кўриш, санъатни (асосан бадиий) идрок этиш ва бу ҳаёт қонунларини англаши билан боғлиқ. Танқидчи услуби ҳам унинг ижодий ниятини, ўз олдига қўйган вазифаларни, унинг бошқалардан ажралиб турадиган ёзиш услубини амалга ошириш воситаси ва усули ҳисобланади. Танқидчи услуби ҳам дунёни кўриш ва санъатни (асосан илмий-эстетик) идрок этиш ва эстетика қонунларини англаши билан боғлиқ.

Ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этиш И.Ҳаққулнинг фаолиятининг муҳим йўналиши ва у мумтоз адабиёт вакиллари ижодини ўрганиш, таҳлил қилишнинг янгича тамойилларини бошлаб берди: а) ўзбек мумтоз адабиётини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш; б) шўро мафкураси таъсирида йўл қўйилган хатоликларни тузатиш, камчиликларни тўлдириш; в) шоирлар ижодининг асл моҳиятини очиб беришда ўзига хос ёндашиш тамойилларига таянган ҳолда фаолият олиб бориш.

II БОБ. НАВОИЙ ЛИРИКАСИ ТАДҚИҚИДА ОЛИМ УСЛУБИНИНГ ТАДРИЖИ

Навоийшунослик: шарҳ ва талқиннинг ўзига хослиги.

Адабиётшуносликда маълум бир миллий менталитетнинг хусусиятларини акс эттирувчи миллий услуб мавжуд. Миллий услуб – услуб тизимининг барча даражаларида намоён бўлади: сўз, ифода, жанрларда, илмий тафаккурда, муаллифнинг нуктаи назарида ва бошқалар. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, навоийшунос олимнинг Навоийга бағишланган барча тадқиқотларида миллий услуб етакчилик қилишини кўрамиз. Чунки Навоий ижоди – миллий адабиётимизнинг тамал тоши, Навоий асарларининг тили – адабиётимизнинг бошидир. Адабиёт ёки адабиётшуносликнинг қайси йўналишини танлаган бўлмасин, ўзбек адаби ёки олими Навоийдан сабоқ олмай туриб, ижод ва илмда юксак мақомга эриша олмайди. Шунинг учун ҳар бир шоир ёки ёзувчи, адабиётшунос ёки тилшунос ҳазрат Алишер Навоий ижодига мурожаат қилмасдан ўтиши мумкин эмас. Буюк шоир ижодини, бадиий асарни идрок қилаётган шахс бадиий-эстетик тайёргарлиги қанчалик пухта бўлса, таҳлил этилаётган асар мағзидан шунчалик бой, ранг-баранг ва хилма-хил қирраларни кўра билади. Унинг бу тайёргарлиги муҳим омил сифатида энг аввало, миллий услубга, кейин эса олим услубига таъсир этади ва китобхонни ўзига мафтун этади.

Иброҳим Ҳаққулов ҳазрат Навоий руҳи қўллаган олимлардан биридир. Олимнинг мумтоз адабиёт жанрларини (рубойи, ғазал, китъа) тадқиқ этган ишларида ҳам, тасаввуф таълимоти ва адабиётини ўрганиш йўлидаги изланишларида ҳам, замонавий адабиёт ҳақидаги суҳбат ва мақолаларида ҳам такрор ва такрор Навоий ижодига мурожаат қилганини кўрамиз. Шу боис Навоийни ўрганиш, Навоийга мурожаат қилиш олим тадқиқотларидан қизил ип бўлиб ўтади. “Шарҳнавислик – олим ижодининг алоҳида йўналишини ташкил этади. У шарҳнавислик фаолияти билан бир умр шуғулланиб, Атойи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Увайсий, Фурқат каби

мумтоз сўз санъаткорларининг кўплаб ғазал, қитъа ва фардларини шарҳлаган... Олим зотида ўзи баҳраманд бўлган асарлардан халқини ҳам баҳраманд этиш нияти бўлади. Айни маънода Иброҳим Ҳаққулнинг Алишер Навоий асарлари шарҳу талқинлари билан мунтазам шуғулланиб келиши бу бой ва ранг-баранг меросдан ўзи топган фавқуллодда ва гўзал бадиий кашфиётларни ўқувчилар билан баҳам кўриш истагидан иборат”⁴⁸.

Шу жиҳатдан қараганда, Иброҳим Ҳаққулнинг “Занжирбанд шер қошида” китобида Алишер Навоий ижодининг моҳиятини тушунтириб, шарҳлаб берувчи мақолалари жамланган. Биз атайлаб “тадқиқ этувчи” ёки “ўрганувчи” деб эмас, “тушунтириб, шарҳлаб берувчи” деб атаяпмиз. Сабаби, китоб тайёрланган 80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида бўлгани каби тарих ва ўтмиш адабиётига муносабат борасида ҳам миллий уйғониш рўй бераётган, Навоий ва бошқа мутафаккир шоирларимиз ижодига синфий нуктаи назардан қарашларга барҳам берилиб, янгича, соф адабий талқинлар юзага чиқаётган эди. 70 йил давомида шўро мафкураси остида онги занжирланган халққа, айниқса, ёшларга Навоий ижодининг асл моҳиятини тушунтириб бериш керак эди. “Занжирбанд шер қошида” китоби ана шундай вазиятда ҳозиржавоб, оммабоп рисола сифатида намоён бўлди. Мақсад вазифасига кўра эса бу асарда дидактик таҳлил етакчилик қилиб, функционал йўналишда амалга оширилди. Ушбу китобга киритилган барча мақолалар Навоий асарларининг ҳозирги ҳаётӣ ва бадиӣ мантиғи ҳамда эстетик ўзига хослигини англаш орқали китобхонда эзгу маънавий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган.

Олимнинг Навоий асарларини ёш китобхонларга тушунтириш усуллари 3 йўсинда амалга оширилган:

1. Алишер Навоий ижодида етакчи бўлган ғояларни китобхонга сингдириш;

⁴⁸ Очилов Э. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 142.

2. Мутафаккир ижодидаги кичик жанрлар таҳлили орқали уни китобхонга яқинлаштириш;

3. Навоий ижодидан сараланган парчалар насрий баёнини яратиш.

Булар адабиётшунос олим услубида намоён бўлувчи усуллардир.

1. *Алишер Навоий ижодида етакчи бўлган ғояларни китобхонга сингдириш.* Олимнинг Навоий ижодини халққа яқинлаштириш борасида амалга оширган ишлари ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзига хос. Биринчи фаолият йўналишида амалга оширилган “Занжирбанд шер қошида” китобининг айнан шундай номланиши ҳам, бир томондан, Навоий чизган суратга изох бўлса, бошқа томондан турғунлик ва шўро мафкураси ҳукмронлиги даврида юзага келган оммавий, фикрий занжирбандлик ҳолатига ишорадир.

Китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг айтишича, бир учрашувда мухлислар унга шундай савол беришган: “Сиз Гёте, Есенин шеърларини таржима қилдингиз, энди қачон бизга Алишер Навоий шеърларини таржима қилиб берасиз?”⁴⁹ Бу ғайритабиий туюлган саволга шоир ўша пайтда жавоб бермаганлигини эслаб, “Занжирбанд шер қошида” китоби сўзбошисида шундай мулоҳаза юритади: “Алишер Навоий яшаган давр билан бизнинг замон ўртасида ярим минг йиллик вақт масофасигина эмас, жуда катта ижтимоий онг масофаси, адабий тил, дунёқараш, ҳаёт тарзи масофалари бор. Мутахассис бўлмаган ўқувчига Навоийнинг асарларини тушуниб етиш ҳозирда муаммо. Демакки, Навоий асарларини шарҳ қилиш, тафсирлаш, яъни ўша савол берган китобхоннинг сўзи билан айтганда таржима қилиш зарурати бор... шу маънода истеъдодли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг қилган меҳнати таҳсинга сазовордир”⁵⁰.

Асарнинг композицияси ҳам ўзига хос: шартли равишда уч қисмга ажратилган. “Бошни фидо айла” деб номланган дастлабки қисмда Навоий

⁴⁹ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча. 1989. – Б. 5.

⁵⁰ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча. 1989. – Б. 5-7.

улуғлаган инсоний фазилатлар – ота-онани ҳурмат қилиш, табиатга ва борлиқ мавжудодга меҳр, тилга ва сўзга эътибор, камтарлик, саховат, муҳаббат кабилар улуғ шоирнинг асарларидан олинган парчалар таҳлили орқали ўқувчи қалбига сингдирилади.

Инсон – табиат фарзанди. Шу сабабли ёш авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар қалбида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳр-шафқат туйғуларини шакллантириш доимо долзарб вазифалардан бўлиб келган. Шунинг учун ҳам тадқиқот айнан шу мавзу талқини билан бошланганлиги бежиз эмас. Олим табиат ва инсон бир-бирига нечоғлик чамбарчас боғлиқлигини кўрсатар экан, аввало, ўқувчини тарихга назар ташлашга ундайди. Қадим замонларда одамлар дарахтларга сиғинишгани, дарахтлар қуришини айрим қabila ёки элатлар катта фожеадай қабул қилганликлари, дарахтлар шарафига ўтказиладиган ғаройиб маросимлар бўлганлигини эслатади. Ўқувчиларни янада ишонтириш ва қизиқтириш учун Мусо пайғамбар билан боғлиқ бир афсонани келтиради.

Алишер Навоий ижоди тўғрисида яхши ахлоқ, меҳр-шафқат каби гўзал фазилатларнинг манбаидир. Инсоннинг табиатга одилона муносабати ҳам ҳеч вақт улуғ шоир назаридан четда қолмаган. Унинг кўплаб асарларида инсон ва табиатнинг чамбарчас боғлиқлигига урғу берилган. Шундан келиб чиқиб, И.Ҳаққулов ўқувчи эътиборини ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байтларига тортади:

Эй ҳусн ора соҳиб гино, хушид отангдур, ой оно,

Истар эсанг нисбат ёно: ҳам сарв ога, ҳам гул сингил.

Қуёшни отага, Ойни онага қиёслаш, ҳуснда тенгсиз гўзалга сарв – оғанг, гул – синглинг дейилиши байт мазмунига табиийлик бахш этганлигини танқидчи синчковлик билан кўрсатиб берган. Табиат инсоннинг онаси, дарахтлар биродари эканлигини айтар экан, олим шу ўринда Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достонидаги толесиз ошиқ Фарҳоднинг аҳволини эслайди. Фарҳод одамлар жамоасини тарк этиб, дашту

сахролардаги хайвонлар билан дўстлашади. Улар ошиққа меҳр-шафқат кўрсатишади. Фарҳод одамлардан кўрмаган хайрихоҳликни хайвонлардан кўради, жамиятдан топмаган эркинликни она табиат кучоғидан топади. Олим мулоҳазаларини ўқиган китобхон қалбида табиатга муҳаббат мавжланади, унинг бир бўлаги эканлигини қалбан ҳис этади. Бу каби сўз орқали ёш авлод тарбиясига ижобий таъсир этиш бугунги глобаллашув замонида жуда муҳим.

И.Ҳаққулов ўқувчига Алишер Навоийнинг шоир, мутафаккирлигидан ташқари яна бир жиҳатини таништиради. Бу – тарихнавислик. Мақола аввалида олим китобхонни Навоий байтлари асосида ўз тарихини ўрганишга, унга бефарқ бўлмасликка чорлайди.

Вагар тарих сари айлагунг майл,

Муни билгачки, не иш қилди ҳар хайл...

Не ишдин мамлакат обод бўлди,

Қаю ишдин улус барбод бўлди.⁵¹

Олим байтларнинг маъносини таҳлил қилиб берар экан, бу билан ўқувчини ҳам тарихни ўрганишга даъват этар экан, тарих барбодлик эмас, ободлик истиқболига хизмат этиши кераклигини таъкидлайди. Олим наздида тарихни билмаслик – ўзни англамаслик. И.Ҳаққул Навоийнинг тарихга муносабатига эътибор қилар экан, унинг фақат тарихий асарлари билан чегараланиб қолмайди. Унинг санъаткорлигига, тарихни шеърят бағрига жойлай олганига диққатини қаратади. Ишқий мавзуда ёзилган қуйидаги рубоийни таҳлилга тортади:

Кўнглумни олибдур ул шаҳи сабз давож,

Ким ғамза била олур мамоликдин бож.

Боши уза мамлакат хирожу бир тож,

Тожи уза гавҳари мамоликка хирож.⁵²

⁵¹ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча. 1989. – Б. 27.

⁵² Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча. 1989. – Б. 33.

Олим рубойидаги “маъшуқа бошида тожнинг бутун бир мамлакат, тождаги гавҳарнинг юртнинг хирожига тенг” эканлиги жумласи ўзига тортади. Бу қиёснинг шарҳини излаган олим жавобни ҳам Навоийдан топади. “Тарихи мулуки Ажам”да келтирилган Хисрав Парвиз ҳақидаги далилларни китобхонга ҳавола этади. Шунингдек, бу асарни Навоий нега ёзган деган саволга жавоб излайди: мақсад – бу китобларни халқнинг она тилида ўқиши, бу эса ўзликни англаш воситаси эканлигини яхши англаган. И.Ҳаққулов бекорга тарихни она тилида ўқишга аҳамият қаратмаган. Китоб ёзилган вақтда аксарият китоблар рус тилида нашр этилар, ўзбек тилида китоб нашр этиш жуда оқсар эди. Ўз вақтида жасорат билан айтилган бу фикрлар бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Олим Навоий асарларини шарҳлаш орқали китобхон олдида она тилига эътибор, ўз тарихини ўрганиш, ўзликни англаш каби бир қатор инсон камолоти учун муҳим бўлган масалаларни кўндаланг кўяди.

Асарда инсон ботинида кураш олиб боровчи қатор хислатларга Навоийнинг муносабати шоир ижодидан келтирилган мисоллар таҳлили орқали очиб берилган. Шарҳ ва талқинларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, олим ҳар бир масалани тазод орқали қиёслаб, китобхонга ҳавола этади. Вафони вафосизлик, ҳаёни ҳаёсизлик, одилликни зулм билан зидлаш асносида ҳаётий тамсилларда ўқувчига тақдим этар экан, танловни ўқувчининг ўзига қўяди. Натижада қуруқ танбех ва насихатдан сақланилади.

“Барчадин шарафлиси – комил инсон” деган фикрга таяниб, бирмунча салмоқли мавзу – инсон ҳаётининг моҳияти, ўзликни кашф этиш, комилликка интилиш масалаларининг Навоий ижодий тафаккур маҳсулларида қандай ёритилганлигини очиб беради ва унга боғлиқ тушунчаларни атрофлича таҳлил қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, адабиётшунос услуби, ижодининг ўзига хос хусусиятлари, адиб ёки шоирнинг ҳаётни англаш даражасига баҳо бера олиши, таҳлил методи, олим ижоди шаклланган ва ривож топган даврнинг

шарт-шароитлари билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан қараганда “Занжирбанд шер қошида” китобнинг яратилишини даврнинг ўзи такозо этган эди. Шу билан бирга “Алишер Навоий бадиий оламига кириш учун ўзига хос очкич сифатида эътироф этилиб, қўлма-қўл бўлиб ўқилгани маълум”⁵³-деб ёзади Э.Очилов.

Адабиётшунос ижодининг ўзига хос хусусиятлари айни бир вақтда бадиий матннинг мазмунини ўқувчига ўзига хос йўл билан тушунтириш, таҳлил этишда ифодаланади. Асарнинг бадиий моҳияти ҳамда эстетик ўзига хослигини англаш орқали ўқувчиларда эзгу маънавий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган таҳлил ҳамиша ўзини оқлайди. Шуниси эътиборлики, И.Ҳаққулов “Занжирбанд шер қошида” китобига кирган мақолаларнинг деярли ҳаммасини кенг китобхонлар доирасини мўлжаллаб, илмий тил андозалари ва зерикарли жумлалардан қочган ҳолда дастлабки сатрларданоқ китобхонни ўзига тортиб кетадиган услубда ёзган. Бу олим услубини белгилайдиган бир жиҳат ҳисобланади. Аммо ундан олдин Навоий асарларининг насрий баёнини амалга оширган академик А.Қаюмов хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз, чунки у ҳам Навоий асарларини китобхонга, халққа тушунтириш, англатиш йўлидаги ўзига хос бир йўл эди. И.Ҳаққулов бу силсилада янги йўлдан борди, бадиий матнни ёш китобхонларга ҳеч кимникига ўхшамаган оддий ва қизиқарли усулда тушунтириш ишни бошлади.

Китобдаги аксар мақолалар қизиқарли ривоят ёки фикр билан бошланади. Масалан: “Қадимги юнон файласуфи Сукротнинг айтишича дунёда битта эзгулик бор – билим. Битта ёвузлик бор – нодонлик”⁵⁴. Шунга боғлиқ олимнинг таҳлиliga эътибор қаратамиз. Аввало, мақоланинг сарлавҳасидаёқ унинг мазмун - моҳияти яққол ифодаланган: “Нодонлик – ёвузлик”. Бу – Сукротнинг ибораси. Энди буни асослаш, далиллаш керак. Иброҳим Ҳаққул мавзуга олинаётган тушунчани ижтимоий ҳодиса сифатида

⁵³ Очилов Э. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. Масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – Б. 142.

⁵⁴ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 84.

талқин этишга уринади. Таҳлил объекти аниқ: бу – “Эзгулик – билим, нодонлик – ёвузлик ” деган ақида. “Хўш, инсон учун энг нафли илм нима?” дея савол ташлайди олим ва ўзи жавоб излай бошлайди. “Бу – Ватанни севиш илми” миллатсевар олимнинг жавоби – шу. Кимдир юқоридаги саволга “Одамийлик” ёки “Иймон илми” ва ёки яна бошқача жавоб айтиши мумкиндир, лекин Иброҳим Ҳаққул айнан “Ватанни севиш илми” деб айтади ва исботлаш учун мумтоз адабиётдан далил излайди. “Буни ўтмишда “Илму ҳуббул Ватан” деб аташган. Севмоқ учун аввал топмоқ керак, – деб ёзади И.Ҳаққулов.

Олим ўзи билган ҳақиқатни баён этаркан: “Қайси элдаки малолат, яъни малоллик, сиқилиш ва ҳорғинлик ғолиб келса, у элда нодонлик авжига чиққан. Қайси юртдаки, ҳақиқатнинг бағри тилиниб, адолатнинг устунлари кулатилса, билинг: у юртда ғофиллар баланд мавқеларни эгаллаб олишган. Бу ҳақиқатни ўзимча башорат этаётганим йўқ, Навоийга суяниб айтаётирман”⁵⁵, – деб ёзади ва айнан шу фикрларни ифода этувчи рубоийни келтиради. Олим рубоийни шарҳлар экан, унинг Навоий билан ҳамфикр эканлиги, шоирни қийнаган дард олимнинг ҳам бағрини ўртаётгани сезилади.

Жаҳолат, нодонлик ҳамма даврларда ҳам ижодкор қалбини ўртаган ва бу дард қаламга олинган. Навоий қалбини ўртаган дард олим қалбига ҳам кўчади ва бу талқинларда яққол намоён бўлганини кўрамыз.

И.Ҳаққулов ҳам ўз ижодида ҳамиша курашчанлик позициясида туриб, халқ манфаатлари ҳақида қайғуради. Бу улуғ адиблар ва танқидчиларга хос хусусиятдир. Жамият ҳаётида салбий иллатлар томир отиб, ижтимоий-сиёсий таназзул рўй бера бошлаган даврларда ҳамиша жамиятнинг илғор қатлами бўлган олимлар ва ёзувчилар ўз ижодлари ва ижтимоий фаолиятлари билан бир қадам олдинга чиқишган. 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошида Э.Воҳидов, П.Шермуҳаммедов, Б.Назаров, О.Ёқубов, И.Ҳаққулов сингари бир қатор ўзбек ижодкорлари ва адабиётшунослари ижоди ва фаолиятида ҳам

⁵⁵ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 86.

бу ҳолатни кузатиш мумкин. И.Ҳаққуловнинг “Занжирбанд шер қошида” китобига кирган мақолаларнинг аксариятида курашчанлик, фидойилик руҳи яққол сезилиб туради. Бунга далил сифатида “Тарих ва хотира чироғи”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Ватан – ягона кенглик”, “О, шоир қисмати” мақолаларини келтириш мумкин. Муаллифнинг зукколиги ва тафаккурининг кенглиги шунда намоён бўладики, у қайси мавзуда сўз юритмасин, мулоҳазалари Алишер Навоий асарларидан олинган парчалар шарҳига уланиб кетади ва ҳаётий мисолларда ўз тасдиғини топади. Бу орқали Алишер Навоий халқ фаровонлигини истаган, бунга эришиш йўллари кўрсата олган, замонга ҳамнафас фидоий ижодкор сифатида китобхон кўз ўнгида намоён бўлади ва у билан ёнма-ёндек туюлади.

Адабиётшунос олим қалбини ғамга тўлдирган яна бир масала - улуғ Навоийнинг ижодида алам билан қаламга олинган дўстлик туйғуси. Олим инсон учун улкан неъмат ҳисобланган дўстлик ҳақида фикр юритар экан, бу борада Алишер Навоийнинг қарашлари қандай бўлганлигини муаммоли таҳлил асосида очишга интилади. “Навоий шеърлари билан танишиш ўқувчида: “Шоирнинг ўзи дўст топганми? Нега у “меҳр кўп кўргазиб меҳрибон” учратмаганлигини қайта-қайта гапирган?” –деган саволлар пайдо бўлиши эҳтимолидан узоқмас.

Навоий дарду ҳолидин дам очмас бўлса, айб этманг,

Не дам очсин бировким, топмади оламда бир ҳамдам.

Содиқ дўст топиш жуда камдан-кам кишиларга насиб этади. И.Ҳаққул Навоийнинг асарларидан унинг дўсти ҳақидаги фикрларини таҳлил этиб, улуғ шоир дўстлик тушунчасини ўта улуғвор тутганини ва шу улуғворликка тўла мос келадиган дўстни ўзи ҳаётидан топа олмаганлигини қатъий тарзда айтади.

Иброҳим Ҳаққул Алишер Навоий ижоди мисолида дўстлик, саховат, тўғрилиқ, камтаринлик каби олий фазилатлар, шунингдек, худбинлик ва нодонлик, нафс ва ҳирс, зулм ва адоват каби иллатларнинг оқибатлари

ҳақида маърифий мулоҳазалар юритар экан, ўз фикрларини нафақат Алишер Навоий, балки, бошқа мумтоз ва замондош шоирларнинг поэтик ташбеҳлари билан қувватлантиради. Адабиётшунос мавзуни атрофлича ўрганади. Ҳар бир мақола учун асос бўлган мавзунинг ўзак материали сифатида Навоий ижодидан фойдалана туриб, ёрдамчи материаллар – бошқа шоирларнинг шеърӣ мисралари билан таҳлилни бойитади, мустаҳкамлайди.

2. Мутафаккир ижодидаги кичик жанрлар таҳлили орқали уни китобхонга яқинлаштириш.

“Занжирбанд шер қошида” рисоласидан кейин Навоий асарларини шарҳлаш, талқин этиш, бадий матн сир-синоатини очиш, тафсирлаш зарурати янада ошганлигини ва ана шу эҳтиёжни чуқур англаган навоийшунос олим И.Ҳаққулов мустақиллик арафасида яна хайрли бир ишга қўл урди. Шоир қитъалари мазмунини ўрта ёшдаги мактаб болаларига мўлжаллаб, шарҳлашга киришди. Олим Навоий ижодини тарғиб қилиш борасидаги илмий изланишларини давом эттириб, “Камол эт касбким” китобини нашр эттирди. Энг аввало, қитъанинг жанрий хусусиятларига тўхталиб, унинг тожик, эрон, турк ва бошқа халқлар олимлари томонидан берилган таърифларига, унинг мустақил поэтик белгиларига эга, фасохатли, хушбаён, мухтасар маъноларни билдиришига, “Хазойин ул-маоний”даги 210 қитъанинг шоир шеърӣятида катта ўрин тутишига эътибор қаратди.

Бу йўналишда муаллиф Навоий ижодиётининг муайян қисми – қитъа жанридаги шеърларини ўрганади ва уларнинг мазмун-моҳиятини теран таҳлил этиб, ёш китобхонлар ҳамда улуғ шоир ижодиёти мухлисларига тақдим қилади.

Маълумки, қитъа ҳажми аниқ белгиланмаган шеърӣ жанр бўлиб, шарқ мумтоз шеърӣятида уч байтдан ўн икки байтгача бўлган намуналари учрайди. Қитъада ижтимоий-сиёсий, фалсафӣй-ахлоқӣй масалалар ифодаланган, шоирлар ҳаётӣй-реалистик қарашлари, давр ва замонга муносабатларини акс эттирганлар. И.Ҳаққуловнинг тадқиқ этишича, ўзбек

мумтоз адабиётида қитъанинг тўрт байтдан ортиқлари кам учрайди. “Гадоий, Лутфий, Бобур, Огаҳий, Мирий ва бошқа классик шоирларимизнинг қитъалари икки, уч, тўрт байтлидир... Алишер Навоийнинг “Хазойин-ул маоний” девонидаги 210 та қитъадан 200 га яқини икки, уч, тўрт байтли. Бу тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Чунки, классик санъаткорларимиз мумкин қадар ихчамликка интилганлар”⁵⁶.

Таъкидлаш жоизки, асар юзасидан амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият фақат матнга таяниши, матндан келиб чиқиши, матннинг жозибасини очишга хизмат қилиши лозим⁵⁷. Ана шу тамойилга амал қилиб, Алишер Навоий қитъаларини таҳлил қилишда Иброҳим Ҳаққул яна ўша ўзи танлаган соддалик ва қизиқарлилик йўлидан боради. Олим ҳар бир қитъани шарҳлар экан, фақат шу қитъа атрофида ўралашиб қолмайди, балки унинг мазмунини кенгроқ очиб бериш учун ривоят ва афсоналардан, бошқа шоирларнинг адабий меросидан, замондош шоирларнинг асарларидан, диний манбалардан маълум билим ва тушунчалардан ўз ўрнида фойдаланади. Бу услуб муаллифнинг билим ва маълумот доираси нақадар кенглигини кўрсатади, шу билан бирга ўқувчи қалбига равон йўл очади ва хотирасида яхшироқ қолиши учун имкон беради.

Шоирнинг “Камол эт касбким...” қитъасини талқин этишда олим энг аввало, сўзнинг луғавий маъносига диққат қаратади:

Камол эт касбким, олам уйидин,

Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотаом ўтмак биайних,

*Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*⁵⁸

Камол касб этмоқ дегани беҳад кенг ва теран тушунча. Қитъани ўқиганда, аввало мана шу тўғрида мулоҳаза юритиш керак деб ҳисоблайди олим ва “Лисон ут-тайр”даги тўрт унсурга тўхталади. Ундан келиб чиқиб,

⁵⁶ Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 6.

⁵⁷ Қозокбой Йўлдош. Бадий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б. 43.

⁵⁸ Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 23.

“Ҳазрат Навоий “Камол эт касбким” дея даъват қилганларида комиллик учун зарур жуда кўп хусусиятларни назарда тутганлар. Киши ўзини хирс, тама, нафс, ғафлат, нодонлик сингари майлларида покламаса, у ҳеч пайт комил бўлолмайди. Комиллик учун улкан инсоний қалб, уни нурлантирувчи сўнмас ишқ ва кенг қамровли тафаккур зарур”⁵⁹, – деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам бу фазилатлар бўлмас экан, маънавий руҳий мукамаллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас дея ёш китобхонга уқтиради. Бу фазилатлардан қайси бири етишмаса, инсон ҳаммомга кириб, нопок чиққандай ўзини ҳис этади.

Бадий матн таҳлилида амал қилинадиган энг муҳим тамойиллардан бири ҳар қандай илмий таҳлил фақат шахсий фикр ифодаси бўлиб, у ҳеч қачон мутлақ ҳақиқатлик даъвосини қилиши мумкин эмаслигидир. Синчи қанчалик билимдон, талантли, тажрибали ва моҳир бўлишига қарамай, у амалга оширган таҳлил шахсий мулоҳаза, субъектив қараш мақомида бўлади. Илмий ҳақиқатлар ҳаммага бирдай тегишли бўлса, эстетик ҳақиқатлар ҳақида бундай дейиш мумкин эмас. Ҳар бир ўқувчи, китобхон, мутахассис ҳар қандай асарни ўзича ўқийди, ўзича тушунади, ўзича таъсирланади, ўзича ҳис этади. Демакки, ўзича ҳулоса ҳам чиқаради⁶⁰. Ушбу тамойилни ҳамиша ёдда тутган олим матн ҳулосаси ҳақида охириги нуқтани қўйишдан чекланади. Ўз таҳлилларини ҳам, матнга доир бошқа олимлар таҳлилларини ҳам мунтазам кузатиб, зарурат бўлганда ўз фикрларини тўлдириш йўлидан боради.

Шу ўринда бир жиҳат эътиборни тортади. Олим “Тасаввуф ва шеърят” китобида ўзининг охириги бир фикрига қарши чиқади. У “Кимки ўзлик иморатин бузди...” деб номланган мақолада Навоий ва тасаввуф масаласига тўхталар экан, таҳлил жараёнида “Камол эт касбким...” китъаси таҳлилига янада чуқурроқ ёндошади, талкин имкониятларини кенгайтиради. Бунинг учун, аввало, ушбу китъа ҳақида фикр юритган олимларнинг

⁵⁹ Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 23-б.

⁶⁰ Қозокбой Йўлдош. Бадий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б. 50-б.

мулоҳазаларини⁶¹ таҳлилга тортади. Р.Орзибековнинг қитъанинг ахлоқий - таълимий мағзи кучлилиги, шоир кишиларни илм-ҳунар ўрганишга чакириши ҳақида тўхталар экан, ростдан ҳам шеърда шундай талаб ва чакирик борми, деб ўз олдига савол қўяди. Бунга жавоб қайтариш учун бошқа олимларнинг мулоҳазаларига мурожаат этиб, бир қатор таҳлилларни кўздан кечиради, айрим таҳлилларнинг Навоий кўзлаган мақсаддан анча йироқлиги олим эътирозига сабаб бўлади. Уларга муносабатини Э.Воҳидовнинг Навоий ғазалларининг айрим таҳлиллари ҳақидаги сўзларини келтириш орқали очик-ойдин кўрсатади: “Ғазалнинг мазмунини жўн гапириб бериш – таҳлил эмас. Бу ғазални ечинтириш. Уни шоҳона либосдан холи қилиб, очик танасини кўрсатиш, холос. Бундай таҳлил шеърхонни совутади, шоирни беобрў қилади”⁶².

Талабчан олим қитъанинг ўзи томонидан қилинган дастлабки таҳлилидаги нуксонни ҳам очик тан олиб, уни тўғрилашга интилади. Қитъадан мақсад, дастлабки таҳлилдагидек, “инсоннинг жаҳон фарзанди мавкеига қўтарилиши, худди шу мавке эса камолотнинг олий чўққиси” эмас. Олим тасаввуф таълимотини теран ўрганиши ва Навоийнинг ушбу қитъасида ушбу таълимот ёлқинлари ақсланганини англаши натижасида “қитъада жаҳондир ўзни тўла озод айлашга даъват қилинган. Бу – тасаввуфдаги бош масала” дея хулоса қилади.

Бадий асар таҳлилида ҳамиша суяниладиган тамойиллардан бири *тарихийлик*дир. Зеро, ҳар қандай адабий асарнинг муайян замонда, муайян тарихий шароитда, конкрет вақтда яшаб ўтган одам томонидан яратилган ва унда акс эттирилган воқеаларгина эмас, балки руҳий ҳолат манзараларида ҳам ўша тарихий даврнинг тамғаси бўлади⁶³. Шу сабаб таҳлилга тортилган ҳар қандай бадий асарнинг яратилган даврини билмай ва уни ҳисобга олмай туриб, матнни чуқур ўрганиш, теран таҳлил этиш ва ҳаққоний хулосага

⁶¹ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент, 1976. – Б. 23-б.; Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Тошкент, 1979. – Б. 89-б.

⁶² Иброҳим Ҳақкул. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 135.

⁶³ Қозокбой Йўлдош. Бадий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б. 54.

келишнинг имкони йўқ. Ўрганилаётган асарга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашилмаса муаллиф кўзлаган мақсад ва ғояни янглиш тушуниш, шунингдек, китобхонга ҳам нотўғри изоҳларни бериш мумкин.

Қитъалар таҳлилида И.Ҳаққулнинг илмий тафаккури ниҳоятда кенглиги, теран англаган ҳолда тарихийлик тамойилидан моҳирона фойдаланиб илмий ва асосли хулосалар чиқара олиши яққол кўринади ва бу олим услубининг янги бир киррасини намоён этади.

“Қаноат тариқиға кир...” қитъасини шарҳлар экан “Лисон ут-тайр” достонидан бир ҳикоятни келтиради ва унинг Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида эканлигини айтиб, нақшбандийлик моҳиятини очади: “Демак, Нақшбандий тариқатининг фалсафий ахлоқий замини Ишқ. Бу таълимотга қаноат нури, шукуҳи муҳаббатдир...

Нақшбандий дунёқараши ботинан (ичдан) худо билан, зоҳиран (ташқаридан) одамлар билан бўлиш кераклигини ёқлайди”⁶⁴.

Таҳлил асносида олим нақшбандийликдаги “хилват дар анжуман”, “сафар дар ватан” шартларининг моҳиятини чуқур очиб беради. Айниқса, “Сафар дар ватан”нинг шарҳи ўқувчини ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлаши билан эътиборга лойиқ: “ Кишининг инсонийлигини белгилайдиган бош мезон эса туғилишиданок Ватанини танишидир. Бу – Ватанга сафардир. Буни шаҳар ва қишлоқлар, боғу саҳроларни кезиш дебгина тушуниш керак эмас, албатта. Ватанга сафар – она юрт тарихи, бугуни ва келажагига саёҳат”⁶⁵. Олимнинг бу каби шарҳи, Нақшбандийнинг “Сафар дар ватан” деган тушунчасини мана шундай микёсларда қабул этиш зарурлигини таъкидлаши билан Нақшбандий, Навоий ва тасаввуф тариқати томонидан илгари сурилган ғояларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва заруратини англашга кўмаклашади, китобхонни Навоийнинг инсонийлик ғояларига эргashiшга даъват этади.

⁶⁴ Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 15.

⁶⁵ Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 16.

Қитъаларни таҳлил қилиш жараёнида олимнинг мушоҳада ёғдусидан чараклаган нур ёш китобхон қалбини ёритишга, уни ҳаёт ҳақида, инсоний фазилатлар ҳақида ўйлашга ундайди. Масалан, “Будпараст будга сиғинади, худпараст ўзига. Бу бахтсизлик. Ўз олдида ўзининг қадрини кўтарган кимса – ўзганинг қадрини жуда осонлик билан ерга уради. У ўзини кўради. Шунинг учун худбиннинг ҳар қандай иши ўзига маъқул. Унинг табиати гўё камчиликлардан холи. У чечанларнинг чечани, доноларнинг доноси. Худбинлик – идрокнинг ўтмаслашуви. Худбинлик ўзига бино қўйишлик шайтонлиги”⁶⁶. Ҳазрат Навоийнинг ана шу иллатдан огоҳлантириш мақсадида ёзилган “Башар хайли анга мажбул эрурлар...” китъасини шарҳлашдан келиб чиққан бундай ҳикматомуз хулоса ўқувчи тасаввурида худбин кимса табиати ва унга хос хусусиятни ёрқин очиб беради. Китобхонга қуруқ танбехдан чекинилиб, қиёс ва танбех ўзига ҳавола этилади.

Инсонга хос бўлган иллатларгагина тўхталиб қолмай, олим оптимистик руҳда китъа таҳлиллари орқали инсонга хос яхши фазилатларни ҳам таърифлайди. Хусусан, “Тавозўй яхши, аммо...” китъаси шарҳида бунини кўришимиз мумкин. “Тавозе инсоний хислатларнинг қимматбаҳо гавҳари, хулқ ва одоб беазаги. У хоксорлик инжуси. Мақсад гавҳарлари тавозели кишиларнинг оёғи остидадур. Мана шунинг учун Мир Алишер Навоий китъада тавозенинг яхшилигини айтиш билан кифояланмасдан, уни одатга айлантирмоққа ундаганлар”⁶⁷. Кўринадики, олим эзгу фазилатларга ҳавас уйғотиш орқали китобхонни Навоийга ошно этишга ва эргаштиришга интилан.

Маълумки, китъа жанри кўпроқ ахлоқий-таълимий, панд-насихат характери билан ўзида мужассам этади. Бу жиҳатдан Навоий китъаларини шарҳлаш адабиётшунос олим И.Ҳаққуловнинг ижодий йўналишига, услубига мос келган, дейиш мумкин. Чунки И.Ҳаққул нафақат олим сифатида, балки инсоният келажаги учун қайғурадиган уйғоқ қалбли шахс сифатида ҳам

⁶⁶ Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 94.

⁶⁷ Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 113.

жамиятдаги салбий ҳолатлар, ғайри ахлоқий кўринишлар ва иллатларга мурасасиздир. Олимнинг вақтли матбуотдаги чиқишлари ва суҳбатлари куюнчак бир ижодкор, эл-юрт дарди билан ҳамдард фидойи инсон, ҳалоллик ва тўғрилиқ учун қайғурадиган миллатпарвар шахс эканлигидан далолат беради. Олим характеридаги бу фазилатлар бевосита унинг ижодий услубига таъсир этади. Қитъаларни шарҳлаш баробарида адабиётшунос олим ҳаётини қарашларининг эркин баён этилиши, шарҳларнинг ҳаёт билан боғланиши И.Ҳаққул услубининг муҳим қирраларидан биридир.

Алишер Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихи, маданияти, қалби эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ҳамда ҳис этиш демакдир. Шундай экан, Навоийни, умуман, мумтоз адабиёт вакиллари ижодини билиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу маънода истеъдодли адабиётшуноснинг ушбу асарни яратиб, қилган меҳнати таҳсинга сазовор Бундай асарлар билан Алишер Навоий ижодини ўрганиш орқали ёшларнинг кўнглида шеърятдан, бадиий сўз сеҳридан завқланиш ҳиссини уйғотади, шу билан бирга уларни она табиат сирларига яқинлаштиради, тарихий ривоят ва ҳикоятлар билан таништиради, она Ватанга муҳаббат, унинг ўтмишига ҳурмат, улуғ аجدодлар руҳи олдида масъуллик ҳиссини тарбиялайди, яхши инсоний фазилатларга ўргатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, олимнинг “Занжирбанд шер қошида”, “Қамол эт қасбқим” асарлари бугунги кун ўқувчиларининг онгу тафаккурига мўлжаллаб ёзилганлиги, Алишер Навоий матнлари сиру сеҳрини ёш китобхонга очиб бера олиши жиҳатидан катта аҳамият қасб этади ва функционал йўналишда амалга оширилган ушбу тадқиқотлар бугунги кун учун ҳам жуда муҳимдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, И.Ҳаққуловнинг Навоий ижодини тарғиб қилиш йўлидаги заҳматли фаолияти ўз вақтида китобхонлар оммасининг эҳтиёжини қондирди ва навоийшунослик фанининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. И.Ҳаққуловнинг замонавий шарҳлардан

иборат тадқиқотларига шу жиҳатдан қаралса, унинг муҳим томонлари кўзга ёрқин ташланади.

3.Навоий ижодидан сараланган парчаларнинг насрий баёини яратиш. Академик А.Қаюмовнинг, юқорида кўрсатиб ўтганимиз, улуғ шоир “Хамса”сининг насрий баёини амалга оширган хайрли ишларидан сўнг адабиётшуносликда И.Ҳаққулов айна шу усулни Навоий “Шоҳбайтлар”ига нисбатан қўлади. Олимнинг навоийшунослик ривожига, яна ҳам тўғрироғи, халқ орасида навоийхонлик даражасини бир поғона юқори кўтаришга қўшган яна бир ҳиссаси шу бўлдики, олим Алишер Навоийнинг шоҳбайтларини тўплаб, ҳозирги адабий тилдаги насрий баёни билан нашр эттирди. Шу боис улуғ шоирнинг бутун ижоди гулшанидан энг сара гулларни териб, дасталашга жазм этган олимнинг “Ҳазойин-ул маоний” девонидан танлаб олган 566 та шоҳбайтдан иборат биринчи, “Хамса”, “Лисон ут-тайр”дан танланган иккинчи китоблари адабий жараёнда муҳим воқеа бўлди. Балки айрим адабиётшунослар наздида “Шоҳбайтлар” тўплами илмий машаққат чекилган катта олимона иш эмасдир, шунчаки, мутолаа жараёнида териб олинган байтлар ва уларнинг насрий баёнидан иборат бир янги китоб, холос. Лекин, назаримизда, шу ҳам катта ва хайрли иш. Чунки шоҳбайт - лирик ижоднинг қаймоғи, мумтоз шоирлар бадий-эстетик, фалсафий-ахлоқий фикр-қарашларининг етакчи хулосавий ифодаси. Шарқнинг донишманд шоирлари шоҳбайтларда олам ва одам, жамият ва шахс, ахлоқ ва камолот тўғрисидаги абадий ҳақиқатларни ифодалашган. Алишер Навоий асарларини бошдан-оёқ бир марта ўқиб чиққан китобхон катта маънавий бойликка эга бўлади. Шу сабаб улуғ шоир асарларини сатрма-сатр мутолаа қилиб, уларнинг моҳиятини китобхонга англатиш каби эзгу ишларни амалга ошираётган Иброҳим Ҳаққулдек заҳматкаш олимлар меҳнати эътирофга лойиқдир.

Бошқа томондан аҳамиятлиси шундаки, “Шоҳбайтлар” Навоийни бутун моҳияти билан ўрганишга киришаётган халқимизнинг бугунги ёш авлоди

учун биринчи синф “Ўқиш китоби” сингари зарур адабиётдир. “Шоҳбайтлар”ни ўқиб савод чиқарадиган китобхонлар келгусида ҳазрат Навоий девонлари-ю дostonларини ўзлари мустақил равишда ўқиб, қийналмай тушуниб кетишлари мумкин.

Китобга ёзилган “Шоҳбайт – энг порлоқ байт” сарлавҳали сўзбошида биз Иброҳим Ҳаққулни яна зукко адабиётшунос ва жасоратли мунаққид сифатида кўрамиз. У адабиётшунос сифатида “шоҳбайт” нима эканлигини ёркин ифодалаб берса, танқидчи сифатида сохта шоирларни умумий тарзда яна бир марта “туртиб” ўтади. “Шоирнинг шоирлигини кўрсатувчи шаффоф кўзгу – бу шеър. Шеърдан бошқа ҳеч нима шоирдан ёдгор қолмайди. Сўз ва мисра устида тер тўқаркан, у дунёда ҳеч кимга насиб қилмайдиган дуру гавҳар топади. Айтайлик, мукаммал гўё уни шоҳлик - султонлик мақомига кўтаради. Ахир, шоҳбайт яратишга эришган шоирни сўз ва кўнгил шаҳаншоҳи демаслик инсофданми. Ҳамма шоирдан ҳам шоҳбайт қолмайди. Баъзан бутун бошли бир девон ёки шеърлар тўпламини варақлаб бирорта ҳам шоҳбайтга дуч келмаслик мумкин”⁶⁸. Бу фикрларни айтиш учун олимда билим ва маҳоратдан ташқари дадиллик ҳам етарли бўлиши керак.

Талабчан адабиётшунос сифатида шоир олдига ҳақиқий шеър қандай бўлиши ҳақида бир қанча талаблар қўяди, жумладан, “Шеър шоир яшаган давр ва замоннинг ўзгарувчан ўткинчи ҳавосини эмас, у туғилиб вояга етган заминнинг нурдай тоза, ҳаётбахш нафасини акс эттирмоғи керак”⁶⁹. Ҳақиқатан, ушбу мезон асосида адабиёт тарихимиздаги асарларни назардан ўтказсак, шеършунос олимнинг талаблари ҳақли экани кўринади. Бундан ташқари бу талаб эндигина адабиёт оламига қадам қўяётган ижодкорлар учун дастурул амал вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Иброҳим Ҳаққул бағрида бекиёс маърифатни жо этган Навоий шоҳбайтларини таҳлил этишда ҳар бир сўзнинг қўлланилишига жиддий эътибор беради. Матн ботинида яширинган маъноларни кашф этишга

⁶⁸ Алишер Навоий. Шоҳбайтлар. Тошкент. Фан, 2007. – Б. 4.

⁶⁹ Алишер Навоий. Шоҳбайтлар. Тошкент. Фан, 2007. – Б. 4.

интилади. Биргина жумланинг моҳиятини тўғри англаш ва китобхонга тўғри талқинни бериш учун жуда кўп изланади. Навоийнинг

Қаро кўзум келу мардумлиг эмди фан қилгил,

Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил, -

шоҳбайти билан бошланувчи ғазали кўплаб адабиётшунослар томонидан ўрганилган, таҳлил этилган⁷⁰. Иброҳим Ҳаққул ҳам ушбу ғазал таҳлилига киришар экан, ундан фақат матлаъни шоҳбайт сифатида танлаб олади. Биргина байтнинг маъносини беш саҳифали мақолада шарҳлаб беради. Олим таҳлилида шоҳбайтдаги ички, яширин маънолар кашф этилиши баробарида, бошқа адабиётшунослар йўл қўйган хатолар изоҳланади. Жумладан, олим филология фанлари доктори Н. Жумаҳўжанинг “Қаро кўзум...” ҳақидаги таҳлилий фикрларини рад этади. Н. Жумаҳўжанинг “Қаро кўз, бу – Оллоҳ”⁷¹ дея илгари сурилган фикрлари И.Ҳаққулнинг эътирозига сабаб бўлади. Олим ёзади: “Лоф десангиз бу лофга, сафсата десангиз – сафсатага ўхшамайди. Аммо унда лоф билан сафсата, тахмин билан уйдирма қўшилиб-қоришгани аниқ. Аниқлиги шундаки, сўфийлик тарихи мобайнида бирор жойда “қаро кўз” ибораси мазмунан Оллоҳни ифодалайди, дейилмаган. Ҳеч биров юқоридаги сингари сунъий мулоҳазалар тўқиб, “кўз”ни ўзича идеаллаштирмаган ҳам. Аксинча, тасаввур бўладими, таърифу тавсиф бўладими ёки бошқасими – барида ақл ва ҳақиқатга мувофиқлик талабидан чекинилмаган”⁷². Шундан кейин адабиётшунос Имом Ғаззолий, Маҳмуд Шобустарий, Ибн Арабий каби тасаввуф алломаларининг фикрлари билан “қаро кўзум” нинг маъносини очиб бериб, охирида шундай хулоса беради: “Навоий эса комилларнинг сарвари, энг буюк муршидларнинг ҳам маҳбубига карата “Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил” дейдики, бу “Эй

⁷⁰ Аъзамов А. Назмнинг еттинчи осмони. “Жаҳон адабиёти”. Тошкент, 2004 йил, февраль сони. – Б. 162; Жумаҳўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. Тошкент: Ўқитувчи, 1996, – Б. 17-18.; Рустамов А. Адiblар одобидан адаблар. Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 108-109.; Султонмурод Олим, Суннат Аҳмедов, Раҳмон Қўчқоров. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 124.

⁷¹ Жумаҳўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 17.

⁷² Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 142.

ҳабибларнинг ҳабиби, дунёга сенинг муборак кўзларинг билан караш менга ҳам насиб этсин” дегани бўлади”. Кўринадики, И.Ҳаққул томонидан шохбайтнинг теран таҳлили орқали ҳазрат Навоийнинг дурдона ғазалидаги бир сўзнинг нотўғри талқини ишонарли ва гўзал тарзда тўғрилланган.

Худди шу ғазалнинг яна бир байти борасидаги таҳлиллар олимни мушоҳада этишга чорлайди ва байт ҳақидаги янгича хулосаларни китобхонга тақдим этади:

Таковарингга бағир қонидин хино боғла,

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил, –

Шохбайтни таҳлил этар экан, тадқиқотчи структурал таҳлил методи имкониятларига суянади. Ушбу байт таҳлилида кўпчилик адабиётшунослар “лирик қаҳрамоннинг бағир қони маъшуқа отининг туёқларига хино бўлиши” сингари талқинга ҳамфикр дурлар. И.Ҳаққул эса бу байт таҳлилига бошқача ёндошади. Мисра мазмунига чуқурроқ киришга, ундаги калит сўзлар маъносини тўла очишга киришади. Аввало, олим шу каби сўзлар қўлланган бошқа шоирлар ижодини ҳам назардан ўтказди. Фузулий, Фурқат ғазалларига мурожаат қилади, сўзларнинг маъносини қидиради. Калит сўз сифатида “таковар” сўзининг маъно қирралари очилади. Наъл, от каби сўзларга мувофиқ келувчи таковар сўзининг ҳам атама, ҳам семантик маънолари, шунингдек, отнинг Шарқ халқлари ҳаёти ва тафаккурида тутган ўрни, ислом оламида унга муносабат, барчаси ўрганилиб байтдан англашиладиган зоҳирий ва ботиний маънолар ўртага ташланади. Олим ёзади: “Агар биз адашмасак, байтнинг зоҳирий мазмуни бундай: “эй, бераҳм, бевафо ёр, васлинг учун чопиб югурувчи ошиғингга бағир қонидин хино боғла. У сенинг вафодор итингдурки, бу “ит”нинг бўйнига хоҳласанг Жон риштасин расан қилғил! Байтдаги “таковар” ва “ит” ҳам, “хино” ва “расан” боғлаш ҳам рамзийдир”⁷³. Олимнинг бу каби теран таҳлиллари, албатта, унинг узоқ йиллар давомида Навоий ижоди ва ҳаётини ҳамда тасаввуф

⁷³ Ҳаққулов И. Бир байт талқини. “Сирли олам” газетаси 1998 йил, май ойи, 5-сон.

адабиётини сабот билан чуқур ўрганганлиги, энг муҳими, Навоий даҳосига буюк эҳтиром ва самимий муҳаббат билан қарашининг натижасида юзага келган.

Биз олим шохбайтлар насрий баёни ва таҳлилларини мукаммал амалга оширди деган фикрдан йироқмиз. Насрий баёнда айрим жузъий, асар ғоясига таъсир қилмайдиган камчиликлар йўқ эмас. Масалан,

Одам ўлгон зеби зоҳирдин демас,

Кимки ондин фахр этар – одам эмас.

Шохбайти “Лисон ут-тайр” достонининг тўла насрий баёнини амалга оширган Шарафиддин Шарипов томонидан “одам деган ташқи гўзаллик ҳақида сўз айтмайди, кимки ундан фахр этар экан, уни одам қаторига қўшиб бўлмайди”⁷⁴ тарзида насрий баён этилган бўлса, И.Ҳаққул томонидан “ўзини одам билган ташқи бойликни назарга илмайди, ундан кимки фахр-ифтихор этса, у одам эмас”⁷⁵ қабалида табдил қилинган. Ушбу байт товусга қарата айтилганлиги ва байт ўрин олган боб мазмунига асосланган ҳолда Шарафиддин Шариповнинг насрий баёни аслиятга айнан мосдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кун ўқувчисига Навоий асарларини англаш, тушуниш, моҳиятига етиш муаммоси туфайли шоир асарларини шарҳлаш, талкин этиш, бадиий матн сир-синоатини очиш, тафсирлаш каби хайрли тадқиқотларнинг аҳамияти катта бўлиб қолаверади. Олимнинг бу йўналишдаги тадқиқотлари ёш китобхонларни буюк шоирга янада яқинлаштириши, унинг маънавий оламига ошно қилиши жиҳатидан муҳим аҳамият касб этаверади.

Олимнинг Навоий асарларини тушунтириш, тарғиб қилишда Алишер Навоий ижодида етакчи бўлган ғояларни китобхонга сингдириш, мутафаккир ижодидаги кичик жанрлар таҳлили орқали уни китобхонга яқинлаштириш, Навоий ижодидан сараланган парчалар насрий баёнини яратиш йўли билан изланишлар олиб борганки, бу олимнинг ўзига хос услубини белгилашда

⁷⁴ Alisher Navoiy. Lison ut-tayr. – Toshkent: Gʻ.Gʻulom nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyi, 2009. – B. 311.

⁷⁵ Алишер Навоий. Шохбайтлар. Тошкент: Тамаддун, 2016. – Б.189.

муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ўзбек адабиётшунослигида илмий-бадий таҳлил маҳорати чуқурлашиб бораётганини кўрсатади.

Индивидуал услуб ва таҳлил усуллари. Шеършунос олимнинг ҳар бир асари (тақризи ҳам, мақоласи ҳам, шарҳлари ҳам) санъат асари бўлиши, унда ҳам адабиётда бўлгани каби мазмун ва шаклнинг диалектик уйғунлиги таъминланиши лозим. Адабиётшуноснинг тадқиқоти бадий асар ёки бадий матн мазмунини қуруқ баён қилувчи схематизмдан холи бўлгани ҳолда унда аниқ, исботлайдиган, эстетик таҳлил санъат ва адабиётга муҳаббат кўриниб туриши лозим. Бадиий матн қаърига яширинган сирларни топиш, гўзалликни англаш ва уни очиш таҳлилчидан юксак маҳорат талаб этади. Таҳлилда ҳамиша ўзини оқлайдиган тамойиллардан бири санъат асари ҳисобланган матнни эстетик асосларга таяниб таҳлилга этишдир. “Таҳлилда эстетик асослар устувор бўлсагина, ўқувчиларнинг қалб кўзи очилади ва улар туйғусизликдан, ҳиссизликдан қутуладилар”⁷⁶. Асардаги нафосатни кашф этишда ҳар бир адабиётшуноснинг ўз услуби бўлгани каби Иброҳим Ҳаққулнинг бу борадаги ишлари ҳам ўзига хосдир. Олим Алишер Навоий ғазаллари таҳлиliga киришар экан, таҳлил йўналишларини синтезлашган ҳолда олиб боради. Таҳлилда функционал, фалсафий, психологик, лингвистик йўналишлар ўзаро алмашилиб, бир-бирини тўлдириб боради. Натижада матндаги нафосат ва зарифлик маҳорат билан кашф этилади.

“Шеърият мулкининг султони” Алишер Навоий ғазаллари сермаънолиги, рамзийлиги, метафораларга бойлиги, мавзу кўламининг кенглиги жиҳатидан ўзига хос. Шунинг учун бир ғазалнинг турлича талқинларига дуч келамиз. Шоирнинг “Ишқ аро душвордир бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...” мисраси билан бошланувчи ғазали бир нечта адабиётшунослар томонидан турлича таҳлил этилган. Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов ғазални таҳлил этар экан, асосий диққатини Навоийнинг инсонпарварлик ғояларига қаратади, Навоий шоҳ ва гадонинг

⁷⁶ Қозокбой Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б. 55.

тенглигини истагани, зеро, шоҳ мансабидан фойдаланиб маъшукани ўзига бўйсунтириши, шоир ушбу ғазал орқали шоҳларнинг зўравонлигини дадил айта олганлигини таъкидлайди. Олим ғазал таҳлилига ўзи яшаган давр талабидан келиб чиқиб, социологик метод асосида ёндашади, Навоий яшаган даврда бу каби ошиқ ва шоҳ нисбатини фақат “катта обрўйга ва мавқега эга бўлган кишиларгина айта олиши мумкин эди”⁷⁷ дея хулосага келади. Кўринадики, ғазал таҳлилида ошиқ (гадо) ва шоҳ ўзаро ишқда қиёсланган бўлса-да, олим уларнинг ижтимоий мавқеига асосий эътиборини қаратганлиги яққол сезилади.

Адабиётшунос Эргаш Очилов ушбу ғазални анча кенгрок таҳлил этган. Ҳар бир байтнинг насрий баёни тузилиб, мазмуни ёритилган. Олим ғазал шоҳ ва гадонинг ишқдаги мавқе-мақоми хусусидалигини таъкидлаб, ғазалнинг умумий мазмунини яхши ёритиб бера олган. Ғазал матнидаги барча сўзлар таҳлилда қамраб олинган. Бироқ олим томонидан келтирилган айрим фикрлар эътирозли. Жумладан, ғазалнинг

Шоҳким, матлубига қуллуқ буюрғай – ишқ эмас,

Кимки ошиқдур, анга зору забунлигдир гувоҳ

байти таҳлилидаги “Дунёвий муҳаббат ўзаро тенглик асосига қурилади. Лекин сўз илоҳий маҳбубага – Оллоҳга ошиқлик хусусида борар экан, маъшуканинг ҳар жиҳатдан тенгсизлигию ошиқнинг эса зору ожизлиги ҳақида гапирилади...”⁷⁸ каби фикрлар ғазал мазмуни билан ўзаро боғланмайди.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ҳам ушбу ғазал таҳлилига ўзига хос услубда ёндашган. Олим ғазалда ишқ ва ошиқлик тазодий тамойил асосида ёритилган деб ҳисоблайди ва ҳар бир байтни шарҳлар экан, ошиқнинг шоҳдан юқори мавқеда турганлигини кўрсатишга интилади. Чунончи, ғазалнинг иккинчи:

Шоҳ додимга нетиб етсунки, мулки ишқ аро

⁷⁷ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б. 204.

⁷⁸ Очилов Э. Бир ховуч дур. Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б. 41.

Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ... байти таҳлилида Эргаш Очилов “Ишқ оламида ўз аҳволдан шоҳга арз қилишнинг фойдаси йўқ, чунки бу ерда олийнасаб шоҳ билан тупроққа тенг гадонинг мартабаси баробар”⁷⁹ дея уларнинг тенглигини таъкидласа, И.Ҳаққул байт насрий баёнидан сўнг “Ишқда ижтимоий, иқтисодий тенгсизлик йўқ. Лекин севги ва садоқатда фарқлар бор”⁸⁰ дея изоҳ келтириб, ошиқ мавқеини юқори қўяди, келтирилган изоҳлар бевосита кейинги байтга боғланиб, олим шарҳлари ўқувчида эътироз туғдирмайди. Айтиш жоизки, таҳлиллардаги изчиллик олим услубига хос алоҳида фазилатлардан биридир.

Ҳар учала олим таҳлили матнга таянган ҳолда ўз асосларига эга. Таҳлиллардаги фарқлар шоир адабий-ғоявий мақсадини қандай англашдан келиб чиққанлигида кўринади. А.Ҳайитметов Навоийнинг ғоявий мақсади шоҳ ва ошиқ(фақир)нинг ҳам ишқдаги нисбати асосида ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлигини кўрсатиш деб ҳисоблаган бўлса, Э.Очилов шоир уларни илоҳий ишқда солиштиришни мақсад қилганлигини очиб беришга интилган. И.Ҳаққул таҳлилида эса Навоий наздидаги ошиқнинг шоҳликдан афзаллигини кўрсатиш устуворлик қилади.

Навоийшунос И.Ҳаққулнинг деярли барча таҳлил ва талқинларида унинг улуг мутафаккир ижодига, ғоявий мақсадига яқинлашишга интилишини кўриш мумкин. Шу сабабдан ҳам олим талқинлари китобхонни Навоий руҳиятига яқинлаштира олади.

Навоийнинг машҳур “Ёрдин айру кўнгил...” деб бошланувчи ғазали йирик адабиётшунос Н.Маллаев томонидан ҳижрон мавзусида ёзилган энг сара асарлардан бири сифатида таҳлил этилган. Олим таҳлилда асосий диққатини Навоийнинг бадий маҳоратига қаратади. Ғазалда тадрижийлик, қаршилантириш каби усуллар маҳорат билан қўлланганлигини очиб беради,

⁷⁹ Очилов Э. Бир ҳовуч дур. Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б. 41.

⁸⁰ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2.Ташкент: Фан, 2011. – Б. 149.

шунингдек, олим ғазал тузилишини жадваллар асосида ўзига хос тарзда тушунтиришга ҳаракат қилади⁸¹.

Ушбу ғазал тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов томонидан ҳам ишқий ғазалнинг гўзал намунаси сифатида маҳорат билан таҳлил этилган. Ғазалдаги ташбеҳлар занжири шарҳланган. Изоҳталаб сўзлар маъноси очиб берилган.⁸² Навоий ижодининг яна бир нуктадон билимдони, профессор Раҳим Воҳидов эса ғазалга тасаввуфий ёндашиб, ёр, султон, жон, гулу райҳон сўзлари Ҳақ(мақсад)қа ишора, кўнгул, мулк, жисм, туфрок сўзлари эса мақсадга интилувчи солиқнинг мажозий номланиши дея талқин этадилар⁸³.

Ушбу ғазал таҳлилига И.Ҳаққул бироз бошқача ёндашади. Ғазални ёзиш жараёнида шоир кўнглидан кечган фикрларни англашга, унинг ижодий лабораториясига кириб боришга ҳаракат қилади ва тарихийлик тамойилига асосланиб, психологик йўналишда тарихий-қиёсий метод орқали ғазалнинг янгича шарҳини келтиради.

Олим ғазални таҳлил этар экан, унинг нафақат ишқий ғазал эканлигига, балки унинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан долзарблигига асосий эътиборини қаратади. Бунда у биографик методдан ҳам фойдаланиб, аввало, Навоийнинг ҳаёт йўлига назар солади. 1447 йили Хуросон ҳукмдори Шохрух Мирзонинг вафоти, салтанат талашувлари, Навоийнинг отаси оиласи билан Ироққа кўчиб кетганлиги, бу ҳолатлар яъни, ҳукмдорсиз қолган мамлакатнинг аянчли аҳволи ёш шоир онгига мангу муҳрланганини ўқувчига эслатади. Ва шуларни инобатга олган ҳолда таҳлил этилгандагина, султонсиз мулкнинг – жонсиз жисмга қиёсланиш моҳияти очилишини зукко адабиётшунос изчил мантиқ орқали исботлаб берган.

Кейинги байтлардаги жонсиз вужуднинг райҳони йўқ бир қора туфрокқа, бу туфрокнинг моҳсиз тунга, ойсиз кечани ҳаёт сувидан маҳрум зулматга қиёсланиши ёрсиз кўнгил ҳолатидан кўра султони йўқ давлат

⁸¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 455.

⁸² Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Tamaddun, 2012. – Б. 50.

⁸³ Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – Б. 117.

тақдирини кенг ва теранроқ акс эттиради⁸⁴, - дея талқин этади олим. Ҳақиқатан, унинг чуқур ва асосли таҳлиллари орқали ушбу ғазалнинг жуда кенг ва теран мазмуни, янги қирралари очилган. Аксарият адабиётшунослар томонидан ишқий ғазалнинг сара намуналаридан ҳисобланган, кўпчилик китобхонлар томонидан севилиб ўқиб-ўрганиладиган ушбу ғазални И.Ҳаққулов ўз таҳлили ила яна бир бор ўқувчига янгича талқинда тақдим эта олган. Аёнлашадики, Навоий ушбу ғазалда фақат ошиқнинг аҳволини тасвирламай, у бутун мамлакатнинг аянчли аҳволини мохирона тарзда мана шундай гўзал ишқий сатрлар қарига сингдира олган. Таҳлил қанчалик чуқур, пишиқ, баркамол бўлса, у шунчалик ишонтириш кучига эга бўлади. И. Ҳаққулов ҳар бир мисра, ҳар бир байтни шундай чуқур, изчил таҳлил ва талқин этадики, Навоийдек даҳо ижодкорнинг сўз қўллаш ва тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати ўқувчи кўз олдида ёрқин намоён бўлади. Бу олим услубига хос фазилатлардан бири сифатида баҳоланади.

Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган “Парим бўлса учуб кочсам...” деб бошланувчи тасаввуфий ғазали ҳам И.Ҳаққул томонидан синчковлик ва теран мушоҳада асосида талқин этилган. Олим талқинларининг ўзига хослиги – уларнинг кириш қисмидаёқ яққол кўринади. Ғазал таҳлилига ўтишдан аввал ўқувчида ғазални тушуниш учун зарур кўникмани ҳосил қилишга интилади. Ушбу ғазал таҳлилида ҳам шундай йўл тутилган бўлиб, олим дастлаб тасаввуфнинг исломий асослари, ундаги хилват, узлат йўлларини қисман изоҳлайди. Бу маълумотларни билишнинг зарурлиги ғазалнинг дастлабки байти таҳлилидаёқ аёнлашади. Бинобарин, тасаввуфий матн таҳлили ҳар қанча мукамал бўлса-да, ўқувчи тасаввуф ҳақида тушунчага эга бўлмаса, уни тушуна олмайди.

Чиқиб бу дайрдин Исога невичун ҳамнафас бўлмай,

Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор

⁸⁴ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш-3. – Тошкент: Tafakkur. 2016. – Б. 160.

мисраларини шарҳлар экан, олим байтдаги “пардаланган” маъно қатламларини очишга интилади. Дастлаб калит сўзлар топилади. Калит сўзлар сифатида “тажарруд” ва “ҳиммат” сўзларининг маънолари очиб берилади. Тажарруд сўзи Навоий асарлари луғатида алоқасизлик, четлашиш, ёлғизлик, ҳамма нарсадан кечиш маънолари изоҳланганини айтади. Бироқ олим наздида байт таҳлилида, бу изоҳларнинг ўзи етарли эмас. Чунки бу изоҳга таянилса, Навоий ёлғизлик, сўққабош яшаш, танҳоликда кун кечиришни тарғиб этган бўлади. Олим Навоий ҳеч қачон бунақанги “тажаррудни” тарғиб этмаслигини, Пайғамбаримиз суннатларига қарши ҳатто имо-ишорат ҳам қилмасликларини байт таҳлили орқали теран очиб беради. Байт мазмунини очиш учун калит сўзларнинг луғавий эмас, истилоҳий маъноларини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлайди. Ўз мулоҳазаларини Султон Валад, Ибн Арабий каби тасаввуф алломаларининг асарларига мурожаат этиб далиллайди. Тажарруд сўзининг шоир асарларида аксарият ҳолда Исоий Рухуллоҳ билан ёнма-ён келишига диққат қаратиб, шу сўзлар қўлланган яна бир байтни мисол келтирадики, бу байт шарҳи орқали юқоридаги мисраларнинг янада кенгрок маъноси очилади. Кўринадики, Навоий истаган тажарруд шахватдан йироқлашиш, қалбни ишқ-муҳаббатдан бошқа ҳамма нарсадан халос айлаш экан.

Тасаввуфий истилоҳлар қўлланган байтларни таҳлил этишда олим ниҳоятда сергаклигини кўриш мумкин. Чунки шоир шеъриятида луғавий маъносига тескари мазмунда қўлланган калималар кўплигини у теран англайди. “Тажарруд” шу каби сўзлар каторига киради ва бу сўзни Навоийнинг бошқа байтларида ҳам кўриш мумкин. И.Ҳаққулов шарҳларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, мазкур шарҳлар бошқа ғазалларни тушунишда ҳам қўл келади.

“80-90-йиллар танқидчилигидаги талқин кўринишлари ҳақида гап борар экан, ёрқин сўзшунослардан бири Иброҳим Ҳаққул ижодини четлаб ўтиш зинҳор мумкин эмас. И.Ҳаққулов мақолаларининг диққатга сазовор

томонлари, жозиба сирлари нимада? Мунаққид сўздан сўзнинг фарқини, қимматини аниқ белгилайди: матндаги сўзларнинг вазифасини, имкониятини баҳолай билади. У асарнинг “жони”ни, асаб ришталарини, ижодкор концепциясини англаб етгач, “жон”га ўз “жони”ни, “концепция”га ўз қарашларини пайванд этади”⁸⁵. Ҳақиқатан ҳам кейинги байтлар талқинида олим томонидан матндаги яширин маъно қатламларини ўткир зеҳн орқали англаш маҳоратини эгалланганини кўришимиз мумкин. И.Ҳаққул ғазалдаги “ағёр” сўзига китобхон диққатини қаратади. Одатда ракиб, ағёр сўзлари салбий - душман киши маъносини англатади, бироқ олим бу сўзлар тасаввуф адабиётида бошқача маънога - нафсга тегишли эканини таъкидлайди, Юнус Эмро, Бобур шеърятидан мисоллар билан изоҳлайди ва ғазал таҳлилида ҳам бу сўзнинг тасаввуфий мазмунига эътибор беради. Олим таҳлилларида таъвил санъати – нарс, ҳодисанинг сиртки маъносидан ташқари маъноларини очиш маҳорати унинг услубини белгиловчи характерли жиҳатлардан биридир.

Адабиётшунос олим А.Ҳайитметов ушбу ғазал таҳлиliga социологик таҳлил методи асосида ёндашган, шеърни Навоийнинг замон аҳлидан ва подшоҳдан норозилик кайфияти акс этган ғазал сифатида талқин этган. “Чекиб ағёрдан юз жавр...” бирикмасини “душманлар унга жавр қилсалар...”⁸⁶ дея изоҳлаган. И.Ҳаққул эса бу фикр “нафси золим”га тегишли”⁸⁷ дейди. “Нафси золим”ни енгил, ботин кўзнинг очилиш истаги, фано водийсига сайр этиш орзуси каби Навоий истаган тасаввуфий талаблар кейинги байтларнинг изчил шарҳида ёритиб берилган. И.Ҳаққул ўз шарҳларида Навоий ғазалларидаги асосий хусусиятлардан бири бўлмиш тадрижийликка алоҳида аҳамият беради. Шу сабаб китобхонга секин - аста ривожланиб бораётган фикр ва ғояни англаш осонлашади.

⁸⁵ Расулов А. Таҳлил, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 173.

⁸⁶ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: O'qituvchi, 2015. – Б. 161.

⁸⁷ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан. 2011. – Б. 137.

Ғазалнинг мақтасида шоирнинг бош муддаоси берилган дея таъкидлайди олим. “Шоҳнинг қўнгли шоирга мойилмас, шу учун икки дунёга ҳам хошок чоғлиғ унинг илтифоти йўқ”⁸⁸. Сўнгги байтнинг ушбу насрий баёни А.Ҳайитметов насрий баёнига жуда яқин бўлса, улардаги шарҳ ва талқин бутунлай ўзгача. А.Ҳайитметов ғазал мақтаси таҳлилига биографик метод асосида ёндашган ва Навоий назарда тутган шоҳ Абу Саид эканлигини, у сабаб шоир Ҳиротдан кетишга мажбур бўлганлигини таъкидлайди⁸⁹. Иброҳим Ҳаққул байтни шарҳлашдан олдин устоз адабиётшунос фикрларини ҳам назардан ўтказди. Унинг бундай хулоса чиқариши асоссиз эмаслиги, ғазалдаги оҳанг ва ифодаларнинг маҳзунлигидан шундай фикрга келиш мумкинлигини айтади. Ўз таҳлилида эса байтнинг янада чуқурроқ, улуғ шоир айтмоқчи бўлган, бундан-да мураккаброқ маъноларини кашф этишга интилади ва тасаввуфий билимлари, теран мушоҳадалари асосида Навоий мурожаат этган шоҳ бу – Оллоҳ, у фақатгина “шоҳи оламдан марҳамат кутаётир”⁹⁰ деган хулосага келади. Олим наздида Навоийдек даҳо шоирнинг тангридан бошқасидан қўрқиши ва шафкат тилаши мумкин эмас эди. Кўринадики, Иброҳим Ҳаққул ушбу тасаввуфий ғазалнинг фалсафий, илоҳий-ирфоний маъноларини теран англаган ва шарҳлай олган.

Айтиш ўринлики, ҳар бир адабиётшунос матнни таҳлил ва талқин этар экан, унда ўзи яшаган замоннинг руҳи, мафкураси шубҳасиз таъсир кўрсатади. А.Ҳайитметов таҳлилида социологик тузумнинг таъсири сезилади. Иброҳим Ҳаққул таҳлилларидаги теранлик, фикр эркинлиги ва мафкурадан хоилилик эса мустақиллик шарофати туфайлидир.

Иброҳим Ҳаққул услубига хос яна бир хусусият таҳлилларда далиллаш усулидан фойдаланишидир. Юқоридаги ғазаллар таҳлилида а) тасаввуф алломаларининг илмий асарлари; б) Навоий ижодига таъсир этган ва Навоий

⁸⁸ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 138.

⁸⁹ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: O'qituvchi, 2015. – Б. 162.

⁹⁰ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 138.

ижодидан таъсирланган ижодкорлар асарлари; в) шоирнинг ўз асарларга асосланиб, мисоллар орқали далиллаш усули устувор, бу эса талқиннинг илмийлиги ва кенг қўланилигини таъминлашга хизмат қилади.

Иброҳим Ҳаққул таҳлилларини кузатганда яна бир жиҳат диққатни тортади. Бу таҳлилларнинг диний-марифий йўналишда эканлиги. Олим қайси ғазал таҳлиliga киришмасин унинг ислом манбаларидан сув ичганлигини назардан четда қолдирмайди, шунингдек, ғазаллар қаърига сингдирилган маърифатни очишга интилади.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул “Хусусий услубга эга бўлиш – бу хусусий бир шахсиятга эга бўлиш” деб таъкидлайди. Услубни шахсият деб қабул қилган И.Ҳаққул мақолалари ва тадқиқотларини ўрганганда, унинг бошқа адабиётшуносларга ўхшамаган индивидуал услуби кўзга ташланади. “Мавлоно Жалолиддин Румий “Сен фикрни шахс бил, эй жонажон”, дейдилар. Ҳақ гап. Агар фикр ва тафаккурда янгиланишга эришилмаса, у ёки бу бадий асар ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатларига тўла инонтира олмаса, минг урининг, ўқувчини адабиёт қахрамонлари ортидан эргаштиролмайсиз. Адабиётга ишонч – ижодкор шахсига ишонч билан мустаҳкам боғлиқ”-деб ёзади олимнинг ўзи⁹¹. Бу мулоҳазаларни адабиётшунослик илмига ҳам тадбиқ этиш мумкин: олимнинг фикр ва тафаккурдаги янгиланишларга тўла мулоҳазалари ўқувчини ишонтириши билан бирга буюк даҳога яқинлаштириши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Олим Навоий ғазалларини таҳлил этар экан, муаллифнинг шахсий ҳолат, кайфият, руҳоний сезимларни ҳис қилган ҳолда таҳлил этишга интилади. Таҳлилларда ранг-баранг методлардан фойдаланади. “Навоийга қайтиш - 2” китобидаги “Шеърини матн ва образ маънодорлиги” мақоласида олимнинг матнни таҳлил этиш принциплари ёритилган. Жумладан, таҳлил учун энг муҳими сўз маъносини тўғри англаш, ассоциатив ҳолатда унинг ёндош маъноларини эътибордан четда қолдирмаслик И.Ҳаққул талқинларига хос

⁹¹ “Сен фикрни шахс бил...” Адабиётшунос олим И.Ҳаққул билан сўхбат.// Жаннатмакон.2008, июль.

муҳим хусусиятдир. Мақолада олим Навоийнинг “Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш...” мисраси билан бошланувчи рубоийсини янгича таҳлил этади.

Аввало, олим “ғурбат” сўзининг туб моҳияти нима эканлиги, унинг кенг ва тор маънолари, тасаввуфда қайси маънода қўлланилишига эътибор қаратади. Бу ўринда олим сўзнинг ички маъноларини очиб, семиотик ва лингвистик таҳлил методларидан фойдаланади. Навоий ушбу рубоийда “ғурбат” сўзининг қайси маънода қўллаганини аниқ билиш учун буюк шоир ижодидаги бошқа жанрдаги асарлар билан ҳам солиштиришни лозим кўради. Чунончи, Навоийнинг соқийномасида “Барча ғурбатқа хиром айладилар” дейилганда бу сўз нариги дунё, охираат мазмунини англатса, “Кишики васл тилар, ғурбат ихтиёр этсун” мисрасида ғурбат сўзининг бошқа маъноси англашилаётганлигини таъкидлайди. Шунингдек, “Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл,...” деганда бу сўз орқали нимани ифода этмоқчилиги олимнинг диққатини тортади. Бу сўзнинг турли матнларда турли маъно қирраларини кашф этган кашшоф “ғурбат” ва “ғариб” сўзлари Навоийнинг ушбу рубоийсидаги калит сўзлар эканлигини ва таҳлилда бу сўзларнинг луғавий эмас, истилоҳий маъносига диққат қаратиш шартлигини таъкидлайди. Ва ушбу рубоийни таҳлил этган А.Ҳайитметов ва Ё. Исоҳқов таҳлилларига, эътибор қаратади. Ушбу олимлар бу матнни тарихий-қиёсий ва ижодий-генетик методлар асосида ўрганганлар ва “ғурбат” сўзини асосан луғавий маъносига эътибор қаратиб, уни ватандан йироқда бўлиш, айрилиш маъноларидан келиб чиқиб, фикр юритганлар.

Иброҳим Ҳаққул эса бу рубоийни ўзига хос индивидуал услубда ўрганишга интилади, тарихий-маданий таҳлил усулини етакчи қилиб олади.

Ижоди билан ўздан кейинги жуда кўп ижодкорларни илҳомлантирган Навоий ушбу рубоийни ёзишда бирор-бир салафидан таъсирланмаганмикин, дея ўз-ўзига савол қўяди. Ва изланишда давом этиб, олим бу саволга Ҳофиз Шерозий, Санойи каби форс шоирлари мисраларини келтиради, “ғурбат”

сўзининг келиб чиқишини очиб беришга интилади ва бу сўз Афлотун таълимоти, Монийлик дини, Ислом сўфий ва мутасаввуфлари тасаввурида қандай маъно касб этишини изоҳлайди. Ғурбат ва ғариб сўзлари Ислом оламида қандай маъно англатишини ҳадислар, тасаввуф алломалари Абдураззоқ Кошоний, Ибн Арабий, Абдукарим Жилий, Абдуллоҳ Ансорий кабиларнинг фикрлари орқали теран очиб беради.

Олимнинг таъкидича, Навоий бу рубоийда бир неча олимлар таҳлилларида айтилган ботиний ғурбат – ватандан йироқдалилик эмас, балки ҳақ даргоҳидан айрилиқ, ғарибни илоҳий ирода ва ноёб фазилатлар соҳибига айлантирадиган ботиний ғурбатни назарда тутган⁹². Кўринадики, тасаввуф таълимотидан яхши хабардор бўлган ва бу таълимот ҳаётининг мезонига айланган Алишер Навоийнинг юқоридаги рубоийси таҳлиliga олим тарихий-маданий метод воситасида ёндашиб, унинг янги маъно қирраларини, эҳтимолки, Навоийнинг ўзи кўзда тутган, айтмоқчи бўлган фикрларини илғай олган ва ўқувчига тақдим этган.

Иброҳим Ҳаққул “Навоий шеъриятида сўзнинг образга айланиш асослари” мақоласида ҳам Навоий ижодини таҳлил этишда нималарга эътибор бериш лозимлиги, бу борада айрим тадқиқотчилар томонидан йўл қўйилган камчиликларга тўхталади. Чунончи, олимнинг фикрича, аксарият таҳлиллардаги саёзлик ва нотўғри фикрлар бир ижодкорнинг маълум байтидан келиб чиқиб таҳлил қилиш эканлиги, чунки алоҳида бир калима ё ибора фақат бир ижодкор томонидан айтилмаслигини таъкидлайди. Кўринадики, тарихий-маданий таҳлил орқали матнни тадқиқ этиш тадқиқотчига матн мазмунини нотўғри шарҳлашдан сақлайди.

Ушбу мақолада олим Навоий ижодида кўп қўлланган “аёқ”(идиш), “турки яғмо” сўзларини айнан шу таҳлил методи асосида шарҳлаб беради. Бир қарашдак “яғмои-турк” беҳато қон тўкадиган бир жаллодлигини, лекин Навоий шеъриятида бу образ бундан айрича маънода, ижобий бир ҳодиса

⁹² Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 33.

сифатида қандай келиб қолганини тадрижий очиб беради. Бу иборанинг Лутфий, Саъдий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий каби буюк истеъодлар ижодида ҳам борлигини ва булар барчаси “турки-яғмо” талончи сўзидан йироқлигини олим мушоҳада этади. Қадим замонларда “хони яғмо” маросими бўлганлиги ҳақидаги далилларни олим “Китоби Дада кўрқут”дан топади. Ундан сўнг “Девони луғотит турк” асарида ҳам бунга доир маълумотлар борлигини аниқлайди. Тўпланган маълумотлар асосида “яғмои турк” ва “хони яғмо” иборалари шарқ шеърлятида ҳиммат ва саховат, фавкулотда мардлик мазмунини ифодалаши⁹³ ва Навоий асарларини таҳлил этганда буни эътибордан четда қолдирмаслик лозимлигини аниқ мисолларда кўрсатиб беради. Зукко танқидчи Навоий шеърляти ҳаёт, давр, юрт тақдири билан қанчалик боғланган бўлса, унинг дин, фалсафа билан ҳам боғлиқлигини теран англаган ҳода таҳлилга киришади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу рубоий таҳлилида олим тарихий-маданий метод имкониятларидан тўғри фойдаланиб, унинг янги ва асосли таҳлилини ярата олган. Ижодкор лабораториясига янада чуқурроқ кириб бориб, унинг асарни ёзишдан кўзлаган мақсади, айтмоқчи бўлган фикрларини янада теранроқ англаган. Хусусан, Навоий ижодини таҳлил этишда бу методдан фойдаланиш, тасаввуф таълимоти тадқиқотчининг диққат марказида бўлиши уни улуғ шоир руҳияти ва дунёқарашига янада яқинлаштиради. И. Ҳаққул таҳлиллари Навоий ижодини мана шу каби янгича қирраларда таҳлил этилганлиги, ҳар бир мушоҳаданинг теран билим ва қиёсга асосланганлиги жиҳатидан ҳам ўзига хосдир. Бу олимнинг услубини белгилловчи омиллардан бири саналиб, турли методлардан фойдаланиш жиҳатидан ҳам ўзига хосликка эга эканлигини кўрсатади.

Олим тадқиқотларида Навоий томонидан кўзланган мақсадларнинг тўғри англанишини, ҳар бир сўз навоиёна кўз билан кўрилишини қатъий талаб этади. Шу сабаб ўқувчида янглиш фикр келтириши мумкин бўлган

⁹³ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан. 2011. – Б. 41.

шоир ижодида кенг қўлланган сўз ва бирикмаларга тарихий ва илмий асарлар асосида тўла маълумот беришга интилади. Шу каби сўз ва бирикмалар қаторида “Қора ранг”, “тожи торак” кабиларни келтириш мумкин. Иброҳим Ҳаққул “Сабъаи сайёр” достонида келтирилган

Қаро ранг элга тожсу торакдур,

*Ким қаро ранг ичрадур муборакдур.*⁹⁴

байтини таҳлил қилиш асносида бу сўзга муфасссал тўхталади. Зеро, бугунги кунда мотам рамзи ҳисобланган қора ранг нима сабабдан Навоий томонидан улуғлангани китобхон учун муаммо. Ўқувчи “қора ранг ичида бўлиш”ни қандай тушуниши лозим? Бу саволга жавоб тариқасида олим “Қора ранг – муборак ранг”, “Яна қора ранг талқини ҳақида” номли иккита мақола эълон қилган. Мақолада илгари сурилган фикрлардан аёнлашадики, Навоийнинг қора рангни қўллаши билан боғлиқ масалада нафақат, оддий китобхон, балки катта адабиётшунослар фикрларида ҳам хилма-хилликни кузатиш мумкин.

Жумладан, адабиётшунос олим Саидбек Ҳасановнинг “Сабъаи сайёр” достонига бағишланган тадқиқотида қора ранг ёшлик рамзи эканлиги, чунки ёшликни унинг бошидаги сочининг қоралиги белгилашини айтади⁹⁵. Бирок, бу каби қора рангнинг ёшлик белгиси эканлиги-ю бу унга мубораклик қабилидаги шарҳлар навоийшунос олим И.Ҳаққулни қаноатлантирмайди. Олимлар томонидан байт таҳлилида келтирилган асослар уни ишонтира олмайди. Шу сабаб у Навоийнинг қора рангни мубораклик сифатида қўллаши сирларини очишга бел боғлайди. Унинг наздида “тожи торак” иборасида конкретликдан кўра рамзийлик устун. И.Ҳаққул шу каби иборалар қўлланган бир қатор ўзбек адабиётининг етук вакиллари ижодидан мисолларни назардан ўтказди, бироқ уларнинг ҳеч бирида қора ранг билан боғлиқ, боши қоралик ёшлик маъносини ифодаламаган. Лутфийда мотам,

⁹⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 10-жилд. – Тошкент, 1992. – Б. 176.

⁹⁵ Ҳасанов С. Навоийнинг етти тўхфаси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 166.

Гадоийда мусибатли бош, Хоразмийда ҳам шу каби ғамкашлик маъноларини ифодалаган қора рангни нега Навоий муборак дегани борасидаги савол олимни туркий халқлар тарихига жиддий назар солишга ундайди. Қадимги турклар дунёқараши билан боғлиқ афсоналар, “Девони луғотит турк”, “Шажараи тарокима”, “Қўрқут Ота китоби”, халқ оғзаки ижодидан “Далли” достони кабиларда қора ранг билан боғлиқ жиҳатларни солиштиради ва бу рангнинг туркий халқлари ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда баланд бўлганлигини, Фирдавсий “Шоҳнома”сида эса бу ранг туронликларга бир ёқлама қараш оқибатида салбий маъно кашф этганини теран асосларда очиб беради. Шунингдек, туркий халқларнинг эътиқоди, фалсафа ва қарашларига зид келгувчи бу ҳолатга улуғ сўз санъаткорлари ўз муносабатларини билдирганлари, Низомий ва Навоийнинг қора рангнинг мубораклигига урғу беришлари шунинг ҳосиласи эканлигини олим дадил айта олган.

Бадий асарни таҳлил ва талқин этиш танқидчидан катта маҳорат ва пухта билимни талаб этади. Бадий матнга ёндашув жиҳатидан ҳам олимларнинг услублари фарқ қилади. Масалан, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, Н.Комилов, Р.Воҳидовларнинг матнни таҳлил қилиш, унга ёндашиш усуллари турлича. Булар орасида И.Ҳаққуловнинг ўз ўрни, ўз услуби, ўзига хос ёндошуви ажралиб туради. Танқидчи ҳар қанча билимли ва ўтқир бўлмасин, давр тақозоси билан баъзан мафкура чегарасидан ташқарига чиқа олмагани, ижодкорни асраб қолиш, уни оқлаш мақсадида таҳлилда айрим камчиликларга йўл қўйиши табиий. Баъзан шундай бўладики, бир ғазални бир неча олим турли жиҳатдан таҳлил ва талқин этади. Мумтоз адабиётшуносликда улуғ Навоий ғазаллари таҳлилида ҳам бундай ҳол тез-тез учраб туради. Шу нуқтаи назардан “Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур...” мисраси билан бошланувчи ғазалининг икки хил талқинига бир назар солмоқчимиз.

Етук адабиётшунос олим А.Ҳайитметов Алишер Навоий ғазалларининг мавзулар оламини таҳлил этар экан, Навоий ғазалларининг аксарияти бирор

вокеа ёки ҳодиса муносабати билан ёзилганлигини, бу йўл шеърятни ҳаёт билан яқинроқ боғлашини таъкилайди. Ва бу усул лиризмни реализмга яқинлаштиришига мисол тариқасида шоирнинг куйидаги ғазалини таҳлилга тортади:

*Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлиғ дарё киби ошуфта кўнглум қўзғолур.
Йиғлама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,
Ким, ёшинг дарёсидур, ҳар сориким эл кўз солур.
Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима,
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки, дарё чайқалур.
Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, боруб телмуриб, кўзмунграйиб жоним қолур.
Жам тутулгандин ўлар элдек етибмен ўлғали,
Сурмасин деб кемасин, баским, нафаслар асралур.
Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.
Ғарқ етар баҳри фано ҳам заврақин, эй тири дайр,
Илғига чунким Навоий бода каштийсин олур.*

Олим ушбу ғазал хусусида фикрларкан, ундаги воқеа тасвири, мажозий ишқ мавзусига эътиборини қаратади ва уни шу йўналишда таҳлил этади. Аввал ғазалнинг насрий баёни келтирилади. Бу ғазалда маъшуқанинг кемага ўтириб сафар қилиши, дарёда шамол кўтарилганда ошиқда юз берган ташвишли ҳолатнинг ифодаланганига ўқувчи диққатини қаратади. Ошиқнинг ташвишли ҳолатига сабаб эса ўз маъшуқасининг саломатлиги учун қайғуриш⁹⁶ дея изохланади. Навоий ижодини тасаввуф ғоялари, ислом таълимотидан ажратилган ҳолатида олиб қарайдиган бўлсак, бу ғазал таҳлили жуда чиройли ва табиий туюлади.

⁹⁶ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б. 132.

Матни чуқур ва теран таҳлил қилишнинг самарали усулларида бири-психоаналитик таҳлил. Бу таҳлил методининг ўзига хос жиҳати – руҳият илми билан боғлиқлигида. Бу методда бадий асар қаҳрамонлари руҳияти муаллиф руҳиятига қиёсан, ёки аксинча, муаллиф руҳияти қаҳрамонлар руҳияти воситасида ўрганилади. Юқоридаги ғазал Иброҳим Ҳаққул томонидан таҳлил қилинар экан психоаналитик таҳлилга таянади. Танқидчи дастлаб шеъриятда таассурот, тасаввур ҳақида, уларнинг шеъриятда бири-бирини қўллаши ва шу асосда шеър яратиш маҳорати ҳақида сўз юритади. Аини пайтда улуғ Навоий ижодининг яна бир қиррасини бизга очиб беради, ва юқоридаги ғазални шоирнинг тасаввури асосида яратилган ғазалларидан дея китобхонга тақдим этади.

Маъшуканинг сув йўли билан сафарга чиқиши, бу ҳодиса ошиқ кўнглида дарё тўлқинига монанд шиддатли кўзғалиш бош кўтаришини, кўзғалиш сабаби эса, айрилиқ дарди, ҳижрон алами эканлигини, бу ҳол ошиқни йиғлатгани ва унинг кўз ёшидан ёр кемаси соҳилга чиқа олмаганидан ўзга дарё юзага келиш ҳолатини ўқувчи кўз олдида моҳирона шарҳлаб беради.

Кейинги байтлар таҳлил қилинар экан, олим ошиқнинг ички аҳволини, ҳолатини имкон қадар очиб беришга ҳаракат қилади. Ошиқ юрагининг симобдай титраши, у ҳар қанча кучли бўлмасин руҳи ва кўнглига қарши чиқа олмаслигини, сабрли бўлса-да, ёрдан айрилиш ҳолатида сабрнинг ошиқни тинчлантира олмаслигини изчил тарзда ёритиб беради. Байтларни таҳлил этишда олим муаммоли таҳлил усулидан фойдаланиб, ўз-ўзига савол беради: “Жон соҳибасига топширилгач, тириклик нима бўлади? Ва уни тириклик дейиш мумкинми?” дея олим бир неча саволни ўртага ташлайди. Кейинги байтларни таҳлил этиш орқали саволларга тўлиқ жавоб беради.

Охириги байтлар талқинида олимнинг мулоҳазалари янада теранлашади. Ақл ва фикр соҳиби ҳаётдаги ҳар бир воқеа, ҳодиса ёки ҳолатдан тегишли

хулоса чиқаради⁹⁷,- дейди у. Ишқ-муҳаббат дарёсига ғарқ бўлиш нима экани, бу - ошиқлар учун шарафлигини тушунтириб беради. Ҳаётда ишқ дарёсидан ҳам бошқа “дарё”лар борлиги, масалан, савдо-сотик дарёси борлигини айтади. Айнан шу байтларнинг шарҳи орқали биз Навоий қаҳрамонининг ва шоирнинг муддаосини тушунгандай бўламиз, бу ғазал шунчаки ёрнинг сафарга чиқишидан ошиқнинг изтироб чекиши эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким,

Сийми нақди тушса, лекин умр нақди сийғолур.

Ғазал қаҳрамонича, байтда ўтар дунё манфаати ва фойдасини кўзлаб зинҳор-базинҳор “савдо баҳри”га кирмаслик керак. Чунки кумуш тангаларни йиғиш умр бойлигини асраб қолишга кафолат беролмайди⁹⁸, - дея танқидчи Навоийнинг китобхонга айтмоқчи бўлган ҳаётий пандини бугунги кун ўқувчисига маҳорат билан етказиб беради.

Адабиётшунос ғазалдаги ҳар бир иборага тўлиқ изоҳ беради, уларнинг маъносини ҳар хил шарҳлаш мумкинлигига эътиборини қаратади.

“Баҳри фано” – фано дарёси, “ғам завраки” – ғам кемаси, “пири дайр” – бутхона пири, “бода киштиси” – қайиқ шаклидаги қадах – бу иборалар замиридаги маънони ҳар ким ўзича англаб, ҳар хил шарҳлаши мумкинлигини ҳам билдиради. “Лекин фано ҳақиқати тўғри тушунилмаса, байтдан умумий бир маъно чиқариб бўлмайди. Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, фано нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Нафсни поклаш – рухий-маънавий ҳаётдаги мислсиз ғалаба. Мана шу ғалабага эришилгач, дард, алам, ҳасрат аталмиш ҳиссиётлар ўз қийматини бой беради. “Фано дарёси ғам кемасини ғарқ этар” дейилиши худди шу ўзгаришга ишорат бўлса, қайиқмонанд қадахни қўлга олиш эса покланиш ҳолидан шодланишни ифодалайди”.⁹⁹

⁹⁷ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 3. – Тошкент: Tafakkur, 2016. – Б. 140.

⁹⁸ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 3. – Тошкент: Tafakkur, 2016. – Б. 140.

⁹⁹ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш-3. – Тошкент: Tafakkur, 2016. – Б. 141.

Мана бу шарҳлардан сўнг ғазалнинг маъно-моҳияти яққол намоён бўлади. Энди ўқувчи фано тушунчасини англай бошлайди. Алишер Навоий нега форсий тилдаги ғазалларида Фоний тахаллусини қўллаганини ҳам тушунгандек бўламиз. Муҳими, “Кема...” ғазалидан чиқадиган асосий маъно “маъшуқанинг кемага ўтириб сафарга чиқиши ва дарёнинг шамол натижасида чайқалиши туфайли ошиқда юз берган ташвишли ҳолат, унинг ўз маъшуқаси жонининг саломатлиги учун қайғуриши” эмас, аксинча, нафс ва вужуд кемасидаги ғамни йўқ қилиш ва бундан инсон умри моҳиятини топиб, шодланиш эканлиги аён бўлади.

Иброҳим Ҳаққул ёзади: “...адабий асар ҳар бир ўқувчига айри-айри таъсир ўтказиши табиий. Айни бир матннинг ўзга бир муҳитда, ўзгача бир усулларда амалга оширилган талқинлари, айтайлик, бизникидан фарқланмайди деёлмаймиз. Аммо бир ҳақиқат аниқ: шеърда туйғу ва маъно фақат тил, шакл ва услуб орқали таъсирли бир мақомга келтирилади.

Шу боисдан таҳлилда биринчи галда тил руҳи ва сўз ҳаётига диққат-эътибор доимо ўзини оқлайди”¹⁰⁰.

Тил руҳи ва сўз ҳаёти. Мана шу нарсанинг тағига етмаслик ҳам талқинда янглишишга олиб келиши мумкинлигини яна бир мисолда кўрамиз. Алишер Навоийнинг “Наводирӯш-шабоб” девони 591-ғазали

*Ул қуёш оқ уйдаю мен музтарибман ҳар сари,
Ўйлаким, фонусдин парвона қолгай таиқари –*

деб бошланади. И. Ҳаққул ушбу байтдаги “оқ уй”нинг тағига етиш учун кўп изланган. Алишер Навоий ижодидан яна “оқ уй” зикр этилган икки-учта мисол топган. Бу сўз фақат туркийларга хослигини “Муҳокаматул-луғатайн”дан аниқлаб, иқтибос келтиради: “Бир мутааййин нимаким оқ уйдур, анга хиргоҳ от қўйуптурлар. Аммо ани ажзосини кўпини турк тили билан айтурлар. Андоқки, тунглюк ва узук ва тўвурлуғ ва басруғ ва чиғ ва

¹⁰⁰ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 18.

қанот ва кўзанак ва уғ ва боғиш ва бўсаға ва эркина...”¹⁰¹ Навоий санаган “оқ уй”нинг бу деталлари туркийча аталиши боис уни кигиздан тикланган уй, деган хулосага келинади. Мунаққид ғазалнинг кейинги байтларида келган юқоридаги туркий сўзларни бирма-бир таҳлил қилади. Масалан: “Оқ уйнинг туйнуғи ҳам тўвурлуғ (кигиз парда) билан ёпилган, фақат сабо фаррошигина уни очиши мумкин:

Ичкари ул гул тўвурлуғни кўтармаслар, нетай,

Эй сабо фарроши, бир лутф айлабон ул ён дари.”¹⁰²

Хуллас, И. Ҳаққулнинг талқинича, “Шоир хотирасида оқ уй – ишқ-муҳаббат уйи, малаксиймо маъшуқа яшайдиган бир бекиёс даргоҳ мақомига кўтарилгани шубҳасиз”. Демак, Навоий тасвирлаган маъшуқа турк кизи бўлган, туркийларнинг “оқ уйи” ўтов, чодир, хиргоҳ аталмиш уйлардан биттаси, дея хулоса қилади олим. Талқинда биргина сўзнинг илдизигача етиб бориш, албатта, катта маҳоратни талаб қилади. Албатта, ана шундай заҳматли изланиш орқали ўқувчига асарнинг моҳиятини тўлақонли етказиш мумкин.

Ушбу ғазалнинг А. Ҳайитметов китобидаги талқинида эса куйидагиларни ўқиймиз:

“Навоий даврида ҳақиқий ҳаёт лаззатлари кимники эди? Шубҳасиз, ҳукмрон синф вакиллариники эди. Ҳаёт уларники бўлгач, ёр ҳам уларнинг ихтиёрида... шоҳона уйларида ва ёнида эди... Шоир маъшуқанинг бойлар, феодаллар яшаши мумкин бўлган оқ уйда туришини, ошиқнинг унга киролмай, фонус чироқ атрофида унинг ичига кира олмаётган парвонадек изтироб чекишини ёзади: (ғазал матлаъси келтирилади). Кўп вақт улар нима қилсалар, маъшуқа ҳам уларга беихтиёр қўшилиб кетар, айбсиз айбдор бўлиб қолар эди. Шунинг учун ҳам уни қаттиқ севган шоир гоҳо унга қаттиқ таъналар қилар, лекин ундан юз ўгиролмай инсоф ва адолатга чақирар эди:

Эй Навоий, гар вафоси қолмаиши онинг санга,

¹⁰¹ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 72.

¹⁰² Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 2. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 72-73.

Ғам емаким, анга ҳам ҳусни вафоси қолмамиш”¹⁰³.

Кўриниб турибдики, адабиётшунос ўзининг синфийлик тушунчасига асосланган фикрини тасдиқлаш учун Навоийнинг бошқа бир ғазалидан сўнгги байтни келтириб, шу жойга ёпиштиради. Шундай қилиб, улуғ шоирнинг гўзал қарашлари (таҳлилда) ғойиб бўлади ва севикли ёр енгилтак кизга айлантирилади.

Навоийшунос А. Ҳайитметов ўзи яшаган давр руҳидан келиб чиққан ҳолда, Навоийни реалист шоир сифатида халққа яқинлаштиришга ҳаракат қилган. Унинг ғазалдаги мажозий ишқ тасвирига эътибор қаратгани ҳам шундан. У ўз даврининг олими сифатида ҳар қанча истаса-да, Навоий ижодини тасаввуфий нуқтаи назардан таҳлил ва талқин эта олмас эди.

Бугун эса истиқлол туфайли адабиётшунослик янги талқин ва таҳлил йўлидан бормоқда. Бу илгари замондагидек, асар муаллифини йўқдан бор ёки бордан йўқ қилишга эмас, балки унинг ҳақиқий мақсади ва ғоясини асаридаги ҳар бир сўзи, ифода услуби, бадий маҳорати орқали ҳолисона очиб беришга қаратилган ва пировардида ўқувчилар оммаси учун юксак эстетик олами кашф этиб берадиган эзгу ҳаракат ва ёруғ йўлдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таҳлилларимиз бадий матннинг илмий таҳлил этилгандан кейинги бутунлиги, илк идрок этилгандаги яхлитлик эмас, балки исботга асосланган ҳамда илмий ҳақиқат мақомига эга бўлган бутунлик эканлигини намоён этади.

Синчков олим матнни таҳлил этиш жараёнида, бир томондан, шу асар учун муҳим бўлган сифат ва хусусиятларни ажратиб кўрсатса, иккинчи томондан эса, номухим жиҳатлардан воз кечиб, ўзига хос илмий хулосаларга келади. Бу ҳол айна бадий матнга бутунлик, ўзига хос яхлитлик бахш этган илмий-эстетик тизим мавжудлигининг етакчи тамойиллари ҳақида тасаввур уйғотади.

¹⁰³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: O'qituvchi, 2015. – Б. 192.

Иброҳим Ҳаққул Навоий асарларини талқин ва таҳлил этишда қуйидаги мезонларга амал қилади:

- энг аввало, Навоийнинг ижод “қасри”га киришдан олдин муқаддас бир ибодатхона, ёхуд санъат кошонасига киришдек тайёргарлик кўриш. Бу тайёргарлик маънонинг бешиги ҳам, эшиги ҳам бўлган илм-маърифатдир. Навоий ижод оламига интилишнинг бош йўли ирфон эканлигини теран англаган олимнинг ҳар бир мақоласи ва талқинларида ҳар бир айтилган фикр илмий ва ирфоний асосларга эга эканлигини кўринади.

- таҳлилда тил руҳи ва сўз ҳаётига диққат эътибор қаратиш. Бу таҳлилчига матндаги рамз, мажоз, тимсоллар оламини янгитдан кашф этиш имконини беради. Олим чинакам матн таҳлилинини амалга ошириш, яъни “матнда мавжуд ҳамма нарсани, ҳаттоки, ҳарф товушлари, оҳанг, ранг товланишларини ҳам маънолаштириш, муаллифнинг шахсий ҳолат, кайфият, руҳоний сезимлари билан алоқадорликда ёритиш”¹⁰⁴ орқалигина шеърни тўғри шарҳлаш мумкин деб ҳисоблайди.

- Алишер Навоий ижодини, умуман олганда Шарқ мумтоз адабиётини Қуръони Карим ва Пайғамбаримизнинг ҳадисларига асосланганлиги масаласи, яъни бу икки манбани четлаб ўтиб, Навоийни ўрганиш мумкин эмаслиги. Акс ҳолда, уларнинг асл қиёфаси хиралашиб, саёзлашиб кетиши. И.Ҳаққул ҳар бир таҳлилида бу масалага алоҳида урғу беради, навоийшунослигимизда айнан шу масаланинг тўғри англалмаганлиги сабаб йўл қўйилган хатоларни тузатишга интилади.

- Навоий шеъриятидаги мувозанат ва ички мутаносибликни, маъно-моҳиятдаги тадрижийликни англаш ва уни бузмаслик, акс ҳолда таҳлилда “Навоийни Навоийдан йироқлаштириш” ҳолати юзага келиши.

- Навоий ижодини талқин этиш мақсад қилинар экан, у мансуб тариқи олия, яъни нақшбандийлик таълимотидан хабардор бўлиш лозимлиги. Зеро,

¹⁰⁴ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш.-2. – Тошкент:Фан, 2011. – Б. 14.

“Навоийни улуғ Нақшбанд шахсияти ва нақшбандлик маърифатидан ажратиш мумкин эмас¹⁰⁵.

Олимнинг мақолалари илмий мушоҳадаларга бойлиги, теранлиги, фалсафий тафаккурнинг кенглиги, шу баробарида қизиқарлилиги сабаб китобхонлар томонидан севиб ўқилади. Адабиётшунос Навоий шахсини халққа яқинлаштириш йўлидан бормоқда. Халқимиз бугунги кунда ўз олдига қўйган улкан мақсадларда эришувида Навоий элимизга қўлдош ва йўлдош бўла олади, деган улуғ халқпарварлик ғояси олимнинг ҳар бир мақолаларидан англашилиб туради. И.Ҳаққулнинг янгича таҳлил ва талқинлари шоир ижоди, шеърятини теран англаш ва мушоҳада этишда ўқувчиларга катта ёрдам бериши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда,

1. Иброҳим Ҳаққулнинг Навоий ижодини тадқиқ этишдаги ўзига хос услуби филологик ва дидактик мақсадларни кўзда тутган ҳолда намоён бўлади. Китобхонлар аудиториясини ҳисобга олган ҳолда таҳлил йўналишларини белгилаш олим услубидаги етакчи хусусиятлардан биридир. Ҳазаллар таҳлилида олим мушоҳадаларининг имлий асосланиши, муаллиф дунёкарашига яқинлашишга интилиш, сўзнинг ички имкониятларини чуқур ўрганиб илмий хулоса чиқариш кўзга ташланади.

2. Узоқ йиллар давомида Навоий асарлари тадқиқи билан шуғулланиб келаётган И.Ҳаққулнинг бугунги кундаги ўзига хос илмий-адабий тафаккури ва услубининг шаклланиши тасодифан амалга ошмаган. Олим асарлари XX асрнинг сўнги йилларида даврнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, содда тилда, ёш китобхонларга мўлжаллаб ёзилди. Олим диққати Навоий улуғлаган умуминсоний ғояларни кенг китобхонларга таништиришга йўналтирилди. Содда тилда бошланган таҳлиллар йил сайин теранлашиб, чуқурлашиб борди. Дидактик таҳлиллардан соф филологик талқинларга ўтилди. Даврнинг талаби билан энди шоир ижодидаги тимсолларни, тасаввуфий истилоҳларни

¹⁰⁵ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш-2. – Тошкент:Фан, 2011. – Б. 83.

янада чуқурроқ таҳлил этиш, шарҳлаш зарурати туфайли И.Ҳаққул тадқиқотлари шу йўналишда олиб борилди. Бугунги кунда олимнинг Навоий ижоди тадқиқига бағишланган ишларининг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳам унинг тимсоллар моҳиятини англаши, уларни теран шарҳлаши ва Навоий кўзлаган асл мақсадларни ўқувчига етказиши билан белгиланади.

FOR AUTHOR USE ONLY

III БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАЛҚИНЛАРИ: МАҲОРАТ ВА УСЛУБ

Услубда жанр ва шаклларнинг ўрни.

Жанрий ранг-баранглик учун кураш, жанрларнинг имкониятларини очиш ва уларни сифат жиҳатидан янгилаш адабиётшуносликнинг, унинг таркибий қисми бўлган танқидчиликнинг ривожига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Шакл мазмунга нисбатан мустақил характерга эга. Шунинг учун бир шакл турлича мазмунни ифода этишга хизмат қилиши мумкин. Адабиётда бўлгани каби адабиётшуносликда ҳам мазмун тез ўзгариб турувчи унсур бўлса, адабиётшунослик жанрлари (мақола, тақриз, монография, эссе ва ҳ.к.) кам ўзгарувчан ҳодисадир. Ҳар бир ижодкор ўз режасига кўра истаган жанрни қўллаши мумкин. Ижодкор ҳатто янги матнни таҳлил қилишда турли жанрларга мурожаат қилиши табиий. Олимга ёзувчи каби ижодий изланиш ва ўз илмий ниятини турли жанрларда хилма-хил усуллардан фойдаланиш имкони берилган. Шулардан келиб чиқиб, академик Б.Назаров бадий ижоддаги сингари танқидчиликда ҳам муайян ижод типлари- тадқиқотчилик типлари майдонга қилишини таъкидлайди.

Шу жиҳатдан қараганда, И.Ҳаққул ижоди, адабий-танқидий мероси нафақат мавзулар доирасининг кўламдорлиги, балки жанрий таркибининг ранг-баранглиги билан ҳам ўзига хос. Унинг ижодида адабий танқиднинг турли жанрларидаги тадқиқотлар учрайди. Айниқса, олим ижодида обзор мақола, баҳс-мақола, тадқиқот-мақола, адабий портрет, эссе, адабий суҳбат каби жанрлар етакчи ўринни эгаллайди.

Баҳс жанрида мунаққид услуби. Бир муаллиф услуби турли жанрларда ўздан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Ёзувчи услуби ҳикояда бошқача, сонетда ёки романда бошқача намоён бўлиши мумкинлигидек, адабиётшуносликда ҳам муаллифнинг индивидуал услуби (идиостиль ёки

идиолект) мақолада ва баҳсда ёки эсседа сезиларли фарқ қилади. Шу жиҳатни олимнинг баҳсларида яққол кўриш мумкин.

Баҳс танқидчининг илмий-назарий савияси, дунёқараш ва концепцияси муҳим аҳамият касб этадиган адабий танқид жанрларидан биридир. Рус адабиётшуноси И.Попов танқид жанрларини тасниф қилганда, мунозарали (полемик) танқидни ҳам алоҳида ажратган, қозоқ олими Т.Какишев эса жанр сифатида баҳс характеридаги мақолани ҳам алоҳида таъкидлаган¹⁰⁶. Ўзбек адабий танқидида бундай мақола, унинг жанрий хусусиятлари кам ўрганилган бўлиб, баъзи олимлар ишларида унинг фақат номи учрайди. Масалан, Р. Тожибоев, ўз ишларида ўзбек адабиётшунослигида XX аср бошлари адабий танқидида ўша давр материалларидан келиб чиқиб, баҳс-мунозара жанрларини кўрсатса, Б.Ўлдошев 60-70 йилларда танқиднинг бошқа жанрлари қаторида ушбу жанрни ҳам ривожлантириш борасида изланишлар олиб боририлганини айтиб ўтади¹⁰⁷. Адабиётшунос Ш.Ахмедова докторлик диссертациясида баҳс мақола хусусида тўхталиб, уни адабий-танқидий муаммоли мақоланинг бир тури сифатида ажратиб кўрсатиб, уларнинг кўпайиши илмий муаммоли мақолалар сифатининг ортишига сабаб бўлишини таъкидлаган¹⁰⁸. Кўринадики, бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, жанрий белгилари, табиатини ўрганиш илм олдидаги муҳим вазифалардандир. Чунки баҳс-мунозара узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ўзбек адабиётидаги дастлабки намуналари Алишер Навоий, Бобур асарларида учрайди. XX асрга келиб эса, баҳс-мунозара фаол жанрлардан бирига айланган, бугунги кунда унга мурожаат бироз камайган бўлса-да, айрим мунаққидлар ижодида унинг сара намуналарини кўриш мумкин.

Ўзбек адабий танқидчилигида баҳс бошқа жанрларга нисбатан камроқ ёзилишининг сабаби бу жанрда ижод қилиш мунаққиддан нафақат билим, балки катта жасорат, ҳолисликни талаб этишидир. Чўлпон, А.Қодирий, Ғоzi

¹⁰⁶ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 16.

¹⁰⁷ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 17.

¹⁰⁸ Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – Б. 360.

Олим Юнусов, Ойбек, О.Шарафиддиновлар баҳс жанрида самарали ижод қилганлар. Иброҳим Ҳаққул ижодида ҳам бу жанрнинг эътиборга лойиқ намуналарини кўриш мумкин. Унинг “Англаш ва ҳис этиш санъати”, “Илм – англаш ва савия кўзгуси” каби асарлари баҳс жанрида ёзилган.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, И.Ҳаққулов, ижоди, услубининг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан яна бири ноҳақликларга мурасасизлиги, доимий ҳаққонийлик ва объективлик асосида ҳеч қандай шубҳа ва баҳсларга ўрин қолдирмаслик даражасидаги илмийлик асосидаги ишонтириш санъатидир. Бу масалани баён этишда, энг аввало, чуқур илмийликка асосланиб, ўз дунёкарашларининг, қолаверса бадиият илми мезонларининг ноёб қирраларини намойиш этади, шунинг учун ҳам танқидчи бадиий асар талқинида бир ёқлама, субъектив фикрларга йўл қўймаслик йўлидан боради.

“Англаш ва ҳис этиш санъати” педагогика фанлари доктори Сафо Очилнинг “Шеър масъулияти ва фикр раёвлиги” мақоласига жавоб тарзида ёзилган бўлиб, унда Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Қадам Саидмуродов шеърларининг нотўғри таҳлил ва талқин этилганлигига жиддий муносабат акс этган. Дастлаб шеърни англаш, уни тўғри тушуниб, тўғри таҳлил этиш, танқидчининг вазифаси ва масъулияти хусусида сўз борар экан, В.Белинский, Д.Лихачев, Ч.Айтматов фикрлари келтирилиб, танқидчининг ҳалол ва ҳақиқатпарвар бўлиши лозимлиги таъкидланади. Унда киноядан ҳам фойдаланган ҳолда шеър моҳиятини тўғри тушуна олмайдиган мунаққидлар шаънига аччиқ сўзлар айтилган. Сафо Очил ҳам таҳлил этган шеърлар мазмунини нотўғри тушунгани, “ғўзалликдан кўз юмиб, нуқсон излаш асосий ўринга чиққани”, носамимийлиги И.Ҳаққуловга маъқул бўлмайди: “Менга шундай туюлдики, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Азим Суюннинг ижодий муваффақиятларини эътироф қилганда ҳам, у самимий эмас (С.Очил дейилмоқчи – Н.Қ.). Мактов гўё восита, мақсад – бир неча навқирон шоирларни ғоявий ғўрликда айблаб, энг шимариб, уларнинг

шеърларидан сиёсий хато топишга уриниш. Бу ният кетма-кет қаторлаштирилган сўроқ ва ундовлардан ҳам шундоқкина сезилиб турибди”¹⁰⁹, -деб ёзади мунаққид. Шундан сўнг олим юқорида номлари келтирилган шоирлар ҳимоясига ўтади ва уларнинг шеърларини қайта чуқур ва теран таҳлил этиб, ўқувчига асарларнинг юксак бадиияти ва асл моҳиятини очиб беради. Таҳлил этишда мунаққид асосий эътиборни шеърнинг тўла матни ва мазмунидан келиб чиқишга қаратади ва “Севгилим, орқага қайтоламизми?” мисрасини лирик қаҳрамон ҳолати, дунёқарашидан келиб чиқиб, ҳаётий мисоллар орқали таҳлил этадики, ўқувчида шеърни яна ўқиш истаги пайдо бўлади. Танқидчи Ш.Раҳмоннинг “Шеърларингда бахт сўзи кам учрар деган дўстимга” шеърига юқори баҳо берган Б.Акрамов, О.Шарафиддинов таҳлилларига муносабат билдириб, “Жароҳатларидан ҳануз қон оқаётган бу ғалаёнли дунёда замин ва инсоният қисмати ва келажagini ўйлаган виждони уйғоқ қайси одам ўзини бахтли ҳис қилади?” дея, савол қўяди. Бу риторик савол мақолани ўқиётган китобхонни ҳам хушёр торттиради, шу билан билан бирга ўқувчини ҳаёт ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайди.

Танқидчи таҳлилларнинг нотўғри эканлигини изоҳлаб, “ғоявий теранлик ва маҳорат тарафдори” бўлган Сафо Очил шеърларидан бир нечтасини таҳлил қилиб, шеърларнинг саёзлиги, ўқувчига маънавий завқ бера олмаслигини очиб беради. Шеър ва ғазал ёзиш санъатидан йироқ кишининг бу санъатга саёзлик билан баҳо бериши ҳам мунаққид эътирозига сабаб бўлган: “Ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеалар”дан илҳомланишни маслаҳат бериб, амалда сўзбозликка берилишни нима деб баҳолаш керак? Албатта, ўзига хос кўзбўямачилик, деб. Хуллас, мақола муаллифи ғоявийлик ва фикр равонлигини ўзи ёзган асарлар савиясида англайди, шунга қараб тарозига “тош” қўяди”¹¹⁰.

¹⁰⁹ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 158.

¹¹⁰ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 158.

Баҳс-мақолада, шунингдек, Сафо Очил томонидан яхши ва ярокли деб эътироф этилган бир қатор шоир ва шоиралар шеърлари ҳам таҳлил этилган бўлиб, танқидчи уларга ҳам ўз муносабатини билдириб, уларнинг камчиликларини рўй-рост кўрсатиб бера олган.

Мақолада И.Ҳаққул услубига доир айрим хусусиятлар ярқ этиб кўзга ташланади:

Биринчидан, мақолада сатирик рухнинг устунлиги ўзига хос пафосни яратган, халқ оғзаки ижодидан келтирилган фаросат билан боғлиқ латифа киноявий руҳни янада кучайтирган; танқидчи ўқувчи диққатини қаратмоқчи бўлган айрим масалаларни киноя воситасида беради: “Шеърнинг “нозик паранжи” ичидаги чиройи “ҳашар” йўли биланмас, фаҳм ва фаросат йўли билан очилади.....Айрим танқидий мақола ва мулоҳазаларни ўқиб, халқимизнинг: “Мен нима дейману, кўбизим нима дейди”, деган қочирим сўзлари ёдга келади.”¹¹¹

Иккинчидан, мулоҳазаларини китобхон билан ўртоқлашиб, уларга суҳбатдош сингари мурожаат этади: “Тасаввур килинг, аллақачон умрини яшаб бўлган, кейинчалик ҳатто кўп қораланган нотўғри, примитив тушунча ва талабларни қайта оёқлантиришга уриниш ачинарли эмасми?” каби китобхонни жалб этувчи риторик сўроқлари В. Белинский услубини ёдга солади.

Учинчидан, далиллаш санъатидан моҳирона фойдаланиш: а) фикр юритилаётган масалага бошқа адабиётшуносларнинг ҳам мавзуга доир фикрларидан мисол келтиради, ушбу мақолада В.Г.Белинский, Хуршид Даврон, Д.Лихачев, А.С Пушкин, О.Шарафиддиновларнинг ижодидан парчалар келтирилганки, бу олимнинг масалага теран нуқтаи назардан қараши ва билим доирасининг кенглидан далолат беради; б) таҳлил этилаётган парчаларга ҳамоҳанг мисолларни кўпчилик китобхонга таниш бўлган улуғ санъаткорлар ижодидан ҳам топиш ва қиёслаш: “Алишер Навоий

¹¹¹ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 154.

сўзнинг ҳаётбахш қудратини улуғлаб, “Сўздин ўликнинг танида руҳи пок, Руҳ дағи тан аро сўздин ҳалок” деган эди. “Сўз қудрати” шеърисида шунга яқин моҳият, аниқроғи, улкан инсоний меҳрни бағрига олган сўзнинг нималарга қодирлигига эътибор қаратилган”¹¹², с) изчил мантиқ асосида фалсафий таҳлил этиш орқали ўқувчини ишонтириш хусусияти.

Тўртинчидан, диққатни тортишнинг турли усулларини қўллаш. Латифа ва ривоят келтириш, ўзига хос нутқ услуби, ундовлардан, риторик сўрок гаплардан фойдаланиш: “Ё ажаб! Бу нима; “соддалик”ми ёки тирноқ остидан кир излашми?”¹¹³ каби.

Мунаққиднинг ушбу баҳси теран таҳлиллар, асосли далиллар, адабиётга қуюнчақлик билан ёзилган бўлиб, адабий танқидда ўз ўрнига эга. Бироқ мақолада айрим ўринларда мунаққиднинг XX асрнинг 20-30-йиллари танқидчилигидагидек қизиққонлик билан Сафо Очилга кескин муносабати кўзга ташланади. Бу ҳам Иброҳим Ҳаққулнинг адолатсизликка қарши исёнкорлиги билан боғлиқдирки, у адабиётни юксак санъат ҳисоблаб, саёзлик ва илмсизликка нисбатан аёвсиз қурашади. Бу жиҳати билан баҳс мақола Абдулла Қодирийнинг мақолаларига ўхшаб кетади.

Сафо Очилнинг “Шеър масъулияти ва фикр равонлиги” мақоласига жавоб тарзида Озод Шарафиддиновнинг “Бир тилда гаплашайлик” баҳси ҳам эълон қилинган¹¹⁴. Унда танқидчининг ҳолислиги яққол кўзга ташланади, мунаққиднинг айрим мулоҳазалари ўринли эканлиги айтилиб, ундан сўнг эътирозли, хато таҳлиллар очиб берилади. О.Шарафиддинов мунаққиднинг шеърларни саёз, нотўғри таҳлил этганини таъкидлаб, унинг фикрларини бутунлай рад этса-да, танқидчини фаросатсизлик ва бефаҳмликда айблашдан тийилади. Зеро, баҳс-мунозарада муаллифнинг вазминлиги, этикаси жуда муҳим. Шу сабаб Сафо Очилнинг нотўғри талқинларидан ажабланганлигини айтади ва “Очиғини айтганда, мен Сафо Очилнинг шу шеърни

¹¹² Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 163.

¹¹³ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 171.

¹¹⁴ Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 416 б.

тушунмаганига унча ишонмайман – ҳар ҳолда у анчадан бери адабий давраларда айланиб юради. Ундок бўлса нима дейиш керак? Сафо Очил шеърларни тушуниб туриб, унинг мазмунини атайин бузиб таҳлил қилдими? Мен бундай ҳам деёлмайман.....бу ўринда аён кўриниб турибдики, шоир билан мунаққид бошқа-бошқа тилда гаплашмоқда”¹¹⁵. Бу фикрлар мунаққиднинг шеърлари бузиб таҳлил этилган шоирларга ҳам, хато таҳлил этган танқидчига ҳам ҳолис муносабатини кўрсатади.

И.Ҳаққул мақоласида унинг Усмон Азим ва Шавкат Раҳмон шеърлятига кучли симпатияси шеърларнинг таҳлилида акс этса, адабиётни бузиб таҳлил этган танқидчига муносабати мақоладаги сатирик руҳда, Сафо Очил шеърларининг аёвсиз танқидида, у томонидан мақталган шеърларнинг ҳам далиллар ва таҳлиллар асосида саёзлиги ва бошқа шоирлар ижодидаги қилинган тақлидининг тўлалигича очиб берилгандигида кўринади.

И.Ҳаққулнинг “Илм англаш ва савия кўзгуси” баҳси адабиётшунос олим – Н.Жумаҳўжанинг “Илм аниқликка таянади” мақоласига жавоб тарзида ёзилган. Ушбу мақола бир қатор хусусиятлари билан диққатга сазовор, жумладан баҳсга кириш тартиб-қоидаларининг баён этилганлиги; Н.Жумаҳўжа саволларига асосли ва аниқ жавоблар берилиши; ноўрин эътирозлар далиллар билан шарҳланиши; жуда кўплаб илмий-назарий маълумотлар келтирилиши. Шунингдек, мақолада И.Ҳаққул ўзининг баҳсга киришиш сабаби, вазифаларини белгилаб олган, “Илм-фанда, энг асосийси, фойдалиси, албатта, ҳақиқат. Ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши учун мурса ва юз хотирчиликка берилмасдан тўғриси айтиб, ростини кўрсатиш ўзини ҳамиша оқлаган”¹¹⁶, - деб ёзади у. Мунаққид баҳсга киришар экан, ҳамиша шу шиорга амал қилади. Кескин ва аччиқ бўлса-да, фақат ҳақиқатни кўрсатишга интилади.

Хулоса қилиб айтганда Иброҳим Ҳаққулнинг баҳсларида адолат учун курашиш асосий тамойилга айланган, таҳлиллар илмийлик ва теран

¹¹⁵ Шарафидинов О. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 34.

¹¹⁶ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абдиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 32.

мушоҳадага асосланган. Мунаққид тилининг ўзига хослиги, қочиримлардан мохирона фойдаланиш, кучли эҳтирос, фикрларнинг ёрқинлиги мақоланинг ўқимишли бўлиши ва китобхонга тўла етиб боришини таъминлаган. Бу каби мақолаларнинг кўпайиши адабиётнинг ривожига, юқори савияли асарлар яратилишида ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Илмий-назарий обзор мақола. Обзор мақолада маълум бир даврдаги асарлар ёки бир йўналишга мансуб ижодкорлар асарлари умумлаштирилган ҳолда тадқиқ этилади. Бу жанрда объект бўлган шоир, ёзувчи ижоди (шеър, роман, ҳикоя ва.х.к.) даврнинг етакчи тамойиллари асосида ўрганилиб, чуқур илмий таҳлиллар асосида умумлашма хулосалар келтириб чиқарилиши муҳим ўрин тутди. И.Ҳаққулов обзор мақолаларининг аксарияти замонавий ўзбек шеърини тадқиқига бағишланган бўлиб, уларда чуқур таҳлил, мантиқий изчиллик, ҳақиқатни очиқ-ойдин кўрсатиш, умумлаштириш каби фазилатлар кўзга ташланади.

Мунаққиднинг “Сўз ҳаёт бахш этсин”¹¹⁷ мақоласи илмий-назарий обзор мақола ҳисобланиб, унда XX аср ўзбек шеърини назар ташланиб давр ижодкорларининг услуби, маҳорати таҳлил этилган. Ҳамид Олимжон, Зулфия шеърларида “тил руҳининг” ҳассослик билан идрок этилиши олим диққатини ўзига тортган бўлса, Шукрулло ижодидаги “эҳтирослантириш” мунаққид эътирофига сазовор бўлади. Э.Воҳидов, А.Орипов шеърларида ҳам сўзларнинг тўғри танланиши ва бир қатор ёш шоирлар У.Азим, Х.Даврон, Ш.Раҳмон, Т.Жўра, Йўлдош Эшбекларнинг ижодида сўзларнинг тўғри ва ўринли қўлланилишидан мамнун бўлган мунаққид адабиётимизда сўзга муносабатнинг барча шоирлар ижодида бир хил эмаслиги, сўз танлашда юзакилик, уларни нотўғри танлаш каби ҳақиқат ҳам айрим шоирлар ижодида мавжудлигини теран таҳлиллар асосида ёритиб беради. Масалан, Рамз Бобожоннинг рубойлари таҳлил этилиб, рубойдаги сўзлар нима сабабдан бир-бирига мос келмаслиги асосли таҳлиллар билан исботлаб берилган.

¹¹⁷ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 178.

Бундан ташқари, Ҳусниддин Шарипов, Н.Нарзуллаев, Сайёр каби шоирларнинг сўз қўллашдаги эътиборсизликлари, сўзларнинг рангсиз, маъноси суст эканлигидан мунаққид сўз қадрига ачинади. Масалан, “Сайёр шеърларидаги “Сен пиёз артганда, Мен кўз ёш бўлдим”, “Тоғда ер қазиди, обод қилди тоғни тупроқдан”, “Тиклаб қўйди жимжима шийпон, Шипда жимир-жимир қилар сув”...сингари қатор-қатор сатрларда сўзлар маъно-мазмунидан маҳрум этилган. Ахир, “обод қилди тоғни тупроқдан” дейиш мумкинми?”¹¹⁸ деган ўринли савол қўйилади.

Мунаққид услубига хос жиҳатлардан бири китобхонга савол билан мурожаат этиш, сўнг унга жавоб бериш, бироқ бу ўринда мунаққид саволга атайин жавоб бермайди. Чунки ҳеч қандай изоҳсиз ҳам тоғнинг тупроқдан обод қилиб бўлмаслиги барчага аён. Мунаққиднинг эътирозига сабаб бўлган ҳолат ҳам, аслида, оддий сўзларни тўғри қўлламаслик, уларнинг маъносига эътибор бермай, сўзбозлик қилиш, сўзларнинг ўз маъносидан маҳрум этилиши.

Мақолада И.Ҳаққуловнинг сўз маъносини чуқур мушоҳада этадиган нуктадон олимлиги, ўзбек шеърятининг келажаги учун қайғураётганлиги яққол акс этган. У “Ҳақиқий шеър – ўқувчининг юрагида яшайдиган сўз”¹¹⁹ деб таъкидлайди ва китобхон қалбига кириб бормайдиган, сўз қадрини билмайдиган шоирлар ижодини аёвсиз танқид қилади. Дадиллик ва жасорат билан шеърдаги маъно номутаносибликларини очиб ташлайди.

1983 йилда ёзилган мақоладаги замон шеъряти ҳақидаги фикрлар нечоғлик ўринли эканлиги бугун ўз тасдиғини топмоқда. Олим эътироф этган шоирлар ижодини бугун ҳам халқимиз севиб ўқимокда, мунаққид эътирозига сабаб бўлган шоирлар номини эса бугун ҳеч ким деярли танимайди, тилга олмайди. Кўринадики, обзор мақолада кўрсатилган илмий-назарий муаммолар ўз ечимини топа олган.

¹¹⁸ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 186.

¹¹⁹ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 187.

Олим обзор мақолаларида ўзбек шеърляти таракқиятига теран назар солади. Унинг “Рух, эрк ва ошкоралик” деб номланган обзор мақоласи фикримизнинг далилидир. Унда 80-йиллар ўзбек шеърлятининг умумий манзараси, ютуқ ва камчиликляри очиб берилади, мунаққиднинг талабчанлиги, ҳақ гапни айтишга интилиши ўқувчини сергаклантиради, сўзга муносабатини ўзгартиришга хизмат қилади.

Олимнинг илмий-назарий обзор мақолаларида ушбу жанрга хос барча хусусиятлар мужассамлиги кўринади:

1. Таҳлил этилган асарларга даврнинг етакчи тамойилляри асосида ёндашилган, ўрганилаётган адабий ҳодисага дахлдор (XX аср ўзбек шеърлятининг охирги даврляри) адабий далиллар изчил амалий-эстетик мантиқ асосида таҳлил қилинган.

2. Обзор мақолада таҳлил этилган шеърларга бадиият мезонлярига мувофиқ баҳо берилган.

3. Таҳлиллар асосида назарий ҳулосалар умумлаштирилган.

4. Шеърлятнинг, шу орқали адабиятнинг таракқиятига хизмат қиладиган илмий-назарий фикрлар баён этилган.

Портрет-мақола жанри. Иброҳим Ҳақкул ижодида портрет-мақолалар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Портрет-мақола маълум бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, яшаган даври, асарляри ҳақида умумлаштирувчи маълумотлар берувчи, ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди тор қамровда ўрганиладиган адабий танқид жанри¹²⁰. Ушбу жанр ўзбек адабиятшунослигида уч таракқият боскичини босиб ўтган. XX асрнинг 20-йилляридан кейинги боскичдан бошлаб портрет-мақолалар янгича йўсинда яратила ва ривожлана бошлади. Энди улар, асосан, бирор ижодкор ёки адибнинг юбилеи, вафоти муносабати билан, шунингдек, бирор китоби

¹²⁰ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрляри. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 51.

нашри муносабати билан сўзбоши тарзида, портрет-хотира кўринишларида ёзила бошланди¹²¹.

И.Ҳаққулнинг етук адабиётшунос олим Н. Каримовга бағишланган “Толмас тадқиқотчи ва нуктадон олим” сарлавҳали портрет-мақоласида олимнинг маънавий қиёфаси ва ижодидаги етакчи хусусиятларга асосий эътибор қаратилган. Мақола юбилей муносабати билан ёзилган бўлиб, мунаққид олимнинг таржимаи ҳолидан кўра олимлик фаолияти, ички дунёсини ёритишни мақсад қилган. Олим фаолияти у ижод қилган даврнинг мураккаб манзаралари контекстида ёритилган. Ҳар қандай вазиятларда ҳам олим бошқа сафдошларидан фарқли равишда сиёсий мослаштиришга берилмагани алоҳида қайд этилган. Шунингдек, Н.Каримовнинг услубига хос жиҳатлар, таҳлил ва талқиндаги янгиликлари хусусида сўз юритилган. Жумладан, ойбекшуносликдаги фаолиятига тўхталар экан, унинг бошқа ойбекшунослардан фарқини алоҳида таъкидлайди: “Олим кўп ўринларда Ойбек шахсидан ижодиётининг турли ҳақиқат ва моҳият манзараларини акс эттирадиган кўзгу сифатида фойдаланади”¹²² дея таҳлилда биографик методни самарали қўллашда Н.Каримовга тенглаша оладиган олимларнинг озлигини таъкидласа, Шайхзода ижоди тадқиқида “адибнинг зоҳирий мавжудликларга эътиборни қаратиб, ботиний ҳақиқат ва ҳолатларни очишдаги моҳирлиги”¹²³, Чўлпон, Миртемир ҳақидаги эсселаридаги “таассуротни завқ заминида жонлантириш, кечинма, тахайюл кучи билан образли ифода, рангин илмий манзаралар яратиш” каби ўзига хос жиҳатларни ҳам теран мушоҳада этади. Мунаққид Наим Каримов ижоди, унинг ўзига хос жиҳатларини очиш баробарида чин олимлик, илмга садоқат, маърифат ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадаларни китобхонга тақдим этади. Олим ифода усулининг эркинлиги ҳам диққатга сазовор, портрет

¹²¹ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 56.

¹²² Ҳаққул И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Мухаррир, 2018. – Б. 235.

¹²³ Ҳаққул И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Мухаррир, 2018. – Б. 242.

яратишда, объектга таъриф беришда, асарлари таҳлилида фикрларни ойдинлаштириш учун шеърӣй матнлардан ҳам фойдаланади.

Портрет-мақола шакл ва мазмунига кўра портрет-хотира мақола, портрет-мақтуб, портрет-юбилей мақола каби бир нечта турларга бўлинади. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул ижодини кузатар эканмиз, портрет-мақоланинг шакл ва мазмун жиҳатдан турли кўринишларига дуч келамиз. Улар орасида юбилей муносабати билан ёзилган портрет-хотиралар етакчилик қилади. Айниқса, олимнинг “Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослигидаги мавқеи”, “Маърифат дарғаси”, “Толмас тадқиқотчи ва нуктадон олим” каби портрет-мақолалари ўзининг салмоқли мазмуни ва ифода усулининг ўзига хослиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

“Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослигидаги мавқеи” портрет-хотира мақола бўлиб, унда олим ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар жонли хотиралар асосида образли ва таъсирли баён этилган. Танқидчи А.Ҳайитметовнинг олимлик қиёфасини унинг илмий фаолияти, асарлари ҳақидаги маълумотлар орқали, инсонийлик фазилатларини эса у билан боғлиқ хотиралар асосида очиб беради. Айниқса, И.Ҳаққуловнинг диссертация ҳимояси билан боғлиқ хотира, унда Абдуқодир Ҳайитметовнинг иштироки воқеасида олимнинг ички олами, тўғрилиги ва ҳалоллиги аниқ акс этган. Шунингдек, мақолада А.Ҳайитметовнинг илмий тажрибаси, олимлиги баробарида донишмандлиги билан боғлиқ хотиралар ҳам келтирилганки, улар орқали олим қиёфаси ва унга мунаққиднинг муносабати ҳам янада яққол намоён бўлган. Мақола олимнинг навоийшуносликдаги хизматлари алоҳида эътироф этилганлиги, унинг ўзбек адабиётшунослигида тутган ўрнига аниқ далиллар асосида баҳо берилиши, олим таржимаи ҳолининг қисқа бўлса-да изчил ёритилиши, олим шахсияти ва ижодидаги етакчи, ўзига хос фазилатларнинг очиб берилганлиги, унинг олим ва инсон сифатидаги ёрқин қиёфаси яратилганлиги ҳамда умумлаштирувчи хулосалар берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, И.Ҳаққул портрет-мақола яратишда у қайси ижодкорга бағишланмасин, далилларни қуруқ қайд этмайди, объектга бўлган муносабатини самимий образли ифодалар, жонли хотиралар орқали содда услубда баён қилади. Шунингдек, барча портрет-мақолаларида қаҳрамони характери, ички оламини мунаққид ўз кўзи билан кўрган, иштирок этган ё бевосита ўзи билан боғлиқ бўлган ҳаётини лавҳалар асосида очиб берадики, бу китобхоннинг танқидчи фикрларига ишончини янада орттиради. Мунаққид ким ҳақида ёзмасин, унинг адабиётдаги ўрни, ўзига хос услуби, шахсиятига доир энг муҳим, ҳар бир инсонга ўрнак бўладиган жиҳатларга асосий эътиборини қаратади ва портрети яратилаётган ижодкор ҳақида янги, қизиқарли воқеий маълумотларни ўқувчига раво услубда ҳавола этади.

И.Ҳаққул портрет-мақолалари орқали объектнинг ҳаётига доир маълумотларни, ижод тамойиллари, ижодда қимлардан илҳомланганлик, қимлар услубини ижодий ўзлаштирганлигини билиб оламиз.

Эссе жанри. Адабий танқидда кенг қўлланилиши, илмийлик ва бадиийликнинг омукталиги, муаллиф “мен”ининг, образли тафаккурнинг етакчилиги билан эссе жанри муҳим ўринга эга. Бу жанрнинг мунаққидга эркин фикр юритиш, турли қўлларга бўйсунмаслик, таҳайюлга эрк бериш каби қатор хусусиятлари борки, шу боис ҳам танқидчилар тез-тез бу жанрга мурожаат этадилар. Эсселар фалсафий, публицистик, адабий-танқидий, тарихий-биографик, соф беллетеристик характерда бўлиши мумкин. Адабий эсселар кўпинча ҳаёт ҳодисаларига оид ижтимоий-руҳий кузатишлар мағзини чақишга йўналтирилган бўлади. Адабий-танқидий йўналишдаги эсселарда эса ижодкор ҳаёти, руҳияти, асарлари билан алоқадор жараёнлар ёритилади¹²⁴.

Ўзбек адабий танқидида ҳам эссе жанрининг жуда кўплаб намуналари, хилма-хил турларини кўриш мумкин. Хусусан, Н.Каримов, Ш.Холмирзаев, О.Шарафиддинов, И. Ғафуровларнинг эсселари кўпчиликка таниш ва

¹²⁴ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 146.

адабиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Эсседа шахсий мулоҳаза муаллиф бадиий ҳофизасининг қуввати, савия сажияси ва доираси, ҳаётӣ тажрибаси, ҳикматгўйлик маҳорати, тафаккур қобилияти¹²⁵ аниқ акс этади. Шу сабаб адабиётимизда бу жанр намуналари жуда кўп бўлса-да, улар асло бир-бирини такрорламайди.

Адабиётшунос олим, мунаққид И.Ҳаққул ижодида ҳам эссе жанрининг бир неча намуналари бўлиб, уларнинг аксарияти адабий-танқидий эсселар сирасига киради. Ўзбек адабиёти вакилларига бағишланган “Аҳмад калла”, “Абдулла Қаҳҳор жасорати”, “Илм шукуҳи”, жаҳон адабиёти классикларига бағишланган “Буюк қалб муҳаббати”, “Ҳаёт санъаткори” каби эсселари мунаққид қалби акс этган ижод намуналаридир.

Мунаққиднинг “Аҳмад калла” деб номланган, Аҳмад Донишга бағишланган эссеси кенг қамровли бўлиб, унда улуг ижодкорнинг фахрли ва машаққатли умр йўли турли манбаларга асосланган ҳолда образли ёритиб берилган. Мунаққид китобхон кўз ўнгига нафақат А.Дониш қиёфасини, балки у яшаган даврнинг мураккаб ва таҳликали манзарасини ҳам жонли гавдалантира олган. Мақола аввалида И.Ҳаққул А.Донишнинг адабиётдаги ўрни, унинг характери, тўғрилиги ҳақида қисқагина умумий тушунча беради. Ва у ҳақида айтилган ҳар бир фикр эссенинг кейинги қисмларида А.Дониш ҳаёт йўли контекстида бирма-бир ўқувчига очиб, кучли эҳтирос билан тасвирлаб берилади. Эсседа мунаққиднинг Аҳмад Донишга муҳаббати яққол акс этган ва эссени ўқиш жараёнида бу муҳаббат китобхонга ҳам юктирилади.

Эссе Аҳмад Донишга бағишланган, яъни бош қаҳрамон у бўлса-да, эссе қисмларини боғловчи, ҳаракатга келтирувчи етакчи қаҳрамон И.Ҳаққулнинг ўзидир. Мунаққид Дониш ижоди билан танишган йилларини эслар экан, хотираларини жонлантириб, талабалик йиллари, Бухоро сафарлари, устозлари, болалиги ўтган Шофиркон тумани, одамларини ёдга олади. Бу

¹²⁵ Раҳимжонов Н. Бади ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. № 5. – Б. 19.

воқеалар мантикий изчиллик ва юксак бадийлик воситасида Аҳмад Дониш билан боғлиқ масалаларга уланиб кетадики ўқувчи эссени ўқиш жараёнида асло зерикмайди. Гўзал ташбеҳлар, халқона баён китобхонни ўзига жалб этади. Масалан, мунаққид поездда кетар экан, қалб тўлқинларини шундай тасвирлайди: “Шиддат-ла чопаетган поездда кетиш хотира отлиғ тупорга миниб ёшликка саёҳат қилишга ҳам ўхшайди. Қизиги шундаки, қачонлардир бўлиб ўтган ва кўпдан буён эсланмаган воқеа-ҳодисалар дафъатан жонланиб, гўё қаршингиздан чиқиб келаверади: бири қувонтиради, бири ўйлатади, яна бири... Соғинч қўмсашга, қўмсаш армонга йўл берганда эса барибир хўрсиниблар кетасиз...”¹²⁶.

Аҳмад донишнинг оиласи, унинг қандай қилиб Бухорога келиб қолгани, таълим-тарбияси, меҳнат фаолияти, асарларига доир маълумотлар Донишнинг ўз асарлари, Садриддин Айний, Садри Зиёларнинг маълумотлари асосида бадий қайта жонлантирилган. Мунаққид Аҳмад Донишнинг ички ва ташқи қиёфасини яратар экан, манбаларда қайд этилган маълумотларни синчиклаб ўргангани сезилиб туради. Дониш хуснихати чиройли бўлгани сабаб котиблик қилгани, котиблик жараёнида Бедилга ошно бўлиши, унинг асарлари таъсирида характерининг шаклланиб боришини жуда ишонарли тасвирлайди. Шунингдек, Дониш ҳаёт концепциясини бутунлай ўзгартириб юборган, бир қариндошининг вафот этиши билан боғлиқ воқеани келтиради, бу воқеа китобхон руҳиятига ҳам таъсир этмай қолмайди. “...у биринчи марта одам умрининг мазмуни, ўткинчилиги борасида жиддий бош қотиради. Шу кундан эътиборан у бақосиз нарсалар, жумладан бойлик тўплаш, хузур-ҳаловатда яшаш майлини дилидан чиқариб ташлайди.”¹²⁷. Айтиш мумкинки, мунаққид турли илмий далиллар ва ҳаётий воқеаларни бадий қайта ишлаб, А.Дониш ҳаётининг жонли тарихини ярата олган. Бу жиҳатдан олим эсселари Наим Каримов эсселарига яқинлашади.

¹²⁶ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 208.

¹²⁷ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 213.

Эркин фикр-мулоҳаза юритиш тамойилига эга бўла туриб, мустақил сюжет йўналиши, қурилиши ва қаҳрамонга эга ички конструкциялар асосида таркиб топиш – эссега хос етакчи фазилатлардан биридир¹²⁸. “Аҳмад калла”да бу хусусиятни ҳам кузатиш мумкин. Эссе таркибида бир нечта мустақил сюжет йўналиши мавжуд ва улар ўзларининг қаҳрамонларига эга бўлиб ўз навбатида А.Дониш ҳаёти билан боғланиб кетади. Хусусан, шоир Вокиф ва С.Айний билан боғлиқ сюжет йўналишлари ўқувчида катта таассурот уйғотади.

Мунаққиднинг ушбу эссесига Аҳмад Донишнинг нафақат адабиёт борасидаги фаолияти, балки бошқа янги кирралари ҳам очиб берилган. Жумладан, эсседа А.Дониш ўқувчи кўз ўнгига ўткир зеҳн ва қобилиятли котиб, халқ учун қайғурадиган адолатпарвар ва зукко сиёсатчи, тўғрилиқни ўзига шиор қилган халқ ҳимоячиси, истеъдодли мунажжим, иқтидорли наққош ва рассом, жонқуяр устоз киёфасида намоён бўлади:

Эссенинг ўзига хос жиҳатларидан бири - унинг кенг кўламлиги. Ўқувчи уни ўқиш жараёнида А.Дониш билан танишибгина қолмай, унинг ижодини ўрганган олимлар, шоир яшаган даврнинг сиёсий аҳволи, илм аҳлига муносабат ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлади. Эссе кўтаринки оптимистик руҳ ва даъват билан яқунланганки, бу китобхонда фахр ва ифтихор туйғусини шакллантириб, аجدодларга муносиб бўлишга ундайди. Эсседа И.Ҳаққулнинг қалб кечинмалари яққол намоён бўлган. Аҳмад Дониш каби ватандоши билан фахрланиш ҳисси асарнинг пафосини кучайтирган, бу Донишнинг ҳаёт тўсиқларини матонат билан енгиб ўтиши, намунали ва шарафли ҳаёти баёнида аксланган бўлса, муаллиф ўзини қийнаган дардларни ҳам эсседа қайд этган. Жумладан, А.Дониш қабрининг қаерда эканлигини билмаслик ёки шундай улуг шахс ҳақида янги давр талаб ва эҳтиёжини ифодаладиган бирорта махсус тадқиқотнинг йўқлигидан олим қалби изтироб чеккани ёрқин кўринади.

¹²⁸ Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Tafakkur qanoti, 2012. – Б. 375.

“Абдулла Қаҳҳор жасорати” деб номланган эссе ҳам ўзига хос хусусиятлари, хусусан, юкори пафоси, илмий ва бадий услубнинг синкретиклиги, эссе орқали мунаққид А.Қаҳҳор ҳақида янги фикрлар айта олганлиги, ижодининг янгича қарашларда таҳлил этилганлиги билан аҳамиятли. Ушбу эссе муносабати билан Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг танқидчига очиқ хат йўллагани ҳам бежиз эмас, ҳақиқатан, бу эсседа И.Ҳаққуловнинг “адабиётшунос олим сифатидаги ҳамма фазилатлари муҳайё”¹²⁹. Эссенинг кенг қамровлилиги: ўзбек адабиётининг ўтмиши ва бугуни, келажаги ҳақидаги жиддий фикрлар О.Шарафиддинов эътирофига сазовор бўлган.

Эссе бошланмаси ўзига хос бўлиб, китобхон диққатини тезда ўзига тортади: “Тапнинг индаллосини айтсак, адабиётимизнинг мустақилликдан кейинги қиёфасини мен бошқача тасаввур қилганман”¹³⁰. Бир қарашда норозилик кайфияти ва сирли тугунни ифодалаган бу жумла секин-аста очилиб, норозилик оптимизмга ўзгариб боради ва эссе кўтаринки руҳда тугалланадики, бу кўтаринкилик китобхон руҳига ҳам сингади. Мунаққид ўқувчига Абдулла Қаҳҳорни ҳаёти давомида ҳақиқатга интилган, адабиётни реал ҳаётга янада яқинлаштирган реалист ёзувчи сифатида таништиради: “Ёзувчи асарларида ибратли образ ва қаҳрамон бор, лекин идеал образ ҳам, қаҳрамон ҳам йўқ. Бу санъаткорнинг том маънодаги реалист ижодкорлиги ва ҳақпарастлиги ҳам, йўқни бор демагани, сохта ва сўхтаси совуқ китобий қаҳрамонларни бино қилиб сиёсат “тегирмони”га сув қуймагани, китобхонни алдамаганида яққол намоён бўлади”¹³¹. Мунаққиднинг ушбу фикрлари теран таҳлиллар давомида ўз тасдиғини топган, асарларнинг янгича қирралари очиқ берилган. Айниқса, “Сароб” романининг таҳлили диққатга сазовор. Мунаққид асар қаҳрамонларини давр нуқтаи назаридан адолат ва холислик билан ёндашиб таҳлил этади, Саидий, Мунисхон, Муродхўжа домла

¹²⁹ Шарафиддинов О. Фикр жрқинлиги – зарур эҳтиёж. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 5.

¹³⁰ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 242.

¹³¹ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 249.

образлари ёритилиб, уларни қорамаслик, аксинча, тушунишга ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлайди. Таҳлиллар асосида танқидчи “Тақдир драмасини ҳаққоний ёритиш ва мураккаб қисматли шахс фожеасини холис тасвирлашда, менимча, адабиётимизда “Сароб” билан беллашадиган асар йўқ”¹³² дея, хулосага келади. Эссени ўқир экан, мунаққиднинг асар қаҳрамонлари ҳаётини барбод қилган замон ҳақидаги мушоҳадалари беихтиёр китобхонни ўйлантиради.

Мунаққид Абдулла Қаҳҳор образини яратишда кўплаб ёзувчи, олимларнинг: А.Орипов, О.Шарафиддинов, Жамол Камол, Константин Симонов, Саид Аҳмад, Тохир Малик, Ш.Холмирзаев кабилар хотиралари ва фикрларидан фойдаланган.

Адабий танқидчилигимиздаги эсселарнинг аксарияти ўзбек адиблари ёки олимларига бағишланган. Эссе “қалбдаги ҳис туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир тўртки туфайли қоғозга “сочилади”¹³³. Иброҳим Ҳаққулнинг буюк рус адиби ҳақида ёзилган “Ҳаёт санъаткори” эссеси айнан шу “тўртки” сабабли дунёга келган. Мунаққиднинг қалб тугёнлари, Чеховга мухаббати, унинг асарларидан таъсирланиш, у чеккан азоблардан оғриниш кабилар эссенинг ҳар бир саҳифасида ёлқинланган.

Эссега танланган эпиграф ҳам мақолани ўқимасданок китобхонни мушоҳадага чорлайди: “Қани эди, барча одамларнинг ғам-ғуссаси меники бўлсайди...” Эссени ўқиш жараёнида бу жумла бекорга келтирилмагани, қаҳрамон характери яратишда “ўқ илдиз, барча фактларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи негиз”(Б.Назаров) бўлганлиги, бу сўзлар Чеховнинг қалб нолалари эканлиги аёнлашади. Мунаққид Чехов асарларини таҳлил этар экан, аввало, уларни бирлаштириб турувчи нукталарга эътибор қаратади. Бу ҳаётга қалб кўзи билан қараш, асл моҳиятга етиш, ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, етук шахс орзусини бой бермаслик. Ушбу ғоялардан танқидчи ҳикояларни таҳлил этишда очкич сифатида фойдаланади. Кўпчилик

¹³² Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 264.

¹³³ Раҳимжонов Н. Бади ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. № 5. – Б. 19.

мунаққидлар биографик метод асосида мавзуга ёндашадилар (М: Н.Каримов эсселари). И.Ҳаққулов услубининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у объекти бўлган асар таҳлиллари жараёнида адиб ижодий лабораториясига кириб боради, бадиий матннинг таҳлилидан эссе қаҳрамонининг яъни Чеховнинг ички олами очилиб, унинг ўзига хос образи яратилади.

Эсседа мунаққид Чеховнинг “Ҳасрат” ҳикоясини ўзгача услубда таҳлил этади. Дастлаб асарни ўзининг илк бор ўқиган кезларини хотирлайди. Қаҳрамон тақдирига ачингани, инсоннинг ночор аҳволи мунаққидни ўйлантиради ва асар қаҳрамонининг шу аҳволга тушиши сабабларини қидиради: “Иона – ношуд, нотапон, ташландик. Иона – бадбахт, кулфатзода... Буларнинг бариси тўғри, лекин ичдаги унинг одамлик жавҳари қани? Одам сифатида у суянадиган маъни қаёқда? Извошчида булар йўқ. Балки олдиндан бўлмагани боис у шу ҳолга тушгандир”¹³⁴. Шу ўринда олим Чеховни қийнаган дардни, уни қалам ушлашга мажбур этган ҳақиқатларни ўқувчига ошкор этади. Китобхон маънавий қашшоқликнинг оқибатларидан сесканиб кетади. Эсседа адибнинг бир нечта ҳикоялари таҳлил этилган. Таҳлиллардан асосий мақсад – китобхон диққатини маънавий юксалиш, ўзликни англашга қаратиш. Бироқ бу қуруқ панд-насихат тарзида бўлмай, теран таҳлиллар асосида танлов китобхоннинг ўзига ҳавола этилади.

И. Ҳаққулов Чехов портретини яратиш жараёнида бир ўринда қадимги “Футувватнома”лардаги жавонмардлик маслаҳати ғоялари билан мавзунини боғлайди. Адиб фазилатларини шарқ халқлари идеаллари билан қиёслади, қиёслардан аён бўладики, Чехов ботинида уларнинг аксарияти мужассам. Ушбу таққослашдан мақсад: адибни китобхонга янада яқинлаштириш, у ёритган мавзулар, муаммоларнинг бизга ҳам бегона эмаслиги ҳақида мушоҳадага чорлаш.

Юқорида кўриб ўтилган эсселар бир-бирини такрорламайди, услуби, жиҳоси, ранги ўзгача. Шундай бўлса-да, уларни бирлаштирувчи нукталар

¹³⁴ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 110.

бор. Бу мунаққид танлаб олган қаҳрамонларининг ҳаёт концепцияси, ҳақгўйлиги, тўғрилиги, чуқур тафаккурдир. Бу қаҳрамон танлашда ҳам танқидчининг ўзига хослигини кўрсатади. Мунаққид эсселари шунчаки адиб ё ижодкорни китобхонга танитиш учун ёзилмаган. Олим ўқувчи диққатини қаратмоқчи бўлган нарса - уларнинг ибратли ҳаёти, ундан ўрнак олиш. Иброҳим Ҳаққул қаҳрамонларининг ички оламини таҳлил этар экан, уларга инсонийлик, юксак хилқат эканлиги жиҳатидан баҳо беради. Шу сабаб уларга ғарблик ёки шарқликка ажратиб, алоҳида мезонлар асосида ёндашмайди. Масалан, Шекспирга бағишланган эсседа ҳадисларга, дарвешлик маслаги хусусидаги қарашларга, Ибн Арабий, Яссавий ғоялари таҳлилига ёки Аҳмад Дониш ҳақидаги эсседа Чернишевский билан боғлиқ ҳикояга, ғарб олимлари фикрларига дуч келамиз. Мунаққиднинг ҳар бир фикри асосли ва ишонарли баён этилганки, ўқувчида ҳеч қандай эътироз туғдирмайди.

Ҳар бир эссега мавзуни қамраб оладиган эпиграфлар танлаш ҳам мунаққид услубига хос хусусиятлардан биридир. Иброҳим Ҳаққул эсселари ўзининг жонли ва бадиийлиги, мушоҳадаларнинг теранлиги, танланган қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолияти, ижоди бугунги кун учун ҳам долзарблиги билан аҳамиятлидир. Мунаққид ким ҳақида ёзмасин, у ҳақида янги гап айта олган. Эссе қаҳрамонларини идеаллаштиришдан чекиниб, уларни борича кўрсатишга, китобхонга яқинлаштиришга интилган. Танқидчи эсселари умумлашма мазмунга эга бўлиб, унда айтилган фикр-мулоҳазалар нафақат қаҳрамонга нисбатан, балки барча китобхонларга қарата айтилган ҳаётий мушоҳадалардир.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётшунос олимнинг адабий танқид ва унинг жанрларини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг эссе яратиш маҳорати, услуби ҳақида фикр юритганда, энг аввало, унинг бадиий асарни теран англаб, мазмун-моҳиятини ўқувчига етказишдаги ўзига хослиги кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

И.Ҳаққул портрет-мақолаларини ўқиш орқали ўқувчи ҳам, мутахассис ҳам ижодкорнинг ҳаётига доир маълумотларни, уларга берилган баҳо, асарга баҳо бериш тамойиллари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлади.

Олимнинг юқорида сўз юритганимиз мақола ва эсселарида А.Қаҳҳордаги сўз табиатини тушуниш, талабчанлик, А.Қодирий мақолаларидаги сингари жасурлик, Н.Каримов ижодидаги каби сунъийликка ён бермаслик каби хусусиятлар сезилса-да, бадий асарни чуқур ва атрофлича таҳлил қилишнинг янгича усуллари ва тамойиллари намоён бўлганини кўрамиз.

Янги ўзбек адабиёти: муносабат ва таҳлиллар тизими

XX асрнинг бошларида ўзбек ёзувчилари, адабиётшунос оимлари адабий жараёни кузатиб, у ва унинг яратувчилари ҳақида турли жанрларда ранг-баранг ракурсларда илмий-танқидий асарлар ярата бошладилар, улар жонкуярлик билан ҳам мумтоз адабиёт, ҳам янги ўзбек адабиёти, ҳам халқ оғзаки ижоди масалалари билан шуғулланиб, кўзга кўринарли тадқиқотлар яратдилар. Иброҳим Ҳаққул ҳам ўз замондошлари сингари устозлар анъанасини давом эттирган ҳолда адабий жараёни ҳам кузатиб борди. Янги ўзбек адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси ва кузатувчиси сифатида кўплаб тадқиқотларни амалга оширди. Унинг янги ўзбек адабиётга муносабати қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

1. Маълум бир ижодкор шахсига муносабат.
2. Адабий матнга муносабат.
3. Адабий матн таҳлилига муносабат.

Маълум бир ижодкор шахсига муносабат. Иброҳим Ҳаққул адабиётнинг бойлиги, энг аввало, улкан Шахсият деб билади¹³⁵. Шу сабаб адабиётимиздаги улуғ ва буюк қалб соҳиблари ҳақида қалам тебратишни, уларнинг ижоди ва шахсияти қирраларини очишни бурчи деб билади. У қайси ижодкор ҳақида ёзмасин, аввало, ундаги шахсиятини назардан

¹³⁵ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абдиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 286.

ўтказади. Мунаққид Чўлпон, Ойбек, М.Шайхзода, А.Қаххор, Рауф Парфи, Усмон Қўчқор, Жамол Камол каби янги ўзбек адабиётининг устунлари шахсиятидаги муштаракликни, уларнинг адабиётга, миллат тақдири ва келажакига, Ватанга муҳаббатыда кўради. Булар мунаққид шахсиятидаги хислатлар билан уйғунлашиб кетади. Шу уйғунлик сабаб олим улар шахсиятини янада чуқурроқ англайди, уларни қийнаган дардлар мунаққидни ҳам қийнайди, уларни ўйлантирган саволларга жавоб излайди. Мақолаларда бу каби буюк шахсият эгаларига симпатия яққол сезилади ва бу ҳурмат ва муҳаббат мунаққид ижодининг пафосини ниҳоятда оширади. Мунаққид ижодкорларнинг сўз қўллашдаги маҳорати, асарларида шахсиятининг қай даражада акс этишини синчковлик билан кузатади. Муаллифнинг ҳаёти, ижоди, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда шахсиятига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда текширишга интилади. Шу сабаб танқидчи асарларини ўқиганда бадиий матн мазмун-моҳияти билан бир қаторда унинг муаллифи ички ва ташқи олами билан ҳам яқиндан танишиш мумкин.

Чўлпон шеърляти мунаққид талқинида. Чўлпон шеърляти ўзининг жозибаси, чуқур фалсафий моҳияти, шунингдек, ўткир танқидий мазмуни билан ўзбек адабиётининг ўзига хос саҳифасини ташкил этади. Унинг ижодини ўрганиш ва таҳлил этиш, халқимиз эътиборига ҳавола этиш шоир ҳаётлик давриданоқ муҳим эса-да, давр тақозоси билан бу каби эзгу ишлар орқага суриб келинди. И.Ҳаққулов ўзбек танқидчиларидан биринчилардан бўлиб, 1988 йилда – мустақиллик арафасида Чўлпоннинг шеърларини тўплаб, “Баҳорни соғиндим” номи билан чоп эттирди. Чўлпон ижоди ҳақидаги баҳсу мунозарларга фаол иштирок этиб, айрим мақолалари билан чўлпоншуносликни бойитишга хизмат қилди.

“Баҳорни соғиндим” тўплами ўрта ёшли болаларга мўлжалланган ва унга Чўлпоннинг 59 та шеъри киритилган. Уларнинг аксарияти табиатга бағишланган шеърлардир. Бундан ташқари тўпламдан шоирнинг Ватан, севги, эрк мавзусидаги шеърлари ҳам ўрин олган. Сўзбошида танқидчи

дастлаб ўқувчига Чўлпон ижодининг ибратли жиҳатларини очиб беришни мақсад қилади. Бу ибрат - эътиқод ва виждон уйғоқлиги, Ватанга чексиз муҳаббат қўйиш, замон одамларини юксакликка чорлаш ибрати. Мунаққид Чўлпон ижоди адабиётимизнинг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этишини таъкидлаб, ундан воз кечиш адабиётни, ўзимизни камситиш эканлигини қайд этган ҳолда шундай улғу ижодкор ижодини ўрганиш, ижод намуналари билан танишиш ишлари бироз кечикканидан афсусланади. Шу билан бирга китобхонга қўлидаги китоб билан тезроқ ва жиддийроқ танишиш вазифасини юклаб, Чўлпон ҳаёти ва фаолиятига доир айрим маълумотларни тақдим этади. Мунаққид ўқувчига шоирнинг юксак истеъдодини очиб беришга интилади. "Унда шоирга хос барча фазилатлар мужассам"¹³⁶лигини айтиб, фикрларини шоир ижодидан намуналар, шу билан бирга ҳазрат Навоий ижодларидан ҳам мисоллар келтириб, далиллаш санъатидан фойдаланади. И.Ҳаққулов сўзбошида Чўлпон шеъриятидаги қуйидаги фазилатларга эътиборини қаратади: "дард одами" бўлиш, рухий самимият, маъно ва тасвирдаги табиийлик ва яна энг асосийси, чин шоир Эрк фарзанди бўлиши лозимлиги. Мунаққид мана шу фазилатларни Чўлпон шеъриятида жамлаш орқали унинг ижодига юксак баҳо беради. Юқоридаги фикрлардан сўнг китобхон Чўлпон ижоди билан танишар экан, унинг моҳиятидан ушбу фазилатлардан келиб чиққан ҳолда маъно ва мазмун излашга киришади. Шундагина шоир қалбини қийнаган дардлар, авлодларга ўғитлар, Ватанга муҳаббатнинг энг олий кўринишлари ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади.

Мунаққид шоирнинг айрим мисраларини таҳлил этар экан, уни ўқувчига моҳир рассом сифатида ҳам таништиради. Чўлпонни "хаёл сувраткаши"¹³⁷ деб атаб, унинг ижодидан жуда гўзал ўхшатишларни саралаб китобхонга ҳавола этади. Чунончи, "Томчилар - кўкларнинг сўзлари", "Қор парчалари тўкилган садаф", "Юлдузнинг кўзи ҳафиф жимирлар", "Дарахтлар ҳам

¹³⁶ Чўлпон. Баҳорни соғиндим. – Тошкент: Юлдузча, 1988. – Б. 5.

¹³⁷ Чўлпон. Баҳорни соғиндим. – Тошкент: Юлдузча, 1988. – Б. 6.

соғлом, тетик боладай, ҳар кун эмас, ҳар нафасда ўсади" каби. Кўринадики, синчков мунаққид Чўлпон шеърларининг энг нафис ўринларини, чиройли ўхшатишларини танлаб, ўқувчи қалбини ушбу шеърятга ошно этишни кўзлаган.

И. Ҳаққулов китобнинг болаларга мўлжалланганлигидан келиб чиқиб, Чўлпон ижодининг яна бир ўзига хос жиҳатига эътиборини қаратади. Бу шоирнинг кўкламга муносабати, унга интиқлик. "Кўклам келадир", "Яна кўклам" шеърларидан парчаларни таҳлил этади. Кўкламнинг келиши шоирга илҳом бағишлаш билан бирга, инсонларнинг ҳам кўнглига кўклам руҳи киришини истаган шоир мисраларини ўқувчига содда тилда маҳорат билан тушунтириб беради. Шоир ижодига қизиқтириш ниятида ўқувчининг диққатини мунаққид энди Чўлпон шеърятининг поэтик образларига қаратади, жумладан, унинг таҳаллуси - Чўлпон - Тонг юлдузи деб аталиши бежизга эмаслигини шоир мисралари билан изоҳлаб, юлдуз образи келтирилган айрим парчаларни таҳлилга тортади. Мақолада мунаққид таҳлилни оддийдан мураккабга томон тадрижий ривожлантириб борган. Дастлаб шоирлик фазилати, сўнг табиат гўзаллиги, ундан кейин ошиқлик ҳис туйғулари ва охирида эрк, миллат эрки, "сикик қафасларда" сақланган хотин-қизлар эрки борасидаги шеърлардан парчалар таҳлил этиладики, бу орқали Чўлпон ижоди ўқувчи кўз олдида ҳам шаклан ҳам мазмунан бетакрор, миллатини, Ватанини чин дилдан севиб, унинг учун кўксини қалқон қилган озод рух кишининг қалбидан тўкилган сатрлар сифатида янада жозибадор намоён бўлади.

Умуман олганда, ушбу сўзбоши Чўлпонни китобхонга танитиш баробарида, унинг ижодидан баҳра олиш йўл-йўриқларини кўрсатувчи қўлланма вазифасини ҳам бажарган. Бугунги кунда чўлпоншунослик борасида адабиётимизда жуда кўп тадқиқотлар яратилган, шоир ва адибнинг китоблари қайта-қайта нашр этилган бўлса-да, истиклол арафасида И.Ҳаққуловнинг матншунос сифатида "Баҳорни соғиндим" тўпламини нашр

етиши, олим сифатида унга сўзбоши ёзиши бу каби ишларнинг дастлабкиси эканлиги билан ҳам диққатга сазовор ва адабиётимиз ривожига учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилган.

Иброҳим Ҳаққулнинг “Қутулиш юлдузи йўқликка кирмас”¹³⁸ деб номланган мақоласи Чўлпоннинг “Балживон” шеърининг таҳлил ва тадқиқига бағишланган. “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслиги муаллифлари бу мақола ўзининг салмоғи, мазмун моҳияти, қўйилган муаммонинг ечилиши ва аҳамияти билан китобхон диққатини тортиши ҳақида фикр юритар эканлар, шундай ёзадилар: “Бу йирик мақолага Чўлпоннинг “Кет, йўқол, кўзимдан ҳақиқат, йўқол...” мисралари эпиграф қилиб олинган. Чўлпоннинг дин ва миллат ҳуррияти йўлида жиҳодга киришган ватанпарварлар ҳаракатига катта умид боғлаганлигини исботловчи энг характерли далиллари билан бири “Балживон” номли шеъри ҳисобланади. И.Ҳаққулов бу шеър шоирнинг ҳеч қайси тўпламига кирмаганлиги, бизнинг матбуотимизда ҳам ҳеч қачон чоп этилмаганлиги, ўзбек адабиётшунослигида унинг номи деярли тилга олинмай келинганлигини таъкидлайди. Бунинг устига танқидчи Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон”, “Гўзал Фарғона” каби шеърлари сингари яратилган куниданок қўлдан-қўлга ўтиб, “турку каби” севиб ўқилган, ўзбек шеърининг тарихида мазмун-моҳияти, маслак муросасизлиги жиҳатидан “Балживон”га ўхшаш ёки яқин келадиган иккинчи бир шеър ёзилмаган деб ҳисоблайди”¹³⁹.

“Балживон” жами йигирма олти мисрадан иборат шеър бўлиб, унинг бағрида яширинган қайғули тарихий маъно, очиқ фарёд ва толесизлик аламини ўнлаб дostonлар таркибига сингдириб бўлмайди. Танқидчи ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир сатр оралаб Айрилик ва Жудолик изтиробини мавж уришини таъкидлайди. Олим Чўлпоннинг Анвар Пошшога муносабати масаласига ойдинлик киритади ва унинг ўзи ҳам бу шахснинг кимлигини,

¹³⁸ Ҳаққул И. Қутулиш юлдузи йўқликка кирмас / Бухоро ҳақиқати газетаси. – Бухоро. 1995 й. 27 декабрь.

¹³⁹ Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. – Toshkent: Tafakkur qanoti, 2012. – Б. 294.

мазкур шеърнинг ёзилиш сабабларини ёркин очиб беради. Тўғри, ўша машъум даврларда шўролар таъсирида Анвар Пошони ҳарбий жосус, ашаддий душман деб билганлар кўп эди. Демак, “Балживон” шеърини таҳлил қилишдаги дастлабки талаб ва зарурият Анвар Пошо маънавий сиймоси ва сиёсий ҳаракатини катта ёлғон, тухмат ҳамда уйдирмалардан ажратиб, мухтасар тарзда бўлса ҳам, ҳақиқатни сўзлашдан иборат деб билган мунаққид у ҳақдаги тарихий далилларни келтиради. Аниқ тарихий манбаларга таяниб, Туркиянинг илғор ва маърифатпарвар, жасур фарзанди Анвар Пошонинг 1921 йилда Москвага келиши, 1921 йилда Бухорода бўлиши, унга русларнинг муносабати, унинг Балживонда шахид бўлиши воқеаларини кенг ва батафсил тасвирлайди. Олим Анвар пошонинг Бухоро тупроғини тарк этар чоғида бир гуруҳ мужоҳидларни йиғиб, уларни истиқлол йўлида жон фидо этишга даъват этиб айтган сўзларини келтиради: “Туркистон учун курашмоқ керак. Ҳақ иши учун ўлимдан қўрқсанг, ўзингни ҳам ит ҳолида яшашга маҳкум қиласан. Агар бу ишга қатъий киришмасак, келажак авлодларнинг лаънати оғир бўлур. Қутулиш йўлини излаб, ўлсак ҳам ўзимиздан кейин келадиган авлодларга озодлик ва истиқбол йўлини таъминлаган бўламиз”. Анвар Пошонинг бу сўзларидан кўринадики, у ҳақиқатан ҳам бизнинг истиқлолимиз йўлида жонини фидо айлаган турк ўғлонидир. Шунинг учун ҳам “Балживон” шеъри Анвар Пошонинг жасур сиймосини гавдалантирувчи сўздан яралган шеърый бир ҳайкалдир деб баҳо берган мунаққиднинг сўзлари асло муболаға эмас деб ўйлаймиз.

Шунинг учун И.Ҳаққулов нафақат истиқлол учун жангу жадал майдонларида от сурган кишилар, балки Рус-совет империяси зулмидан халос бўлишни орзу қилган ҳар бир виждони уйғоқ миллатпарвар ва эрксевар Туркистонда Анвар Пошони “XX аср Туркистон тарихида битилажак “Истиқлол ишқи”нинг рамзи” деб билганлари ва тан олганларини таъкидлар экан, Чўлпон ҳам ана шундай инсонлардан бири деб ҳисоблайди. Шу боис танқидчи “Энг сўнгги умидин қонга бўяган, Ох, қандай хайрсиз замонлар

келган! “ деб ўз шеърларида фарёд қилган Чўлпоннинг эрк ва озодлик учун курашиш туйғусини англаган ҳолда фикр юритади. Мунаққид кўплаб тарихий ҳужжатлар ҳужжатлар, хотиралар ва ўзининг асосли тахминларига таяниб, Чўлпоннинг “Балживон” шеърини ёзаётган вақтдаги ҳолат-кайфияти қандай бўлганига кўрсатиб беришга эришади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, И.Ҳаққуловнинг истиқлол арафасида шоир шеърларини тўплаб, ўқувчиларга тақдим этишининг ўзи муҳим аҳамиятга эга бўлса, “Балживон” шеърига бағишланган мақоласи чўлпоншуносликда ўзига хос саҳифа оча олган, Чўлпон ижодининг муҳим қиррасини ёритиб берган тадқиқот сифатида катта аҳамиятга эга.

Ойбекшунослик саҳифаларини бойитиш йўлида. Ўзбек адабиётининг забардаст вакили Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижоди борасида адабиётшунослигимизда кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да¹⁴⁰, бу серкирра ижоднинг ҳали очилмаган қирралари бисёр. Ҳам назмда ҳам насрда, ҳам илмий тафаккурда юксак маҳоратга эга бўлган Ойбек ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ижоди билан халқимизни кенгроқ танитишга интилиш адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Мунаққид Иброҳим Ҳаққул ҳам ушбу вазифанинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшган олимлардан биридир. Унинг ижодида ойбекшунослик алоҳида саҳифани ташкил этади. И.Ҳаққулнинг ойбекшунослик фаолияти асосан икки йўналишда олиб борилган:

1. Шоир шеърини ҳақида илмий мақолалар яратиш;

2. Адабий-маърифий суҳбатлар орқали адиб ижодини таҳлил ва талқин этиш.

¹⁴⁰ Ёкубов Ҳ. Ойбек. – Тошкент: Фан, 1959, Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. – Тошкент: Фан, 1963, Адибнинг маҳорати. Тошкент, 1966; Қўшонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: Ўздавнашр, 1965., Ойбек. – Тошкент: Фан, 1976.; Каримов Н. Ойбек. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979., Ойбек гулшанида қолган ғунчалар. – Тошкент: Фан, 1985., Ойбек ва Зарифа. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.; Шарафиддинов О. Истеъод жилолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.; Назаров Б. Ҳаётгиллик безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 126 б.; Сабирдинов А. Ойбек ва Эмиль Верхарн / Жаҳон адабиёти, 2014 йил, 7-сон; Ҳамдам У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 200 б.

Олимнинг Ойбек ҳақидаги мақола ва суҳбатлари, асосан, унинг шеърини таҳлили ва шоир шахсиятини англашга қаратилган. Олимнинг “Ойбек шахсияти ва шеърини таҳлил қилиш” мақоласи шоир ижодига берилган янги баҳолиги, турли мафкурадан холилиги билан аҳамиятли. Ойбек лирикаси борасида Ҳ. Ёқубов, М.Қўшжонов, Н. Каримов, О.Шарафиддинов, А.Сабирдинов, Улуғбек Ҳамдам кабилар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борганлар, шоир ижодига турли томонлардан баҳо берганлар. Иброҳим Ҳаққул ҳам ушбу мақолада Ойбек лирикасининг янги қирраларини очиб бера олган. Шоир у яшаган давр ҳақида билмай туриб, унинг қалбига яқинлашиш ҳам шеърини таҳлил қилиш ҳам мумкин эмас. Шу сабаб, мақоланинг кириш қисмида мунаққид Ойбек яшаган даврга назар солади, шундай оғир даврда яшаб туриб шахсиятини, моҳиятини ўзгартирмаган шоирни ибрат намунаси этиб таништилади. Шоир қалбига кириб бориш, унинг ички оламини ёритишга интилиш бу Иброҳим Ҳаққул таҳлилларидаги ўзига хос хусусиятлардан бири бўлиб, унингча, ижодкор шахсиятини унинг ижодидан ажратиш бўлмайди, шоир шахсияти бевосита унинг ижодида акс этади. Шу сабаб мунаққид таҳлилларида куйидаги икки жиҳатни кузатиш мумкин:

1. Шоир шахсиятдан келиб чиққан ҳолда шеърини таҳлили. Олим наздида Ойбек шахсияти ва моҳияти гавҳардай тоза ва ёрқин. Бу фазилат уни бошқалардан ажратиш туради. “Унинг нур, ой, қуёш, юлдузларга ошиқлигининг сирларини ҳам, энг аввало, шундан ахтариш керак. Ойбек характериға яқин ижодкорлар бошга бало-ю қазо, тухмату игво дўл бўлиб ёғилганда ҳам ҳақиқатга хиёнат нари турсин, қарши бўлишни ҳаёлға ҳам келтиролмайдилар”¹⁴¹. Шу сабаб замон зайли билан “умумий ёлғон ва мадҳиябозликларға мажбуран араллашиш Ойбек қалбини ғам-ғуссаға чулғаган”¹⁴². Шоир ички дунёси борасидаги мунаққиднинг ушбу фикрлари

Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,

¹⁴¹ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 274.

¹⁴² Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 274.

Тошлар ҳам йиғлайди – сир тўла осмон.

Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ, ҳайҳот!

Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлгон мисраларини китобхонга осон тушуниш, шу билан бирга Ойбек қалбини янада теранроқ англашга кўмаклашади.

2. Шеърлар таҳлили орқали шоир шахсиятининг турли кирралари очиб берилади (психо-аналитик метод). Масалан, мунаққид шоирнинг

Танҳо кезаман. Йиғлар

Юрагимда Ватаним... мисраларида шоир шахсиятидаги ватанпарварлик, адабиётга виждонан хизмат қилиш каби фазилатларини кўрсатиб беради. Шоирнинг улуғ шахсиятига таъзим қилади.

Иброҳим Ҳаққул қайси ижодкор борасида фикр билдирмасин, аввало, унинг сўз қўллаш маҳоратини назардан ўтказайди. Унингча, бадий ижодда кўп нарсани сўз ҳал қилади. Юқоридаги мақолада ҳам мунаққид шоирнинг сўз қўллаш маҳоратига алоҳида аҳамият берган. “Кеча туйғуси” шеъри таҳлил этилиб, ундаги туйғу, туйғудан ёришган манзара, манзарага мувофиқ ҳолат, ҳолат бағридаги ҳасрат ва фарёд фақатгина ойбекона услубда маҳорат билан сўзнинг кучи билан ёрқин тарзда ифодаланганлигини теран очиб берган. Шунингдек, И.Ҳаққулов Ойбек лирикасида сўзнинг ниҳоятда эркинлиги ва шоир сўзга зуғум ўтказмаслигини эътироф этадики, шоир ижодида сўз қўллаш билан боғлиқ бўлган бу каби жиҳатлар бошқа ойбекшунослар ишларида учрамайди. Сўзларнинг эркинлиги эса Ойбек шеъриятининг табиийлиги, жозибаси, туйғу ва манзараларнинг эркинлигини таъминловчи асосий воситалардан биридир.

Мунаққид Ойбекнинг доимий илҳомчиси табиат деб ҳисоблайди. У шоирнинг символизм оқими тажрибаларига таянган ҳолда куёш, ой, юлдуз, тоғу дарахтлар, тун кабиларга мурожаат қилиб, улар воситасида борлиққа муносабатини рангин бўёқларда тасвирлаб берганлигини бир неча шеърлар таҳлилида аниқ кўрсатиб берган. И.Ҳаққуловнинг Ойбек ижодига ёндашиши

бошқа ойбекшунослардан яна бир жиҳати билан фарқ қилади. Мунаққид шоир лирикасини Шарқ мумтоз шеърояти мезонлари асосида текширади. Н. Каримов Ойбек лирикасини таҳлил этар экан, унинг Блокка эргашиганини эътироф этади, Александр Блок ва Ойбек шеъроятини бирлаштирувчи жиҳатларга аҳамият қаратади¹⁴³. Улуғбек Ҳамдам эса “Ойбекнинг туйғулар соҳасини сентиментал ва символик усулда фаҳмлашида ўзбек адабиётида романтизмнинг намояндаси Чўлпон ва XX асрнинг 10-20-йилларида ижод этган усмонли-турк символистларидан — Холид Фаҳрий, Ўрхон Сайфий, Юсуф Зиё, Умар Сайфиддин каби шоирларнинг маълум даражада адабий таъсири бўлган”¹⁴⁴ лигини айтади. А.Сабирдинов унинг турк шоирлари қаторида Эмиль Верхан каби жаҳон адабиёти вакилларида илҳомлангани ҳақида фикр юритади¹⁴⁵. Иброҳим Ҳаққул эса ушбу қарашларни инкор этмаган ҳолда, Ойбек лирикасининг аксарият қисми Шарқ классик шеърояти билан боғлангани, у илк сабоқларни Навоий ва Ғузулийдан ўрганганини, унинг шоир ва адиб бўлиб етишишида мумтоз меросимизнинг таъсири фавқулудда кучлилигини таъкидлайди¹⁴⁶, шу сабаб мунаққид таҳлилларда Ойбек ижодининг моҳиятига кириб боришга интилади, ундаги қалб ғўзаллигидан ҳайратланади, унинг улуғ шахсиятига таъзим қилади.

Мақолада мавзуни янада кенгроқ ёритиш, китобхонни Ойбек шеърояти руҳиятига чуқурроқ олиб кириш мақсадида бир неча ҳикоят ва ривоятлар келтирилган. Улар халқ оғзаки ижоди, Шарқ мумтоз адабиёти, жаҳон адабиёти намуналаридан саралаб олинганки, бу Ойбек ижодининг абадиятга дахлдорлигини кўрсатишга ҳам хизмат қилган.

Олимнинг “Эътикод ва ижод” деб номланган китоби суҳбатлардан ташкил топган бўлиб, ундан Ойбекка бағишланган бешта суҳбат ўрин олган. Суҳбатларда Ойбек ижодининг турли қирралари, жумладан, лирикаси, навоийшунослик фаолияти ҳамда “Қутлуғ қон” романи хусусида янги

¹⁴³ Каримов Н. Ойбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 200 б.

¹⁴⁴ Улуғбек Ҳамдам. Бадий тафаккур тадрижи. Тошкент -2002.61-б.

¹⁴⁵ Сабирдинов А. Ойбек ва Эмиль Верхан / Жаҳон адабиёти, 2014 йил, 7-сон.

¹⁴⁶ Ҳаққул И. Эътикод ва ижод. – Тошкент. Фан, 2007. – Б. 217.

фикрлар акс этган. Уларда олимнинг катта билим ва маҳоратга эга эканлиги яққол намоён бўлади. Сухбатлардаги таҳлиллар сермазмунлиги, масала моҳиятига чуқур кириб бориши, ўзига хос қарашлар ва мушоҳадаларга бойлиги билан ўқувчи эътиборини тортади.

Умуман, И.Ҳаққулов бирор бир бадий асар ҳақида фикр юритишдан олдин, уни ниҳоятда чуқур ўрганади ва ўз даъволарининг илмий жиҳатдан бақувват бўлишига эришиш учун изчил далилли фикрлар билдиради.

2. Адабий матнга муносабат. “Адабий матн – белгилар, имо-ишоралар пардасига ўралган тилсим. У услубий бетакрорлик, кўникилмаган оҳанг. Қилни қирқ ёрадиган, маҳоратдан заргарга дарс берадиган мунаққидгина тилсимлар сирини англайди, услуб, оҳанг бетакрорлигидаги маъноларни очиб беради”¹⁴⁷. Мунаққид адабий матнни таҳлил қилишда, асосан, ундаги бадийят масалаларига асосий эътиборини қаратади. Бадийлик нуқтаи назаридан оқсайдиган шеърларнинг китобхон дидига ҳам салбий таъсиридан қуйинади. “Ватаннинг курашчан фуқароларини тарбиялаб, вояга етказмоқ учун фақат тоза сўз – шижоат эҳтиросида яралган жонли шеърлар керак”¹⁴⁸, - дея таъкидлайди мунаққид.

Нормурод Нарзуллаев қаламига мансуб қуйидаги мисралар танқидчи эътиборини тортади, шоирдан мисраларни “тушунтириб беришни” талаб этади:

Нозиккина бир ниҳол эди,

Ўтказганда она тупроққа.

Чўл ҳуснига гўё хол энди,

*Қучогласам, сизмас қучоққа.*¹⁴⁹

“Мажнунтол” таърифида келтирилган бу мисралардаги бир нечта ифода ва ўхшатишлар мунаққид эътирозига сабаб бўлган, чунончи, “чўл ҳусни”даги холга қиёсланган мажнунтолнинг қучоққа сизмаслиги мантиқсизлик. Хол

¹⁴⁷ Расулов А. Танқид. Талкин. Баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 138.

¹⁴⁸ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 188.

¹⁴⁹ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 190.

ташбихидан сўнг “кучок” ишлатилганлиги учун муаллифдан шарҳ талаб этилади. Шунингдек, ушбу муаллифнинг яна бир қатор сатрлари таҳлилга тортилиб, ундаги сўз маъносини тушунмаслик, зўрма-зўракилик билан ёзилган жонсиз ва мантиқсиз сатрлар эканлиги кескинлик билан очиб ташланади. Таҳлилда мунаққид матннинг ички структурасидаги нуқсонларга диққат қаратган.

Иброҳим Ҳаққул матнни таҳлилга тортганда ундаги камчиликлар баробарида муаллиф ютуқларини ҳам кўрсатишга интилади. Мунаққиднинг таҳлилдан мақсади фақат камчиликни кўрсатиш бўлмай, ижодкорни ўз устида ишлашга даъват этади. Унинг муаллифдан яхши шеърлар кутиши таҳлиллар баробарида келтирилган фикрларда кўринади. Айни шу ҳолатни Раззоқ Абдурашиднинг “Йўл бошида” тўплами таҳлилида кўриш мумкин. Дастлаб танқидчи шоирнинг таржимонлик маҳоратининг эътиборга лойиқлигини таъкидлайди. Унинг шеърятга кириб келиши борасида илиқ фикрлар айтади. Бироқ шоирнинг “Шеъримга” шеърини таҳлил этиш жараёнида мунаққиднинг ижодкордан кутган умидлари тобора пучга чиқиб боради.

Елкангга тоғ ортмайман асло,

Каптардан сор ясамоқ нега?! мисраларидаги шоирнинг шеър билан мулоқот қилмоқчи эканлиги, унга сирдошлигини маъқуллагандек бўлади, аммо “Каптардан сор ясамоқ нега?!” жумласининг мужмал ва сунъийлигини очиб беради. “Каптар – тинчлик ва эрк тимсоли. Биз уни образда ҳам шундай қабул қилишга кўникканмиз....нега ғайритабиий тасаввурга берилиб, ўринсиз савол қўйиш керак? Каптардан сор ясамоқ ақлга сиғмайди-ку!”¹⁵⁰ дея эътирозини асослайди. Мунаққид ушбу ўринли эътирози орқали ҳар бир шоир шеърда сўзнинг образга айланиш табиатини чуқур ҳис қилиши, нотабиий ташбеҳлардан тийилиши лозимлигини таъкидлайди.

¹⁵⁰ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 193.

Кейинги мисралар таҳлилида мунаққиднинг адабиётга, шеърга бўлган мухаббати, уни муқаддас деб билиши янада ойдинлашиб, шеърни “гўзаллар болишининг безаги” га қиёс этган шоирга эътирози кучайиб боради.

Она турса йўлда интизор,

Майли берма, унга тасалли.

Тилмоч бўлма қалбларга зинҳор,

Кундузсан деб ўтирма кунга... мисралари таҳлилида мунаққид шоирга, у орқали китобхонга ҳам бир нечта савол билан мурожаат этади: “...нега у(шеър) йўлда турган интизор онага тасалли бермасин? Шеър қалб тилмочи бўлганлиги, шундай нозик, шундай шарафли ишни уддалай билганлиги учун ҳам қимматли эмасми? ... “Тилмоч бўлма қалбларга зинҳор”, бу – қанақа таъкид? Наҳотки, шоир шеър учун инсон қалбига тилмоч бўлмоқдан олийроқ ишни кўрган бўлса?”¹⁵¹ Шеърни ушбу вазифалардан озод этиш уни ғоявий-бадийлик, гўзаллигидан, санъат асари эканлигидан-да озод этиш эканлигини яхши англаган мунаққид шоир фикрларини қатъий рад этади. “Қилич бўлиб, дил ўйнатмагил” мисрасида ҳам шеър ўзига хос бўлган энг муҳим хусусиятдан айирилганлигидан танқидчининг тоқати тоқ бўлади. Бу унинг “Ҳамма шоир ҳам дилларни сўз қиличи билан яроғлантира олса, қани эди!”¹⁵², дея шеър ҳақидаги фикрлари якунлайди. Ушбу якун ҳам ўзига хос бўлиб, унда шоир шеърининг ушбу мақомга ета олмагани, саёзлиги киноя остига олинган. Адабиётга, шеърятга нисбатан юзакилик, сўз кадрига етмаслик, уни чуқур ҳис етмаслик ҳолатини сезганда мунаққид турли сўз ўйинларидан фойдаланиб, қаттиқ киноя воситасида фикрларини баён этади. Бу талабчан мунаққид услубининг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Профессор Абдуғафур Расулов И.Ҳаққуловнинг сўз кадрига ета олиш, ҳар бир сўзнинг туб моҳиятига назар солиш маҳоратига юқори баҳо беради: “И. Ҳаққулов – сўз кадрига етадиган танқидчи. Қаердаки сўзга ҳурматсизлик бўлса, сўз нархи арзонлаштирилса, танқидчи бонг уради: “Рубоийда ҳар бир

¹⁵¹ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 194.

¹⁵² Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 195.

сўз ўз ўрнида, бўлак сўз билан алмаштириб бўлмас равишда собит туриши керак. Шундагина сўз оҳанг қанотида жаранглаб туради, мазмунга мос кайфият ва кечинмаларни акс эттиришга хизмат қилади. Бироқ “сўз гавҳарини арзон” қилмаслик ҳақида гапирган Рамз Бобожоннинг ўзи тўртликлариди сўзни ниҳоятда арзонлаштириб юборади:

*Қамишининг ичи ковак, бўйи узун бўлса ҳам,
Тўқай гули қуёшдан нур ичолмас дамо-дам,
Не ажаб! Бўйра бўлиб, қамиш ерга тўшалса,
Чечаклар чеккаларда табассум қилса қўркам.*

Биз аминмизки, қанча бош қотирилмасин, бу тўртликдан яхлит бир маънони илғаб бўлмайди. Мантиқни кўринг: “Тўқай гули офтобдан нур ичолмас дамо-дам”. Негаки, “қамишнинг ичи ковак, бўйи узун”. Бунда “не ажаб”га мутлақо эҳтиёж йўқ. Чечаклар “чеккаларда” бўлгандан кейин бўйра бўлиб қамиш ерга тўшалмаса ҳам улар табассум қилаверади-да!”¹⁵³

Чиндан ҳам Иброҳим Ҳаққулнинг тўртлик матнidan мантиқ тополмай жиғибийрон бўлганича бор. А. Расулов ҳам бунга қўшилади. Лекин баъзан матндаги техник бир хато ҳам мазмунни бузиб юбориши ва бундан танқидчи нотўғри хулоса чиқариши мумкин. Рамз Бобожоннинг юқоридаги рубоийсида “чекка” сўзи аслида “чакка” бўлиши керак, деб фараз қилсангиз, шоир унчалик ҳам мантиқсизликка йўл қўймагани аён бўлади. Албатта, мунаққид матнга қараб талқин ва таҳлил қилади, таҳрир ёки тасҳиҳ қилиш унинг иши эмас. Р. Бобожоннинг рубоийлари нуқсондан холи деган фикрдан ҳам йироқмиз, бироқ олинган мисолда ҳарф терувчининг хато қилганлиги аниқки, бу шоирни шеърхон олдида хижолатга қолдирган. Шуни илғаб қолганимиз боис ҳам шоирни оқлашга жазм этдик. Агар “чекка” сўзи “чакка” маъносида тушунилса, тўртликдан қуйидаги маъно ва мантиқ чиқади: “Ичи ковак, бўйи узун қамишлар тўқайдаги гулларнинг қуёшдан нур ичишига

¹⁵³ Расулов А. Танқид. Талқин. Баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 174.

тўсқинлик қилади, ажабланманг, шундай бўлса ҳам инсон қамишни (бўйра қилиб) оёқ остига ташлайди, гулни эса бошига кўтаради (чаккасига такади)”.

Кўрамизки, матн таҳлилида мунаққид ҳолислик тамойилидан чекинмайди. Матнда борини бекитиб, йўғини кўшиб қўймайди. Муаллифга нисбатан ижодини чеклаш, ёхуд нашр эттирмаслик талабини қўймайди. Ижод эркинлиги бор жойда табиий равишда саёз ёзиш эркинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу сабаб мунаққид асосий эътиборни китобхонларнинг эстетик дидини ўстириш, уларнинг яхшини ёмондан ажрата олиш даражасига етказишни мақсад қилади.

3. Адабий матн таҳлилига муносабат. Иброҳим Ҳаққул замонавий ўзбек адабиётининг талабчан кузатувчиси бўлиш баробарида адабий-танқидий муҳокамаларни ҳам эътибор билан кузатиб боради. Қайсидир матнга билдирилган фикр мунаққидни қониқтирмаса, муаллифнинг ёш ижодқорми ёки қатта адабиётшуноси, унга ўз муносабатини билдиради. Олим адабиётшуносликдаги саёзлик ва юзакиликка қарши қаттиқ курашиш лозимлиги, акс ҳолда бу ҳолат илм ва адабиётга азият етказишини таъкидлайди.

Мунаққиднинг жиддий эътирозига сабаб бўлган таҳлиллардан бири А.Ориповнинг “Тилла балиқча” шеърининг адабиётшунос олим Сувон Мелиев томонидан амалга оширилган. Таҳлилда С.Мелиев “Тилла балиқча – дастлабки одам, Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳи учун жаннатдан қувилган гуноҳкор Одам тимсоли”, “тор ҳовузча – кўзга ташланиб турган моддий дунё”¹⁵⁴ деган фикрларни илгари суради. Бироқ И.Ҳаққулов бу талқинни инкор этиш баробарида ҳақиқатдан жуда йироқлигини айтади. Олим наздида дунё – “тор ҳовузча” эмас, дунёнинг кадр-қимматини теран мушоҳада эта оладиган шоир дунёга тор нигоҳ билан боқмаган. Тор ҳовузчани “дунё деб англаш ва шу биқикликка тамоман кўникиш учун тилла балиқчага ўхшаб “тор ҳовузча”даги айниган сувнинг оби ҳаёт эканлигига заррача иштибоҳсиз

¹⁵⁴ Қўшжонов М., Мелиев С. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 86-87.

ишонмоқ керак”¹⁵⁵,- дея С.Мелиев талқинини қатъий рад этади. Бундан ташқари, “тилла балиқча – вужуд қобиғида қолган, руҳсиз одам фожеаси” қабилдаги талқиннинг ҳам моҳиятан тўғри эмаслигини изоҳлайди. Тўғри, бу машҳур шеърни М.Қўшжонов, Я.Қосим каби мунаққидлар ҳам таҳлил қилиб турли талқинларни илгари суришган. Танқидчи юқоридаги олимлар таҳлилига ҳам эътибор қаратган.

Танқид жараёнида мунаққиднинг бугунги адабиёт ва адабиётшунослик учун қайғуриши яққол кўринади. Таҳлилда мунаққидлар томонидан йўқ нарсани бор деб кўрсатиш, ёки аксинча, борини кўрсатиб бера олмаслик каби иллатларни киноя воситасида қаттиқ қоралайди.

Хулоса қилиб айтганда, бу соҳада мунаққид услубининг ўзига қирралари қуйидагиларда кўринади:

Олим маълум бир ижодкор шахсига муносабат орқали у ўз руҳиятига, қалбига яқин шоирларни танлаб, таҳлилга тортади.

Адабий матнга муносабатда муаллифга нисбатан нейтрал позицияда туриб, фақат матннинг ўзини чуқур таҳлил қилиб, адабиётшунослик илми учун муаяйн хулосалар чиқаради.

Адабий матн таҳлилига муносабат билдириш орқали эса таҳлил ва талқинлардаги кемтикларни очиб беришга ҳаракат қилади.

Адабиёт сингари адабий танқид ҳам жамиятни ривожлантиришга, шу орқали инсонни комилликка йўналтирар экан, бир қанча вазифаларни кўзда тутади:

Англаш ва англатиш вазифаси - И.Ҳаққул ҳар бир матн қаърига кириб, ундаги моҳиятни англайди ва китобхонга ҳам англатишга, тушунтиришга интилади.”Шеърят тили – юрак, ҳиссиёт, руҳият тили, у- мусиқа, манзара...”. (Ҳаёт, адабиёт, абадият. 181-бет).

Амалийлаштириш вазифаси эса матн қаъридан англаб олинган муҳим хулосаларни ҳаётий, долзарб вазифага айлантиришни ифода қилади. И.Ҳаққул ҳар бир мақоласида бу вазифанинг бажарилганлигини кўришимиз мумкин, зеро олим ҳар бир таҳлилни бугунги кун нуқтаи назаридан, бугунги кундаги

¹⁵⁵ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 293.

аҳамияти жиҳатидан амалга оширади. “Ҳақиқий шеър – ўқувчининг юрагида яшайдиган сўз. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармайлик” (187-бет). Ёки “Абдулла Қаҳҳор жасорати” эссеси ҳам мисол бўла олади.

Ўзгартириш вазифаси таҳлил ва танқид орқали китобхонга таъсир этиш ва уни маълум маънода ўзгартириш (матнга муносабати, ижодкорга муносабати, дунёкараши)ни ифодалайди. Чунки китобхон кўрмаган нарсаларни кўрсата олиш орқали унинг ҳаёт, адабиёт ҳақидаги фикримизни ўзгартира олади. Ва бундай вазифалар мунаққид услубининг асосини ташкил қилади десак, хато қилмаймиз.

Поэтика ва услуб муносабати.

Адабий-танқидий асарнинг жанри, композицияси, шакли, пафоси, услуби, ундаги туйғу ва фикрларнинг мутаносиблиги кўп нарсани белгилайди. Олим дунёсининг бойлиги, фикрининг серқирралиги, қизиқишларининг ранг-баранглиги, мавзу ва муаммолар кўламининг кенглиги ва буларнинг барчаси жонли, қизиқарли, эҳтирос билан баён қилиниши асарга илмий ва адабий тафаккурнинг синтезидан туғилувчи ўзига хос шакллар беради.

Ёзувчилар каби адабий танқидчиларнинг ҳам ўз услуби, ўз ижодий манераси бўлади. Академик Б.Назаров мунаққидларни шунга кўра бир неча хил тасниф қилади.

1. Биринчи типдаги мунаққидлар ижодкор асарларини унинг ўз ижоди доирасидагина туриб, чуқур ва ҳар тарафлама ўрганадилар, асосий эътиборларини унинг маҳорати, шу маҳорат сирларини очишга қаратадилар.

2. Иккинчи типдаги танқидчилар эса уларнинг услуби, манераси аниқ ёзувчи ижодини чуқур ва атрофлича ўрганишга эмас, балки унинг ижодига хос асосий белгиларни ниҳоятда ихчам, бир-икки штрихдагина кўрсатиб, уни адабий жараён билан қиёслайдилар, ижодкорнинг шу жараёнда тутган ўрнини ва унга қўшган ҳиссасини белгилашга ҳаракат қиладилар.

3. Учинчи типдаги танкидчиларнинг диққатини эса жаҳон адабий жараёнида халқаро микёсда турган муҳим назарий масалалар жалб этади. Буларнинг ижодий манераси умумлашма характерга эга¹⁵⁶.

И.Ҳаққул ижодини кузатганда кўпроқ иккинчи ва учинчи типдаги мунаққид манерасига хос фазилятларнинг бирикишини ва шу нуқтада унинг услуби намоён бўлганлигини кўрамыз.

Танкидчининг услуби унинг ижодий нияти ва кўзда тутган илмий ғояларини, муаллифни бошқалардан ажратиб турадиган ёзиш услубини амалга ошириш воситаси ва усули ҳисобланади. “Услуб кенг маънода ёзувчи ижодидаги ғоявий-бадий хусусиятлар бирлиги, тор маънода ифода услуби(тарзи баён)”¹⁵⁷.

Кенг маънода услуб тушунчаси олимнинг дунёқараши, турли жанрдаги асарларининг моҳиятини ташкил этувчи ғоялар, уни юзага чиқарувчи таъсир воситалари, тили, композицияси ва бошқаларни қамраб олади. Масалан, адабиётшунос И.Ҳаққул услуби ҳақида гапирганда, биз олим асарларининг турли мафкурадан хоилилиги, ҳаёт воқеаларига нисбатан ҳозиржавоблиги, адабиётшунослик илмига янгича қарашлар киритган илмий-эстетик тафаккури, тилининг бойлиги ва ифодалилиги, ҳассос руҳ устуворлиги, асарларининг пафоси ва структураси ва бошқаларни назарда тутамиз. Чунки шу хусусиятлар И.Ҳаққул услубини белгилайди.

Композиция услубнинг энг муҳим унсурларидан бири бўлиб, ундаги ўзига хослик бевосита олим индивидуаллигини кўрсата олади. Илмий-адабий тафаккур маҳсули бўлган тадқиқотларда композициянинг ўзига хослиги унинг турли жанрларда турлича намоён бўлиши билан белгиланади. Чунончи, тақриз жанрида ихчамликнинг ниҳоятда муҳимлиги сабабли унинг композициясида ҳам бунга амал қилинади. Аксарият тақризлар кириш, асосий қисм(таҳлил) ва хулосадан иборат бўлади.

¹⁵⁶ Назаров Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 183.

¹⁵⁷ Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 237.

Муаммоли мақола қурилиши эса нисбатан кенгрок бўлиб, унинг композициясини муаллиф турлича яратиши, мақолани бир-бири билан боғланган турли қисмларга ажратиши мумкин. Бунда муаммонинг кўлами ва таҳлил йўналишлари ҳисобга олинади. Кўринадики, композициянинг пишиқлиги ижодкор маҳоратини белгилайди. Иброҳим Ҳаққул ижодини қулатганда олим асарлари композициясининг ҳам янгичалиги, мазмун ва ғояни тўла юзага чиқаришда композициянинг ўрнини тўла англаган ҳолда яратилганлигини кўриш мумкин.

Эркин фикр-мулоҳаза юритиш тамойилига эга бўла туриб, мустақил сюжет йўналиши, қурилиши ва қаҳрамонга эга ички конструкциялар асосида таркиб тошиш – эссега хос етакчи фазилатлардан биридир¹⁵⁸. Бу жиҳатдан, айниқса, олим эсселари диққатни тартади. “Аҳмад калла” эссесида бу хусусиятни қулатиш мумкин. Композиция – услубни белгиловчи муҳим унсур сифатида асар шаклига ҳам мазмунига ҳам бевосита таъсир этади, Олимнинг “Аҳмад калла” эссеси тўққиз қисмдан иборат бўлиб, деярли, ҳар бир қисм киритма воқеалар билан бойитилган. Улар бевосита Аҳмад Дониш ҳаёти ва ижодига боғланмаса-да, муайян ғоявий мақсадга йўналтирилган. Масалан, эссенинг еттинчи қисмига киритилган Озарбайжон шоири Мулло Панох Воқиф билан боғлиқ киритма ҳикоя Аҳмад Дониш саройнинг қора ва шафқатсиз муҳитида, қандай руҳий ҳолат ва кечинмалар қуршовида фаолият юритганини чуқурроқ ёритиш мақсадида киритилган бўлса, Садриддин Айний билан боғлиқ саккизинчи қисмга киритилган киритма воқеа Донишнинг бошқалар билан муносабатини, халқнинг унга ишончи ва ҳурматини ифодалашга хизмат қилади.

Эсседа пейзаждан ҳам маҳорат билан фойдаланилган. Муаллиф табиат манзарасини эсседа юзага келган ҳолат ва кайфиятга қарама-қарши қўйиш усулидан фойдаланади. “Кўклам қучоғида эркин нафас ола бошлаган қадим Бухоронинг кент ва олис қишлоқларида ҳам ҳаёт қайнайди. Қишки

¹⁵⁸ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 150.

карахтлик, сокинлик кўнгилларни тарк этган. Дунё гўёки бир жўшқинликни – баҳор ва тириклик завқидан бошқа шукухни тан олмайдигандай. Кушлар қий-чувиға тўлиб кетган боғ-роғларда одамлар кўклам юмушлари билан машғул.”¹⁵⁹ Ушбу пейзажда табиатнинг яшариши, тириклиги ифода этилаётган бўлса, кейинги воқеалар Аҳмад Донишнинг вафоти билан боғланиб кетади. Бошқа томондан эса, тасаввуф ва ислом таълимоти билимдони бўлган И.Ҳаққуловнинг пейзажнинг бу каби кўтаринки руҳда тасвирлашига сабаб бу боқий дунёда ўзлигини англай олган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам нафсига қул бўлмаган маънавий буюк шахснинг фоний дунёга сафари унинг учун тириклик ҳаётининг бошланиши эканлигига ишорадир.

Мунаққид асарларининг композицион ўзига хослигини унинг бошқа жанрдаги ишларида ҳам кўриш мумкин. “Англаш ва ҳис этиш санъати” баҳс - мақоласида қуйидаги жиҳатлар кузатилади: а) мақолада кириш қисмга кенг ўрин берилади ва олим гапни узокдан бошлайди. Дастлаб шеърятимизнинг бугунги кундаги аҳволи, шоирлар ижоди ҳақида сўз юритади; б) асосий қисмда олим параллел таҳлил қилиш усулидан фойдаланади, яъни, аввал Сафо Очил шеърлари таҳлили ундан сўнг у томонидан салбий баҳоланган шеърлар таҳлили, кейин С.Очил томонидан мақталган ижодкорлар шеърлари таҳлили ва яна у томонидан салбий баҳоланган шеърлар таҳлили келтирилган. Мунаққид таҳлилни С.Очил шеърлари билан бошлашдан мақсад танқидчининг савияси билан ўқувчини таништириш, параллел таҳлиллар орқали эса ўқувчини яхши шеърни ўзи таққослаб, танлаб олишига ундаган; с) хулоса қисқа, ундов, даъват ва катъий талаб оҳангига эга.

“Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослигидаги мавқеи” портрет-хотира мақоласи эса ўзига хос тугун билан бошланади: “Кўхна тарихнинг деярли ҳамма даврларида, хоссатан, совет давлати ҳукм юритган замонларда илм ва ижод йўли билан юқори бир мавқе, баландроқ мартабага

¹⁵⁹ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 223.

эришиш ёки катта унвон, олий мукофотларга даъвогарлик килмоқ учун бирор гуруҳгами, тўдагами, албатта, мансуб бўлиш, хушомад, ялтоқлик, риё ва мадҳиягўйликнинг ёзилмаган қонун-қоидаларига моҳирлик билан амал қилиш шарт ҳисобланган”¹⁶⁰. Олим кулфат ва тубанлик деб баҳолаган бундай ҳолат бевосита китобхонни сергаклантиради, гап нимадалигига қизиқтириб, олим ҳаёти ва ижоди билан бу жумланинг қандай алоқаси борлигини тезроқ билишга ундайди. Шунингдек, Абдукодир Ҳайитметов ижод этган даврда адабиёт турли сиёсий таъсирлар исканжасида бўлганлигига ишора этади. Мақоланинг кириш қисмида А.Ҳайитметовнинг заҳматкаш олимлиги, зукколик ва фидойилик тимсолига айланганлигининг таъкидланиши бежизга эмас, мунаққид ўқувчида олимга нисбатан симпатия уйғотишни ва унинг таржимаи ҳолига қизиқтиришни кўзлаган. Кўринадики, композицияда ўзига хос тарзда қандайдир элементдан фойдаланиш аниқ ғоявий ва дидактик мақсадга йўналтирилган. Бу ҳам мунаққид маҳорати ва услубига хос жиҳатдир.

И.Ҳаққул тадқиқотларининг композицион қурилишига назар соладиган бўлсак, уларнинг ранг-баранглигини кўрамиз, айниқса, олим ижодида туркум мақолаларнинг учраши унинг услубига хос белгилардан бири десак адашмаймиз. Адабий танқидда ҳали илмий-назарий ўрганилмаган туркум жанри борки, бу жанрга олим тез-тез мурожаат қилади. Рус олими Егоров туркум ҳақида гапирар экан, унинг бир неча: хронологик, мавзувий ва аралаш турлари борлигини қайд этади¹⁶¹. Бадиий туркумлар яратиш (лирикада, масалан, У.Азимнинг фаслларга бағишланган туркумлари) бирикувчи – кетма-кетлик ва турли даврларни аралаш таҳлил қилишга асосланган бўлади. Адабий танқидда эса буларнинг биринчиси устунлик қилади: кўпинча туркум мақолалар кетма-кет ёзилади, кейин эса мавзулар олами ёки даврнинг ички динамик омилларини очиб беришга қаратилади.

¹⁶⁰ Ҳаққул И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Мухаррир, 2018. – Б. 214.

¹⁶¹ Егоров Б. О мастерстве литературной критики. Жанры, композиция. Стилль. – Ленинград, 1980. – С. 94.

Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, И.Ҳаққулов ижодида ҳам туркум мақолаларнинг ранг-баранглигини кўрамиз.

Олимнинг Чўлпон, Рауф Парфи, Жамол Камол ижодига бағишланган мақолаларини туркум мақолаларга киритиш мумкин. Уларда И.Ҳаққул ижодкорларнинг шеърияти, ҳаётий фаолияти, яшаган даврига муносабати-ю, даврнинг уларга муносабатидан тортиб, улар ижодининг ўрганилишигача бўлган жиҳатлар қамраб олинади.

Алишер Навоийга бағишланган бағишланган туркумлар эса ўз объектини таҳлил қилишнинг муносиб йирик “симфонияси” (Егоров)дир. Белинскийнинг Пушкинга бағишланган туркумлари ҳақида шундай фикр юритилади: “Унда мусиқанинг барча элементлари биргаликда ҳаракат қилади, турланади, такрорланади, ўзгаради... Баъзи мусиқалар эса асарнинг бошидан охиригача катта бир тўлқин билан моҳиятга кириб боради, баъзилари эса охирига етмасдан тинчланади, учинчиси эса ўртасида пайдо бўлиб, ортга бурилишга улгурмайди. Мусиқа баъзан гармоник, баъзан келишмай (диссонанс) қуйилади ва яна тарқалади”¹⁶². Бу мулоҳазаларни давр сарҳадларидан ошиб ўтаётган миллат фахри Алишер Навоийга бағишланган И.Ҳаққулов туркумларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Муҳими, туркум жанри танқидчининг бутун ижодий йўли билан чамбарчас боғланган ҳолда ўтмиш ва келажакка йўл очиб беради. Адабиётшунос олим “Навоийга қайтиш” китоблари орқали буюк шоир асарларининг, гўзал шеъриятининг бутун қудрати, моҳияти, жозибасини изчилликка асосланган туркумларида ёрқин намоён эта олган.

И.Ҳаққулнинг бир ёзувчига бағишланган туркуми ичида турли жанрдаги тадқиқотлар учрайдики, бу ҳам олим услубининг шаклий ўзига хослигини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Масалан, С.Айнийга бағишланган асарларини бир туркум деб оладиган бўлсак, улар ичида эссе,

¹⁶² Егоров Б. О мастерстве литературной критики. Жанры, композиция. Стиль. – Ленинград, 1980. – С. 96.

хотира –мақола, юбилей мақола каби жанрлар бирлашиб, ёзувчи ҳаёти ҳақидаги яхлит тадқиқот сифатида кўринади.

Олим ижодида композицион қурилиши турлича бўлган портрет - хотира мақолалар учрайди. Масалан, Рауф Парфига бағишланган “Ўлмас ва унутилмас шоир” мақоласи тўрт қисмдан иборат, улар бир-бирига мантқан боғланади, шу билан бирга ҳар бир қисм ўзича яхлитликка эга бўла олади, шоир ҳаёти ва ижодининг қайсидир жиҳатини очишга хизмат қилади. Усмон Кўчқорга бағишланган “Шоир нафаси – ўчмас нафас” хотира мақоласи эса шоир шеърояти моҳиятини очишга қаратилган бўлиб, яхлит ҳолда қурилган.

Бироқ шуни ҳам шуни қайд этиб ўтиш керакки, олимнинг барча мақолалари композицион пишиқликка эга деб бўлмайди. Масалан, шоир Тилак Жўрага бағишланган “Тутдек тўкилган юрак” мақоласи уч қисмдан иборат тарзида қурилган, китобхон нима сабабдан унинг уч қисмга бўлинганини англаб етиши қийин. Шунингдек, айрим мақолаларида кириш қисми жуда чўзилиб кетганлиги ҳам кузатилади.

Олимнинг баъзи тадқиқотлари, мақолаларида турли усуллардан фойдаланиш уларнинг композицион зичлигини, бутунлигини таъминлашга хизмат қилади. “Занжирбанд шер қошида” китобининг китобхон диққатини тортадиган жиҳатларидан бири, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қизиқарли ривоят ва дидактик ҳикояларга кенг ўрин берилишидир. Масалан, “Ривоят қилинишича, қадим-қадим замонларда оқил бир одамнинг сулув қизи бўлган эмиш. Шу дилбарга иккита фариштанинг ишқи тушибди...”¹⁶³ (“Тилга эътибор – элга эътибор”).

“Саъдийнинг “Гулистон”ида бир донишманддан: “Саховат яхшими ёки шижоатми?” деб сўраганларида, у: “Саховат бўлгач шижоатнинг нима ҳожати бор?” деган экан...”¹⁶⁴.

¹⁶³ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 20.

¹⁶⁴ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 68.

“Олис асрларда Каюмарс деган подшоҳ ўтганмиш...”¹⁶⁵ бу усуллар таҳлил этилаётган мавзунинг китобхонга тез етиб бориши ва тушунарли бўлиши учун хизмат қилади.

Тил бадий адабиётнинг бош қуроли бўлганидек, адабиётшуносликнинг ҳам етакчи қуролидир. Зеро, муаллифнинг бадий матнга ёки матн яратувчисига муносабатини, у ҳақидаги фикрлаши, хулосалари, қарашлари унинг тили орқали юзага чиқади. Ва айнан тил орқали биз адабиётшунос ички олами ва дунёқарашини, бадий матнга ва унинг муаллифига муносабатини англаймиз. Олим тил орқали китобхонни матннинг тағмаёнолари билан таништиради, муаллифни тушуниш калитларини тақдим этади, ҳам матн ижодкори сифатида ўзининг шахси, маънавияти, илмий-бадий салоҳиятини юзага чиқаради.

“Танқидчи учун мақоласининг тили ва услуби бадий асарларни таҳлил қилиш, китобхон ва ёзувчига таъсир кўрсатадиган, умуман, адабиётнинг ривожланиш жараёнининг кучли воситасидир”.¹⁶⁶ Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул илмий меросининг тил хусусиятларини тадқиқ этиш муҳимдир, чунки бу мунаққид услубини белгиловчи муҳим жиҳатлардан биридир. Олим илмий-бадий тафаккурининг қамрови кенглиги боис мақолаларининг тили ҳам бир-бирдан фарқ қилиши кўзга ташланади. Бу фарқ мақола жанри, китобхон дунёқараш ва ёши, муаллифнинг мақолада таҳлил этилаётган ижодкорга муносабати жиҳатидан фарқланади.

Мақолаларда китобхонлар аудиторияси савияси ва дунёқарашини инобатга олиш олим ижодининг эътиборга молик фазилатларидан биридир. Унинг мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб ёзилган асарлари тилининг соддалиги, қизиқарлилиги, ўта илмий ва узун баёнлардан холилиги ва равланлиги билан аҳамиятли. Ёш китобхонларга масала моҳиятини осон тушунтириш унинг зидди билан қиёсланиб, амалга оширилса, янада самарали

¹⁶⁵ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 25.

¹⁶⁶ Бурсов Б. Мастерство Чернышевского критика. – Ленинград: Советский писатель, 1956. – С. 273.

бўлишини теран англаган И.Ҳаққул “Занжирбанд шеър қошида...” китобида фикрларини тушунтириш, байтларни шарҳлашда антитезадан самарали фойдаланган: “Сўзнинг эътиборлиси ва яхисиси – чин сўз. Энг ёмони – ёлғон”¹⁶⁷. Бу йўл билан олим ўқувчиларни Алишер Навоий асарлари моҳиятини чуқур тушуниш ва ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишга чорлайди.

Иброҳим Ҳаққул айрим мақолалари, хусусан, эсселари тили бадий асарга жуда яқинлиги билан ўзига хослик касб этади. Бу бир томондан эссе жанрининг ўзига хос хусусияти бўлса, иккинчи томондан олим услуби ширали тилининг жозибасини намоён этади. Олим томонидан қўлланиладиган ўхшатишлар, маъно кўчишлар (метафора, синекдоха, киноя), жонлантиришлар асарнинг жозибасини ошириб унинг мароқ билан ўқилишини таъминлайди. Олим мақолаларида “адабиёт” сўзини баъзан ўз маъносига баъзан кўчма маънода кўплаб қўллайди. Аксарият ҳолларда уни жонлантиради: “Адабиётга хиёнатни ҳаммадан олдин адабиёт сезади - уни сотганларни адабиёт сотмайди, улар ўз-ўзини сотади, ўз-ўзини аянч ахволга гирифтор этишади.”¹⁶⁸ Ушбу жумлада “Адабиёт” кўз олдимизда кўплаб хиёнатлар, жафоларни бошидан ўтказган, аммо буюк қудратга эга ҳодиса сифатида гавдаланади. Ва шу жумла орқали адабиёт тарихи, бугуни ва келажаги борасидаги фикрлар китобхон қалбини чулғаб олади. Ёхуд “Ҳақ-ҳуқуқсиз яшашдан толиқиб, айтарли ҳамма нарсага бефарқ қарашга кўниккан одамлар қалбига адабиётдан ойдin нур оқиб келарди”¹⁶⁹ жумласидаги “адабиётдан қалбга нур оқиб келиши”ни моҳирона топилма дейиш мумкин. Ушбу метофорик бирикма орқали инсон қалбида кечадиган ҳузурбахш бир ҳолат манзараси чизилган. Шунингдек, адабиётнинг нажоткорлик хусусияти таъкидланганки, бу ўқувчини мушоҳадага, китобхонликка даъват этади.

¹⁶⁷ Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 23.

¹⁶⁸ Ҳаққул И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Мухаррир, 2028. – Б. 56.

¹⁶⁹ Ҳаққул И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Мухаррир, 2028. – Б. 107.

И.Ҳаққул ижодида илмий ва бадий тафаккурнинг қоришиқлиги, айрим мақолаларда соф илмий услубдан фойдаланилган бўлса, айримларида бадий тилнинг жозибасини кўриш мумкин. Масалан, олимнинг Ойбек лирикаси таҳлилига бағишланган “Ойбек шеърояти ва шахсиятига доир” муаммоли мақоласини кўздан кечирсак, мақола тилининг ўзига хослигини кўрамиз, олим турли ташбеҳлардан моҳирона фойдаланади: “Оламни мунаввар қилган нур ва ёлқин офтобдан таралгани билан унинг айнаи ўзи эмас-да”¹⁷⁰. Бу ўхшатиш Ойбек кўнглига тегишли, ушбу жумла орқали мунаққид шоир кўнглининг чексиз уммонлигига, уни ҳар қанча таърифлаган билан бутунлигича, тўла ифодаб бўлмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари, Ойбекка берилган “кашф этилмаган сир”, “сўз сеҳргари”, “сир шоири” каби таърифларда мунаққиднинг шоирга чексиз муҳаббати, ихлоси, шунингдек, Ойбек ижодининг билимдони эканлиги яққол сезилади.

Иброҳим Ҳаққулнинг адабий-танқидий мулоҳазалари сиқиклиги, ўткирлиги билан, тили эса бу майдонда ўзининг афористиклиги билан ҳам ажралиб туради. Афоризмлардан, асосан, фикрни далиллашда, ихчам ифодашда, матн жозибасини оширишда, мунаққид баҳс юритаётган муаммонинг барча замон ва маконларда муҳим эканлигини таъкидлашда фойдаланилади. Шу сабаб афоризмлар кўлами ҳам кенг: айнаи бир ҳодиса шарҳида ҳам шарқ адабиёти ҳам ғарб адабиётининг даҳо ижодкорлари фикрларидан фойдаланилади. Масалан, олимнинг Шекспир ижодига бағишланган “Буюк қалб муҳаббати” мақоласини кузатсак. Мақола бир ғарб шоирининг “Кўнгил билан фикрлаб, ақл билан ҳис қилишни ўргангил”¹⁷¹ деган фикри билан бошланади. Олим бу фикр орқали Шекспир ижодининг айнан шу хилда яратилганлигини айтиш билан бирга, китобхонга кўнгил ва ақл мувозанатини таъкидлайди. Мақолада рус адиби Н.В.Гогол, олмон шоири Гёте, даниялик файласуф Серён Керкегор, француз шоири Буало, араб мутафаккир шоири Ибн Арабий ва

¹⁷⁰ Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 275.

¹⁷¹ Ҳаққул И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Муҳаррир, 2018. – Б. 56.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан моҳирона фойдаланилган. Мақолада келтирилган афоризмлар орқали Шекспир ижодининг ҳудудсиз кенглиги ва бугунги кундаги аҳамиятини ҳам англаб оламиз. Шунингдек, олим илмий тафаккури кенглиги, ҳам Ғарб ҳам Шарқ адабиётининг етук билимдони эканлигини кўриш мумкин.

Иброҳим Ҳаққул мақолаларида “шахс” сўзининг ишлатилиши эътиборни тортади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўз 1- Кимса, киши, зот маъноларини англатиб, жамиятдаги алоҳида бир кишини ифодалаши; 2-шахсият маъносида келиши айтилган.¹⁷² Олим бу сўзни баъзан имло қоида­сига кўра гап ўртасида кичик ҳарфлар билан ёзса, айрим ўринларда қоидага зид равишда биринчи ҳарфини катта ҳарф билан баъзан эса барча ҳарфларини катта ҳарфлар билан ёзади. Биринчи ҳолатда сўз ўз луғавий маъносини ифодалайди, аммо иккинчи ва учинчи ҳолатда “шахсият” сўзи англатадиган мазмунга мос қелади ва бир қанча услубий маъноларга ҳам эга. Чеховга нисбатан “Бу бетакрор Шахсни мен рус халқи ва адабиётининг бебаҳо бойлиги деб биламан”¹⁷³ деганда “шахс” сўзи орқали унинг рус ва жаҳон адабиётида турган ўрнининг бекиёслигига ишора қилинади. “Менинча, “Миллатчи” ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўядиган кимса эмас, балки уни ҳеч қайси улуғ миллатдан паст қўрмайдиган, тил, тарих ва маданиятининг камситилишига чидай олмайдиган ғурурли ШАХСдир”¹⁷⁴ деганда эса “шахс” сўзида ўз халқи тақдирига бефарқ бўлмаслик, озодликка интилиш, фидойилик, мардлик семалари ҳам мужассам. “Ўзининг миллий салоҳияти ва тафаккур куч-қувватига ишонч кучайишини истаган халқ биринчи навбатда Шахсни вояга етказадиган таълим-тарбия тўғрисида ўйлаши зарур.”¹⁷⁵ Иброҳим Мўминовга аталган эсседан олинган ушбу парчада эса, “шахс” сўзи орқали камолот босқичларининг эгалланилиши, бу эса ватанпарварлик туйғулари

¹⁷² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4-жилд. 2008. – Б. 557.

¹⁷³ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 119.

¹⁷⁴ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 50.

¹⁷⁵ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 129.

билан боғланиб кетишлиги таъкидланади. “Энди ижодда ҳам мутлақо мустақил, бутун борлиғи ила санъаткорликка содиқ кучли Шахслар фаолият бошлаши зарур”¹⁷⁶ – ушбу мисолда эса, бу сўз орқали ўз-ўзини англашга даъват маъноси англашилмоқда. Кўринадики, олим биргина сўз воситасида турли маъноларни ифодалай олган, айнан шу сўз орқали айтмоқчи бўлган фикрига таъкидни кучайтирган. Бу унинг сўз маъносини чуқур ҳис этиб, уни қўллашдаги маҳоратини кўрсатади.

Сарлавҳа – услубни белгиловчи деталь сифатида мунаққид маҳоратига таъсир этади. Мақолага сарлавҳа танлашда ҳам ҳар бир ижодкорнинг услуби фарқланади. Иброҳим Ҳаққул мақолаларига танланган сарлавҳаларнинг бир қанча ўзига хос жиҳатлари бор. Олим, аввало, мақола мазмунини умумий қамраб олишга интилади, бу хусусият, албатта, қўплаб ижодкорларга хос. Иккинчидан сарлавҳани мақолага очқич қилиб йўналтиришга интилади, моҳият сарлавҳада акс этади, учинчидан, сарлавҳалар бадиий жиҳатдан бойитилади, тўртинчидан таҳлилга олинган ижодкор ижодидан унумли фойдаланади, бу асосан, мунаққиднинг адабий-маърифий суҳбатларида яққол кўзга ташланади. Бешинчидан, қурилиши содда ва ихчам.

Академик Бахтиёр Назаров ҳам олимнинг сарлавҳа танлаш борасидаги маҳоратини алоҳида таъкидлаб, “Навойга қайтиш” жумласи мазмунини ёритиб берган.¹⁷⁷ Бу сарлавҳа номи остида мақолалар моҳияти акс этибгина қолмай, улкан даъватни ҳам кўриш мумкинки, халқимизнинг, адабиётимизнинг “Навойга қайтиш”и уни юксалиши, ундан маҳорат ва илму адаб сирларини ўрганишига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Иброҳим Ҳаққул сарлавҳаларидан унинг ким ҳақида эканлигини тушуниш адабиёт ихлосмандлари учун қийин эмас. Масалан, “Тутдек тўкилган юрак” мақоласи

“Тутдек тўкилди юрагим,

¹⁷⁶ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 219.

¹⁷⁷ Назаров Б. Моҳиятга муҳаббат. Китобда/Моҳиятга муҳаббат. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 37.

Аламнинг ҳар қамчисидан...” мисралари муаллифи Тилак Жўра ҳақида. Мақолани ўқиш жараёнида бу сарлавҳа нафақат шу шеърда келтирилгани учун, балки шоир ижодининг умумий руҳини, шоир қалбини ҳам ифодалашини кўриш мумкин. Шунингдек, ушбу сарлавҳанинг яна бир жиҳати, оҳангдорлиги, жаранги эътиборни тортади. “Тутдек тўкилган юрак”- мунаққид ҳарфларнинг уйғунлигига, аллитерацияга аҳамият бергани ва бу шоир исмига-да ҳамоханглиги (Тутдек, Тилак, юрак) шунчаки тасодиф эмас.

Иброҳим Ҳаққул томонидан танланган сарлавҳаларга назар солсак, уларда тиренинг жуда кўп қўлланилганлигини кўриш мумкин. Айниқса, “Занжирбанд шеър қошида...” китобига киритилган мақолалар сарлавҳасининг аксариятида бу яққол кўринади: “Тарих – хотира чироғи”, “Қора ранг – муборак ранг”, “Билим – эътиқод нури”, “Ёшлиқ – умр кўклами”, “Хатони англамоқ – халос бўлмоқ”, “Ичкилик – афсус суви”, “Танқид – виждон ҳамласи” каби сарлавҳаларда эга ёки кесим, айримида эса ҳар иккаласи бирикма билан ифодаланган ва сифатлашдан фойдаланилган. Боғлама бўлмагани сабаб тире ишлатилган бўлса-да, унинг услубий жиҳатлари ҳам бор. Тирелар таъкид, ихчамликка интилиш, жумланинг жозибадорлиги ошириш,кабиларга йўналтирилган.

“Нодонлик - ёвузлик”, “Саховат тан, ҳиммат - жон”, “Ишқ – ҳақиқат, ишқ – тириклик”, “Ит – рафик, ит – ракиб” каби сарлавҳаларда эга ва кесимни боғлаган тирелар жумлада айтилмоқчи бўлган фикр таъкидини ва таъсирини оширган. Бундан ташқари сарлавҳаларда таъкидни кучайтирувчи такрорлар (ишқ, ит), антонимлар (рафик-ракиб) ҳам борки улар ҳам китобхон учун мавзуга киришиш учун очкич бўлиш билан бирга хотирада осонгина муҳрланиб қолади. Эътибор қаратадиган бўлсак, сарлавҳаларнинг деярли барчаси қиёслаш асосида қурилган. Қиёс ва сифатлашларда ҳеч қандай ортиқча грамматик восита қўлланилмай, барчасининг вазифаси тирега

юкланган. Бу ҳам олимнинг тил воситаларидан моҳирона фойдаланганлигини кўрсатади.

Мунаққид мақолаларининг яна бир жиҳати борки, бу ҳам китобхон диққатини тезда ўзига жалб этади. Бу унинг сўроқ гаплардан моҳирона фойдаланиши. Мунаққид оддий сўроқ гаплардан, асосан, китобхон билан мулоқотга киришиш, диққатни жамлаш ва уни фикрлашга даъват этиш мақсадларида фойдаланади. Масалан, Чўлпонга бағишланган “Ўлка қайғуси” мақоласида “Босмачи” сўзини ким ўйлаб топган? Қандай киши босмачи дейилади?”¹⁷⁸ дея қўш савол қўяди. Кўриниб турибдики, ушбу саволларга илмий, аниқ жавоб топиш муаммо, бу саволларнинг берилишидан мақсад китобхонни фикрлашга чорлаш, шунингдек, Чўлпон яшаган давр руҳиятига ўқувчини олиб кириш. Саволларда жавоб излаш, фикрлаш натижасида ўқувчи муаллиф айтмоқчи бўлган фикрларни кенгроқ тушуниб олиш имконига эга бўлади. Баъзан олим тадқиқ этилаётган масалага янада чурурроқ кириш эҳтиёжи туғилганда ҳам сўроқ гаплардан ўринли фойдаланади. Жумладан, Бобурнинг нафснинг душманлиги борасидаги байтлари таҳлилида шундай савол қўйилади: “Ҳақиқатда шундайми? Нафсни ҳамиша ғаним деб билиш, уни тўхтовсиз маломат қилиш керакми?”¹⁷⁹ бу ўринда савол берилишидан мақсад китобхонга янада кенгроқ, илмий асослар билан жавоб тақдим этиш. Мақола давомида ҳар иккала савол ўзининг теран ечимини топган. Бу каби саволлар, асосан, олимнинг тадқиқот мақолаларида қўлланилади ва маълум муаммонинг ечимини излашга калит вазифасини ҳам ўтайди.

Бундан ташқари риторик сўроқ гаплар ҳам олим ижодида кўп ўринларда қўлланилади. Алишер Навоийнинг “*Кирма савдо баҳрига оламдин истаб суджим...*” мисрасини таҳлил этар экан, олим савдо-сотик дарёсига эътиборини қаратади ва “Унда кимлар сузмагану, кимлар чўкмаган?”¹⁸⁰ дея

¹⁷⁸ Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт, абадиёт. – Тошкент: – Тафаккур, 2019. – Б. 50.

¹⁷⁹ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 3. Тошкент: – Тафаккур, 2016. – Б. 35.

¹⁸⁰ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш – 3. Тошкент: – Тафаккур, 2016. – Б. 140.

савол қўяди. Бу савол муаллифдан ҳам китобхондан ҳам жавоб талаб этмайди. Аммо китобхонни мушоҳадага чорлаши, шубҳасиз. Ушбу риторик сўроқ гап орқали ёлгон дунёга муккасидан кетиб умр мазмунини бой берманг деган огоҳлантириш ва даъват ҳам мужассам.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Ҳаққулнинг илмий-адабий тафаккури кенгликларни қамраб олган, мақолалари тилининг бўёқдорлиги, бадиий воситалардан моҳирона фойдаланилганлик каби хусусиятлари билан ўзига хослиги ва ижодкор услуби индивидуаллигини ҳам таъминлаган. Шунингдек, сўзга бўлган муносабат – ихчамликка интилиш, сўз маъносини чуқур ҳис қилган ҳолда ўз ўрнида қўллаш кабилар олим мақолаларининг адабиётшунослигимиздан муносиб ўрин эгаллашини таъминлади десак хато бўлмайди. Иброҳим Ҳаққул айрим мақолалари, хусусан эсселари тилида бадиийлик кучли ифодаланган шу билан бирга ижодкор “мен”и устувор. Бу бир томондан эссе жанрининг ўзига хос хусусияти бўлса, иккинчи томондан олимнинг услубидаги ижодкорлик, жонлиликнинг натижаси.

Хулоса қилиб айтганда, адабий танқидда илмий-эстетик тафаккурни намоён этиш, танқид жанрларини ривожлантириш ҳар бир мунаққиднинг услубини белгилайдиган муҳим омиллардан биридир. Портрет-мақолаларида ижодкорнинг ҳаётига оид маълумотларни асарларига баҳо бериш тамойиллари орқали ўқувчига етказишда фаоллиги кўзга ташланади. Олим эссе яратишда, энг аввало, бадиий асарни теран англаб, мазмун-моҳиятини ўқувчига етказиш баробарида муаллиф руҳиятига китобхонни яқинлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Олимнинг турли жанрдаги асарларида устозлар анъаналаридаги сўз табиатини тушуниш, талабчанлик, фидойилик, сунъийликка қарши кураш каби хусусиятлар сезилса-да, бадиий асарни чуқур ва атрофлича таҳлил қилишнинг янгича усуллари ва тамойиллари намоён бўлганини кўрамиз.

Танқидчи услубида маълум бир ижодкор шахсига муносабат орқали у ўз руҳиятига, қалбига яқин шоирларни танлаб, таҳлилга ториш, адабий матнга муносабатда муаллифга нисбатан нейтрал позицияда туриб, фақат матннинг ўзини чуқур таҳлил қилиб, адабиётшунослик илми учун муяйян хулосалар чиқариш, адабий матн таҳлилига муносабат билдириш орқали эса таҳлил ва талқинлардаги кемтикларни очиб беришга ҳаракат қилиш устуворлиги кўзга ташланади.

Мунаққид асарлари поэтикасида энг устун жиҳат сўзнинг ички имкониятларини ишга солиш, миллий тилнинг бойлигини намоён этишда кўринади. Киноя ва бадиий тасвир воситаларидан, фольклоризмлардан маҳорат билан фойдаланиш, сарлавҳаларнинг ихчам ва образли танланиши олим услубининг муҳим белгиларидандир.

FOR AUTHOR USE ONLY

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Танқидчи услубини белгиловчи унсурлар адабиётдаги каби серқиррадир. Ҳаёт тасвирланган бадиий матнни таҳлил қилиш унинг асосий вазифаси бўлиб, танқидчининг объекти бадиий матн сатҳлари ҳисобланади. Ёзувчининг услуби унинг дунёни кўриш ва санъатни ўзига хос идрок этиш ва бу ҳаёт қонунларини англаш билан боғлиқ. Танқидчи услуби ҳам унинг ижодий ниятини, ўз олдига қўйган вазифаларни, унинг бошқалардан ажралиб турадиган ёзиш услубини амалга ошириш воситаси ва усули ҳисобланади. Танқидчи услуби ҳам дунёни кўриш ва санъатни ўзига хос – илмий-адабий тафаккур чиғириғидан ўтказиб, идрок этиш ва эстетика қонунларини англаш билан боғлиқ.

2. Услубни шакллантирувчи ва намоён қилувчи услуб омиллари – ижодкор мансуб давр ва муҳит, маҳорат, ижодкорлик, истеъдод; унсурлари – жанр, тил, композиция, таҳлил методларидан фойдаланиш маҳорати, пафос; ташувчилари – таҳлил этилаётган асар баҳонасида ҳаёт ва воқелик, инсон ва келажак ҳақидаги мустақил мушоҳадаларнинг баён қилиниши, воқелик ва бадиий асарлардаги “сир”ларнинг аниқланиши, ҳаёт билан алоқадорлиги кабилар услубнинг бадиий қонуният эканлиги ва унга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш лозимлигидан келиб чиқиб, тасниф қилинди.

3. И.Ҳаққул ижоди унинг бошқа адабиётшунослар – Н.Комилов, М. Қўшжонов, Н. Каримов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров каби етук олимлардан ажралиб турадиган индивидуал хусусиятлардангина иборат бўлмай, қўлга киритган ютуқлардан баҳрамандлиги асосида ўз услубини шакллантира борганлиги учун ҳам мустақил, хусусий, айна вақтда улар билан боғлиқ ҳодисадир.

4. Иброҳим Ҳаққул илмий-адабий тафаккури маҳсули бўлган тадқиқотларидаги теран фикрлилик, таҳлилда изчиллик, мушоҳадаларнинг ўткирлиги, назарий билимларининг чуқурлиги, далиллаш санъатида моҳирлиги, баёнда илмий ва бадиийликнинг каби бир қатор хусусиятлар

бошқа адабиётшунос олимлардан ажратиб турадиган жиҳатлар сифатида намоён бўлади. Бироқ бу белгилар у ёки бу жиҳатлари билан умумийлик ҳосил қилса-да, олимда айни ҳолда такрорланмайди.

5. Олимнинг Навоий ижодини халққа яқинлаштириш фаолияти таҳлилларнинг содда ва равлонлиги, ҳар бир масаланинг бугунги кун нуқтаи назаридан ёритилиши ва таҳлилларда аҳамият қаратилган масалалар келажакни ҳам қамраб олиши жиҳатидан ўзига хосдир. Шу йўналишдаги асарлари бугунги кун ўқувчиларининг онгу тафаккурига мўлжаллаб ёзилганлиги, буюк шоир ижоди сиру сеҳрини ёш китобхонга очиб бера олиши жиҳатидан катта аҳамият касб этиб, функционал йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар сифатида бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмагани жуда муҳимдир.

6. Танқидчи услубига хос хусусиятлардан яна бири шуки, бир мавзуга қайта мурожаат қилиш орқали уни тўлдириш, камчиликларини тузатиш ва бойитиш йўлидан бориш. Унинг бу фазили олимнинг ёзиб тугаллагандан кейин ҳам ўз мақолалари устида ишлаши, илмий дунёқарашини кенгайтириш йўлида тинимсиз меҳнат қилишини англатиш билан бирга, олимнинг талабчанлик позицияси ўзига ҳам тегишли эканлигини кўрсатади. Бунинг натижасида Алишер Навоий ижоди таҳлили ва талқинида янги фикрлар ўртага ташланади.

7. Бадиий матн таҳлилида турли сатҳларни қамраб олиш услубнинг муҳим белгиларидан биридир. И.Ҳақкулнинг ғазаллар таҳлилида Навоий руҳиятига яқинлашишга интилиши, ҳар бир сўзнинг шоир ижодида образга айланиши ва янгича мазмун касб этишини чуқур англаши, матнни турли мафкуралардан холи таҳлил этиши кузатилади. Таҳлиллар маърифий йўналиш касб этиб, улар орқали Навоий илгари сурган умуминсоний фазилатларга даъват этилади.

8. Олимнинг адабиётшуносликда яратган теран мақолалари, эркин фикрларга тўйинтирилган эсселари, ижодкор ва танқидчининг ўзаро илмий-

адабий вобасталиги акс этган адабий суҳбатлари, ҳақиқатга интилишини намоён этувчи баҳслари, объектга олинган шоир ёки ёзувчи ҳақиқий қиёфасини намоён этувчи портрет- мақолалари, давр адабий жараёнини акс эттирган ва умумлаштириб, адабиёт ривожига кўмаклашадиган обзор мақолалари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

9. Ёзувчининг тили бадий буёқларга эга бўлса, танқидчи тили илмий ва бадийлик синтези асосида шаклланади. Бу олим асарларининг замонавий рух билан суғорилгани, бадий матнни ўзига хос усулда таҳлил қилиши, ўртага ташланган муаммога дадиллик билан ёндашиши ва хулосалар чиқара олиши, мақола, эссе, тадқиқотлар тилининг бойлиги, ифодалилиги, аниқлиги, жозибали чиқиши учун турли ривоят, ҳикоятлардан фойдаланиши, жанрлардаги новаторлигида яққол намоён бўлади.

10. Танқидчи мумтоз адабиётни ўрганиш асносида XX аср ўзбек адабиётига янгича қараш ва талқинларни олиб киришга муваффақ бўлди. Мунаққид тилининг ўзига хослиги, кочириملардан моҳирона фойдаланиш, кучли эҳтирос, фикрларнинг ёркинлиги асарларининг ўқимишли бўлиши ва китобхонга тўла етиб боришини таъминлаган, бу хусусият унинг чўлпоншунослик ва ойбекшуносликка қўшган ҳиссасида яққол кўринади ва янгича қарашларга ҳамда мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

II. Асосий адабиётлар, монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

3. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 152 б.

4. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: Фан, 2008. – 180 б.

5. Ахмедова Ш., Қахрамонов Қ. Чин олимлик саодати. – Тошкент: Наврўз. 2015. – 112 б.

6. Ахмедова Ш. Н. Ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби. Филол. фан.д-ри...дисс.– Тошкент, 2010. - 220 б.

7. Баранов В. И., Бочаров А. Г., Суровцев Ю. И. Литературно-художественная критика. – Москва: Высшая школа, 1982. – 207 с.

8. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1989. – 926 с.

9. Барт Р. Критика и истина // Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика/ – Москва: Прогресс, 1989. – С. 319-74.

10. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики: Исследования разных лет. – Москва: Художественная литература, 1975. – 502 с.

11. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 264 б.
12. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 426 б.
13. Бореева Т.Н. Литературно-критическая деятельность М.А. Волошина: Автореф. дисс....канд.филол.наук. - Казань. 1996.
14. Бурсов Б. Мастерство Чернышевского критика. – Ленинград: Советский писатель, 1956. – 338 с.
15. Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – 144 б.
16. Воҳидов Р., Эшонқулов Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – 528 б.
17. Виноградов В. В. Проблема авторства и теория стилей. – Москва: Художественная литература, 1961. 614 с
18. Егоров Б.Ф. О мастерстве литературной критики: Жанры, Композиция.Стиль. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 231с.
19. Jenefer M. Robinson. Style and Personality in the Literary Work // The Philosophical Review. Vol. 94, No. 2 (Apr., 1985), pp. 227-247
20. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Наука, 1977. – 408 с.
21. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр.-Т.: “Ўқитувчи”, -1996.
22. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.
23. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 356 б.
24. Ivan Callus, James Corby, Gloria Lauri-Lucente. Style in Theory: Between Literature and Philosophy. – USA: Bloomsbury Publishing, 2012. – 288p.
25. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – 168 б.

26. Истиқлол. Адабиёт. Танқид. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: С.Куронов ва бошқалар. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014. – 312 б.
27. Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари. - Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2000, 286.
28. Кант И. Критика способности суждения.–Москва: Мысль, 1966. – 504 с.
29. Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ., 2016. – 364 б.
30. Каримов Н. Ойбек. Ажойиб кишилар ҳаёти. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 200 б.
31. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – 536 б.
32. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – 316 б.
33. Ли бен Хун. Проблема художественного образа в литературной критике В.Г.Белинского: Автореф. дисс....канд. филол.наук. -М.,1999;
34. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент:Ўқитувчи, 1965. –748.
35. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 152 б.
36. Мамажонов С. Теранлик. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. – 190 бет.
37. Мамажонов С. Услуб жилолари. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – 220 бет.
38. Мелиев С. Глобал илмий-бадний талқин поэтикаси. Филол. фан-д-ри...дисс.– Тошкент, 2020. 226 б.
39. Мирзаалиева Н.У.Нормативнинг адабий портрет яратиш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014, 5-сон.

40. Мирзаев Т., Очилов Э. Истеъдод ва масъуллик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2009, 27 март, – №13.
41. Моҳиятга муҳаббат. Тўплам / масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Тошкент: Tafakkur, 2019. – 528 б.
42. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.
43. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўртинчи том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – 560 б.
44. Navoiy A. Lison ut-tayr. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009. – 472 b.
45. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 654 б.
46. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. – 283 б.
47. Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – 396 б.
48. Назаров Б. Танқидчи шахси ва ижодий ўзига хослик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008, 6-сон.
49. Назаров Б. Давр ва мунаққид // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012, 6-сон.
50. Nelson Goodman. The Status of Style // *Critical Inquiry*. Vol. 1, No. 4 (Jun., 1975), pp. 799-811 pp.
51. Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – 200 б.
52. Николаев А. И. Основы литературоведения: учебное пособие для студентов филологических специальностей. – Иваново: ЛИСТОС, 2011. – 255с.
53. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1987. – 224б.
54. Очилов Э. Бир ховуч дур. – Тошкент: 2011. – 166 б.

55. Очилов Э. Нажмиддин Комилов – навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017, 1-сон.
56. Поспелов Н.Т. Проблемы литературного стиля. – Москва: Высшая школа, 1970. – 352 с.
57. Расулов Абдуғафур. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.
58. Расулов А. Услуб – истеъдод портрети. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 35 б.
59. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси (20-асрнинг 80-90 йиллари материаллари асосида). Филол. фан. д-ри...дисс.– Тошкент, 2002. 275 б.
60. Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 327 б.
61. Раҳимжонов Н. Бадиият – бош мезон. – Toshkent: Akademnashr, 2016. – 224 б.
62. Санжар Содик. Сўз санъати жозибаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
63. Саримсоқов Б. Алишер Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000, 1-сон.
64. Соколов А.Н. Теория стиля. – Москва: Искусство, 1968. – 224 с.
65. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002. – 108 б.
66. Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Тошкент: Фан, 1973. – 136 б.
67. Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. Курс лекций. – Ленинград: Учпедгиз, 1959. – 525 с.
68. Тўлаганова С. Ижодкор шахсияти ва бадиий қаҳрамон: Навоий шахсиятининг ўзига хослиги. [www// xurshid davron kutubxonasi](http://www.xurshid.davron.kutubxonasi).
69. Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
70. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2018. – 308 б.

71. Умунов Ҳ. Таҳлил санъати. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. – 144 б.
72. Умунов Ҳ. Адабиёт назарияси. Дарслик. -Тошкент: Шарқ,2002. 256 б.
73. Фитрат А. Адабиёт қоидалари: Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 112 б.
74. Xalliyeva G. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Toshkent: Akademnashr, 2020. – 160 b.
75. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Художественная литература, 1977. – 446 б.
76. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-манбаа акциядорлик компанияси, 2008. – 368 б.
77. Çalikan Adem. Üslûp ve üslûpblm üzerine-4: üslûp ve üslûpblm siniflandirmalari.// Uluslararası Sosyal Aratırmalar Dergisi. Cilt: 8 Sayı: 38. Haziran 2015. 44-87-6
78. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент, “Ҳазина” нашриёти, 1996.
79. Шайхзода М. Асарлар, VI томлик. IV том. Ғазал мулкининг султони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 372 б.
80. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004.
81. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004. – 456 б.
82. Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 416 б.
83. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 170 б.
84. Эйдинова В. Стиль художника: Концепции стиля в литературной критике 20-х гг. /В. Эйдинова. М.: Художественная литература, 1991. 284 с.

85. Эргашев Қ. Услубнинг шаклланишида давр билан боғлиқ омиллар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 1-сон. – Б. 13-21.
86. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –608 б.
87. Ўзбек адабий танқиди: [антология] / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: Каримов Б. – Тошкент: TURON IQBOL, 2011. – 544 б.
88. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. II томлик. I том – Тошкент: Фан, 1987. -348 б.
89. Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. – 152 б.
90. Қахрамонов Қ. Истиқлол даври ўзбек танқидчилиги методологиясининг янгиланиш тамойиллари. Филол. фан.д-ри...дисс.— Тошкент, 2011. 326 б.
91. Қаюмов Л. Аср ва наср. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975.
92. Қувонов З. Абдукодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс.— Самарқанд, 2020. – 169 б.
93. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – 480 b.
94. Қуронов Д. Талқин имконлари. – Тошкент: “Турон замин зиё”, 2015. – 88 б.
95. Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 128 б.
96. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.
97. Қўчқорова М. Истеъдод кирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014, 3-сон.

98. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 342 б.

99. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 232 б.

100. Қўшжонов М, Мелиев С. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. –136 б.

101. Ғафуров И., Исмоилов А. Дил кўзгусидаги қиёфа. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти.1982. – 136 б.

102. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 192 б.

103. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: 2015.– 328 б.

104. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: Фан, 1970. – 331 б.

105. Ҳамдам У. Мунаққид масъулияти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012, 5-сон.

106. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий (жанрнинг поэтикаси ва тарихи). – Тошкент: Фан, 1981. –100 б.

107. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 224 б.

108. Ҳаққулов И. Шеърят. Руҳий муносабат. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 224 б.

109. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 240 б.

110. Ҳаққулов И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 236 б.

111. Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. – Тошкент: Фан, 1991. – 72 б.

112. Ҳаққулов И. Ким нимага таянади. – Тошкент:Зарқалам, 2006. – 144 б.

113. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ , 2007. – 336 б.

114. Ҳаққулов И. Ўътиқод ва ижод. –Тошкент: Фан, 2007.–248 б.
115. Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш: 2-китоб. –Тошкент: Фан, 2011.–200 б.
116. Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш: 3-китоб. – Тошкент: Тафаккур, 2016. –224 б.
117. Ҳаққулов И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Муҳаррир, 2018. – 284 б.
118. Ҳаққулов И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – 320 б.
119. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарк, 1999. – 212 б.
120. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1979. – 300 б.

III. Интернет сайтлари:

121. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ushakov>
122. www.dissercat.com/content/filosofsko-filologicheskaya-kontseptsiya-telav-rabotakh-vv-rozanova-f-nitsshe-i-mm-bakhtina#ixzz5cS8boFo6
123. <https://cyberleninka.ru/.../ahmed-yasevi-zhizn-i-tvorcheskaya-deyatelnostk-voprosu-izucheniya>
124. <http://cheloveknauka.com/literaturno-kriticheskaya-deyatelnost-a-mskabichevskogo-v-otechestvennyh-zapiskah-1868-1884-godov#ixzz5cS9mVai6>
125. <https://www.listos.biz/>

Ўадвали мундариџа

КИРИШ	5
I БОБ. АДАБИЁТШУНОСЛИҚДА УСЛУБ ВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ ТАФАККУР ИНДИВИДУАЛЛИГИ МАСАЛАСИ	8
II БОБ. НАВОИЙ ЛИРИКАСИ ТАДҚИҚИДА ОЛИМ УСЛУБИНИНГ ТАДРИЖИ	40
III БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАЛҚИНЛАРИ: МАҲОРАТ ВА УСЛУБ.....	84
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	104
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:.....	139

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

**More
Books!**



yes
I want morebooks!

Buy your books fast and straightforward online - at one of world's fastest growing online book stores! Environmentally sound due to Print-on-Demand technologies.

Buy your books online at
www.morebooks.shop

Kaufen Sie Ihre Bücher schnell und unkompliziert online – auf einer der am schnellsten wachsenden Buchhandelsplattformen weltweit! Dank Print-On-Demand umwelt- und ressourcenschonend produziert.

Bücher schneller online kaufen
www.morebooks.shop

KS OmniScriptum Publishing
Brivibas gatve 197
LV-1039 Riga, Latvia
Telefax: +371 686 204 55

info@omniscryptum.com
www.omniscryptum.com

OMNIScriptum



FOR AUTHOR USE ONLY